ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 6 НОЯБР, № 45 (3201) ЖУМА

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

БАҲОУДДИН НАҚШБАНДИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 675 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ҲАҚИДА

Вазирлар маҳкамаси қарор қилади:

1. Кўплаб фуқаролар, уламолар ва Моваройннаҳр мусулмонлари идорасининг 1993 йилда Шарқ халқлари тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган аллома Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигини нишонлаш ҳақидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Юбилей комиссиясининг таркиби тасдиқлансин. Комиссия бир ой муддат ичида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тадбирларини ишлаб чиқиб, бажаришга киришсин.

3. Бухоро вилояти ҳокимлиги, Дин ишлари бўйича қўмита, Моваройннаҳр мусулмонлари идораси ва Узбекистон Фанлар академияси тегишли ташкилотлар билан бирга 1993 йилда Бухоро шаҳрида Баҳоуддин Нақшбандий таваллудининг 675 йиллигига бағишланган анжуман ўтказсинлар.

4. Узбекистон Фанлар Академияси ва Дин ишлари бўйича қўмитага:

— мазкур сана муносабати билан 1993 йилнинг сентябр ойида илмий конференция ўтказиш;

— «Нақшбандия таълимоти ва унинг жаҳоншумул аҳамияти» монографиясини ҳамда Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унус», Ас-Сафийнинг «Рашоҳот айн ул-ҳаёт» асарларида Нақшбандия таълимотига оид маълумотларни таржима этиб, уларни илмий шарҳлар билан нашр этиш топширилсин.

5. Бухоро вилояти ҳокимлигига Бухоро шаҳрида ва Баҳоуддин Нақшбандий туғилган Қасри Орифон қишлоғида унинг номини абадийлаштириш тадбирларини кўриш юклатилсин.

6. Мана шу тадбирларни ўтказиш учун Вазирлар маҳкамаси 25 миллион сўм ажратсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

ЁШ ВАТАНДОШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Азиз ёш ватандошлар!

Кўҳна Туркистон заминига — ота-боболарингиз юртига ташрифингиз билан муборакбод этаман.

Сизу биз бир ота-онанинг фарзандларимиз. Даврларнинг ададсиз тўфонлари, аёвсиз қатағонлар, истибдодга асосланган сиёсат сизу бизни бир юртда яшаш бахтидан бенасиб этди. Қисматларимиз айри тушса-да, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, ҳар доим бир-биримизга интилиб яшадик. Ал-Хоразмий, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур каби улуғларимизнинг руҳлари ҳамиша барчамизни бирлашишга ундаб келди. Бинобарин, ана шу аждодларимизнинг ўлмас руҳлари бугун ҳаммамизни бу ерда — тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда юз кўриштирди.

Ёш ватандошларнинг халқаро анжумани, шубҳасиз, Узбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофатидир. Бу ёруғ кунларни ҳаммамиз узоқ, жуда узоқ кутган эдик. Юртимизни озод кўрмоқ орзусида не-не буюк зотларимиз жонларини фидо қилдилар, кўплари ўзга юртларга бош олиб кетдилар. Ўша эрксевар инсонларнинг фарзандлари бўлмиш сизларнинг ота маконга қанчалар талпиниб яшаганингизни теран англаймиз ва уни ғоят қадрлаймиз.

Дунёнинг турли минтақаларида яшаётган ёш ватандошларнинг Тошкент учрашуви Мустақил Узбекистон равнақи йўлида хизмат қилишига, келажакдаги эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиқиши учун бақувват пойдевор бўлишига астойдил ишонаман.

Хорижлик биродарлар, бу қадимий ватан бизники бўлгани каби сизники ҳамдир. Азиз ватанимизни гуллабяшнатиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, уни ҳар тарафлама ҳимоя қилиш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Барча саъй-ҳаракатларимиз, ақлу кучимиз ана шу эзгу ишга қаратилмоғи даркор. Бунинг учун янада якдил ва ҳамкор бўлмоғимиз зарур.

Бу олижаноб ниятлар йўлида сизларга, сизлар орқали чет эллардаги барча ёш ватандошларга ва республикамиз ёшларига омад тилайман.

Узбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

Тошкентда ёш ватандошлар халқаро анжумани бўлиб ўтаётир. Қозонда татарларнинг умумдунё конгресси, Олмаотада қозоқларнинг бутунжаҳон йиғини, Бишкекда ҳур фикрли жаҳон қирғизлари учрашиб, миллат истиқболи учун ҳамкорлик қилишга аҳд қилганларида кўнглимизда бир энтиқиш, орзиқиш туйғи эдик. Халқаро ўзбек ёшлари иш бошлаганларидан энди бизнинг ҳам кўнглимиз чароғон.

Анжумандан мурод фақат дийдорлашув эмас. Барча ватандошлар эзтироф этаётганларидек, учрашувдан бош мақсад хориждаги барча ватандошлар билан маданий-маърифий, иқтисодий соҳаларда яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш, ёшларнинг ғайрат ва шижоатлари, ақлий салоҳиятларини Узбекистон давлатининг тараққиётига сафарбар этишдир.

Шу билан бирга анжуман турли мамлакатларга сочилган миллатимиз фарзандларини бирлаштирувчи ишонч кўприги вазифасини ўтайди. Мустақил Узбекистон камолоти билан боғлиқ эзгу ниятларимиз рўёбга чиқиши йўлида мустаҳкам замин бўлиб қолажак!

СУРАТДА: ватандошлар учрашуви

Абдуҳошим МУТАЛОВ: Узбекистон Республикасининг бош вазири

АДОЛАТ РЎЁБИ

БИЗ МАЗМУН ВА МОҲИЯТ жиҳатидан тарихий кунларда яшамоқдамиз. Бу кунлар халқимиз мустақилликка эришган ва уни мустаҳкамлаш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган бир пайтга тўғри келмоқда. Узбекистон тарихида мутлақо янги саҳифа очилди. Уни дунё тан олди. Чет давлатлар билан кенг миқёсда дипломатия ва савдо-иқтисодий алоқалари ўрнатилмоқда. Деярли барча халқаро ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий ташкилотларнинг аъзоси бўлдик. Биз жаҳон ҳамдўстлигининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида умуминсоний қонун-қоидалар асосида яшай бошладик.

Республикада янги сиёсий партиялар, ҳаракатлар, жамоалар пайдо бўлиб, ишимизда демократик принциплар қарор топмоқда. Узбекистонда кенг кўламда ўзига хос иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилянти. Сўзсиз бу ислоҳотлар Узбекистоннинг тараққиётига, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги оғир даврида ҳукуматнинг асосий диққат-эътибори аҳолини иложи борича ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Бу эса ўтиш жараёнини бирмунча юмшатмоқда. Бундай инсонпарварлик ёндашувини халқимиз тўғри тушуниб, ижобий баҳоламоқда.

Узбекистон мустақил давлат сифатида биринчи бор ўзининг асосий қонуни — Конституцияси лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйди, давлатни бошқаришнинг демократик усуллари шаклланиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти нима, унга Узбекистон қайси йўл билан ўтади, бунда устувор йўналишлар нимадан иборат, деган саволларга биз ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг «Узбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласида атрофлича жавоб топамиз. Истиқболимиз дастурий ҳужжати бўлиб қолган бу асарда Узбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати концепцияси, республикани ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари теран баён этилган.

Узбекистоннинг ҳақиқатан ҳам ўз йўли, тарихи, маданияти, маънавияти, табиий шароити, иқтисодий имкониятлари бор.

Ҳозирги мураккаб шароитда бизга бир нарса ишонч бағишлайди, у ҳам бўлса, Узбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорликдир. Тинчлик, осойишталик, бир-биримизга ҳурмат-эътибор бор экан, халқимиз бу қийин даврда ўз маданияти ва маънавиятини сақлаб қолади. Тинчлик бўлса, ҳаётимизни яхшилаш учун бизда барча имконият, шарт-шароит мавжуд.

Шу ўринда сабр-тоқатли, қийинчиликларга чидамли, олди-қочди гапларга учмайдиган, бирни кўриб мулоҳаза қиладиган, иккини кўриб хулоса чиқарадиган доно халқимизга самимий миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Қадриятларимиз тикланяпти. Тарихга, шахслар фаолиятига умумжаҳон мезонлари талаблари асосида баҳо берила бошланди. Турон-Моваройннаҳрда яшаб ўтган улуғ боболаримиз меросининг халқимизга тўлалигича қайтарилаётгани, миллий урф-одатларимизга кенг йўл очилаётгани қалб эҳтиёжи сифатида қабул қилинаётганини фақат табриклаш керак.

Социализм шароитида шахс фаолиятига баҳо беришда муросасиз муносабат ҳукмронлик қилди, одамлар икки қутбга ажратилди, ўртадаги учинчи йўл ёки муроса майдони йўқотилди. Шунга мувофиқ, шахс фаолияти ё пайғамбар даражасига чиқариб улуғланди ё бутунлай қора бўёқларда ифодаланди. Ҳолбуки, табиатнинг нодир мўъжизаси олмос қиррали фаолият соҳиби — инсон бундай сийқа ўлчовларга сиғмас эди. Натижада қанчалаб кишилар бадном этилди, қатағон қилинди.

Ўтмишга тўғри баҳо беришда ҳикмат кўп. У бугун ва келажакда бизни хатолардан асрайди.

Шароф Рашидов фаолиятига баҳо беришда ҳам юқоридагидек бирёқлама йўл тутилди. Унинг барча хизматлари рад этилди. Номи бадном қилинди. Афсуски, бу шўришлар у тириклигида эмас, балки вафотидан кейин, ҳатто қабрининг тупроғи совимасдан бошланиб кетди. Бу хатти-ҳаракатлар на мусулмончиликка, на оддий инсоний ахлоқ-одобга тўғри келарди.

«Шарофрашидовчилик» деган сунъий атаманинг тўқиб чиқарилгани, худди жиноят кодексидаги модда сингари бу айб билан кўплаб кишилар қатағон қилингани шунчаки англашилмовчилик эмас, балки мустабидлар 37-, 50-йилларда ўтказган қирғин, миллатнинг етук фарзандларини йўқ қилиш тадбири экани бугун маълум бўлиб қоляпти.

Шундай қилиб, замон ғилдираги тескари айлана бошлаган пайтларда кечагина соясига салом бериб юрганлар ҳам соҳилнинг нариги томонига ўтиб, унга тош отишдан уялмадилар. Бироқ иймони бутун, эзтиқоди мустаҳкам кишилар унинг номини, хизматларини унутмадилар. Улар қаторида садоқатли шогирдлари, бирга ишлаган сафдошлари, ҳатто уни бирор марта кўрмаган, лекин буюклигини қалбан ҳис этган кўплаб кишилар бор эди. Унинг жасади дафн этилган ер катта-кичиккинг қадамжойига айланди. Бу халқнинг ўз фарзандига чинакам меҳри эди.

Узбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатъияти, жасорати ҳали «қизил империя» барбод бўлмаган кезлардаёқ самарасини бера бошлади. Мураккаб шароитда халққа раҳбарликни зиммага олган юртбошимиз жойларда бўлиб, одамлар қалбига қулоқ тутиб, Рашидовнинг хизматларига холисона баҳо бериш фурсати етганини, бу кўплаб кишиларнинг дил истаги эканини ҳис этиб, ўзига хос мардлик билан буни элга ошкор қилди.

Бу мустақилликка қадам қўйган мамлакатнинг тарихида нурли из қолдирган, тараққиёти ва равнақи йўлида катта ишлар қилган фарзандига миннатдорлиги эътирофи эди.

Ўзида ўзбек халқига хос меҳнатсеварлик, камтарлик, қолаверса, улуғворлик, уддабуронлик, ишбилармонлик каби ажойиб хислатларни мужассамлаштирган инсон, Урта Осиёдаги аҳолиси энг кўп йирик давлатнинг обрўли раҳбари эди. Шароф Рашидовни оқлаш, уни халқимиз тарихи ва маънавиятида тутган ўрнига қўйиш — ҳозирги кунда Узбекистонда олиб борилаётган халқчил сиёсатнинг ёрқин намунасидир. Бу инсон ҳақ-ҳуқуқларини (ҳаётидан кейин бўлса ҳам) ҳимоя қилиш намунаси бўлиб, ҳуқуқий, халқчил жамият қуришдаги ишларимизда биридир. Инсон — улуғ зот, унинг хотираси эса муқаддасдир.

Мустақил Узбекистон катта мақсадлар билан яшамоқда.

Истиқболда мислсиз ишларни бажариш вазифаси турибди. Албатта, бу юмушларни адо этишда ҳамма нарсани йўқ жойдан бошлашга тўғри келмайди, бинобарин, бизнинг асрлар давомида шаклланган турмуш тарзимиз, раҳбарлик тажрибамиз бор. Тажрибалар хазинасида Шароф Рашидов эришган муваффақиятлар катта ўрин тутади. Шу ўринда менда уни илоҳийлаштириш, пайғамбар даражасига кўтариш истаги йўқлигини эслатиб ўтишни истардим. Бир инсон сифатида яшаб ўтган, ўз имконияти даражасида муваффақиятга эришган, камчиликларга йўл қўйган, енгган-енгилган, бири-бир яхши ном қозонган зот биз билан бирга.

Давоми иккинчи бетда

ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ

Кеча пойтахтимиз Тошкентда таниқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов ҳайкали очилди.

Пастдаги суратда юбилей тантаналарида иштирок этиш учун келган қозоқ халқининг атоқли арбоби, Ш. Рашидов билан узоқ йиллар ёнма-ён ишлаган Динмуҳаммад Қўнаев ва Ҳурсан Рашидова.

С. МАҲКАМОВ олган суратлар

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ:

ХАЛҚ ДИЛИДАН ЎЧМАГАН

Ш. Рашидов республикамиз саноати, қишлоқ хўжалиги, илм-фани, адабиёти, санъатининг юксалишига ҳомий бўлган ҳамда уни ривожлантиришга етакчилик қилган, шу тарзда ўзидан ўлмас обидалар қолдирган, тириклигидаёқ халқ қалбидан ўрин олган сиймолардан бири эди. Афсуски, ана шу инсоннинг ҳам хизматлари вафотидан кейин мустамлакачилар ва уларнинг юртимиздаги малайлари, югурдаклари томонидан йўққа чиқарилди, шахси эса қораланди. Яхшилик ерда қолмайди, дейди халқимиз. Тарихдан маълум, буюк аждодларимиз қанча таъқибларга учрадилар, лекин шунга қарамай улар ўтдан омон чиққан Самандар қушдек яна тарих варақларидан жой олдилар. Ш. Рашидов фаолияти ва шахси атрофида ҳам қанча уйдирмалар тўқилмаси, унинг хотираси халқ қалбидан ўчмади. Шу сабабли халқимизнинг ҳақиқий-продасини ҳисобга олиб, Узбекистон Президенти И. Каримов Ш. Рашидовнинг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилган ҳамда юбилейни ўтказиш учун ташкилий комиссия тузилган эди. Айни кунларда, жойларда унинг тўйига бағишланган хотира кечалари, анжуманлар, учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Юбилей тантаналарига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Кечадан бошлаб эса юртимизда тўй тантаналари бошланди. Юбилей олдидан қандай тайёргарлик ишлари олиб борилди, қандай режалар белгиланди ва қайси ишлар бажарилди? Мухбиримизнинг юбилейни ўтказиш комиссиясининг масъул котиби, Шароф Рашидов фонди раисининг ўринбосари Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ билан суҳбати ана шулар хусусида бўлди.

— **Шароф Рашидов Узбекистонда узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган. 34 йил. Демак, республика, халқимиз тарихининг шу даври унинг номи билан чамбарчас боғлиқ.**

Тўй муносабати билан бир нарса хусусида ўйлаб қолдим. Айтайлик, 70 йиллиги Ш. Рашидовга тошлар отилаётган пайтга тўғри келган, бироқ 50, 60 ёшлик юбилейлари-чи? Негадир улар ҳам нишонланмаган. Умуман, у кишининг ҳаёти, жамоатчилик фаолияти, ижоди билан боғлиқ бирор маросим ўтказилмаган экан...

— Эзтирофингиз ғоят ўринли. Биз айни кунларда фақат Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейинингина ўтказаётганимиз йўқ. У орқали бутун халқимизнинг тўйини нишонлаяпмиз, тарихимизнинг яқин кунлардаги қораланган нуқталари ҳақидаги бор ҳақиқатларни юзага чиқараяпмиз. Зеро, у киши юртнинг оқсоқоли, катта хонадоннинг бошлиғи эди.

Тўғри, у кишининг ёши, жамоатчилик фаолияти, ижодий ишлари билан боғлиқ бирор анжуман ўтказилган эмас, ҳатто газета ва ойномаларда бирорта мақола ҳам эълон қилинмаган. Имоним комилки, агар тирик бўлганларида ҳатто биз ҳозир нишонлаётган 75 йиллик тўйини ҳам ўтказдирмаган бўларди. Бунинг сабаби оддий: ниҳоятда камтаринлиги натижасидир. Узбекистонда номим билан боғлиқ бирор йиғин ўтказилса, мадҳиябозлик авж олади, оқибатда халққа жабр бўлади, деб ўйлаган. Фақат республикамиздагина эмас, Москвада ҳам нишонлатмаган, марказий нашрларда бирор фикр билдирилишига йўл қўймаган. Ваҳоланки, ўша даврларда ура-урачилик авжига чиққан, қуёш кўкда йилт этса, масковлик раҳбарлар кўксиларига орден, медаллар тақаётган пайтлар эди. Шундай шароитда ҳам ўзини тантанабозликлардан сақлай олган. У бутунлай тантаналарга қарши эди деб бўлмасди. Республикада минглаб олимлар, ёзувчилар, маданият арбоблари, илғор пахтакорларнинг тўйларининг бошида турган. Ўзига келганда бу ишлардан йироқ тутган.

Ш. Рашидов фақат давлат арбобигина эмасди, у халққа адиб сифатида ҳам танилганди. Унинг асарлари савияси 50, 60, 70 ёшлик юбилейларини ўтказган айрим адиблар асарларидан кам эмасди. Лекин ижодкор сифатида ҳам ўзига бағишланган ижодий анжуманлар ўтказилишига қарши турган.

Ёки бўлмаса, яна бир масалага диққатингизни тортишни истардим. Ш. Рашидов раҳбарлиги даврида Узбекистоннинг ўзида ҳам қанчадан-қанча мукофотлар, унвонлар мавжуд эди. Унинг асарлари, ўзи бу мукофоту унвонларга лойиқ эканлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ўзига ўзи унвон бераман деса, бироқ қаршилик ҳам қилолмасди. Ахир, масковлик раҳбар ўзи ёзмаган китоб учун улуғ мукофотни олиб турганда, у ўзи ёзган асари учун республиканинг муносиб мукофоти ёки унвонини олиши мумкин эди. Лекин у буни ўзи учун раҳбар сифатида уят деб билди.

Буларнинг ҳаммасини энди фақат камтаринлик доирасидагина баҳолаш қамлик қилади, уни чинакам инсоний фазилатлар мужассами деб аташ керак. Афсуски, ана шундай аҳволни кўрабила туриб ҳам айрим мухолифлари ўлимидан кейин, уни «мукофотпараст» деб аташдан уялмадилар...

Давоми тўртинчи бетда

ОБУНА—93

Шу кунларда республикамизда чоп этилаётган оммавий нашрларга обуна қизғин давом этмоқда. Узбекистон республикаси Маданият ишлари вазирлиги қарамоғидаги маданият ва санъат муассасалари ходимлари обунада ўрнак бўлмоқдалар. Улардан «Узбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигига 3727 киши, «Шарқ юлдузи»га 1508, «Саодат»га 5304 ва «Нафосат» журналига 3186 киши обуна бўлдилар. Вазирлик тармоғидаги барча ташкилотларда обуна давом этмоқда.

ГАЗЕТАМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИГА

Иқтисодий мураккаб аҳвол, бозор иқтисодига ўтиш даврининг қийинчиликларини барча қатори ҳафталигимиз ҳам тўла маънода бошдан кечирмоқда.

Қоғоз, босма, тарқатиш харажатларининг тобора кўтарилиб бораётганлиги, нарх ошишининг меъёрлари ва чегараларини олдиндан аниқлашнинг иложи бўлмаётганлиги туфайли газета-журналларнинг реал таннархини белгилаш, обунани ҳам шунга қараб ўтказиш, яъни газета-журналларнинг ўз харажатларини ўзлари қоплашларига эришиш мушкул иш бўлиб қолди. Бошқа мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар изга туша боргани сайин, бу қийинчиликлар ҳам, умид қиламизки, ўтиб кетади.

Маълумингизки, ҳафталигимиз ўз ўқувчларининг манфаатларини изчиллик ва қатъият билан ҳимоя қилиб келмоқда.

1992 йилга обуна баҳосини 15 сўму 60 тийин қилиб белгилаган эдик. Лекин иқтисодий шароит кун сайин, соат сайин ўзгариб, обуначининг бир йил учун тўлаган бу пули 1992 йилнинг дастлабки уч ойигагина кифоя қилди. Эсингизда бўлса май ойида биз яна қўшимча обуна ўтказишга мажбур бўлдик. Иккинчи ярим йил учун қўшимча обуна ҳақи (60 сўм) тўламаганларга газетани 1992 йилнинг 1 июлидан етказиб беролмаслигимизни маълум қилдик.

Лекин ўқувчиларимизни газетадан маҳрум қилиш қанчалар оғир эканлигини кўп мулоҳаза қилиб кўриб, муассис ва мададкорларимиздан олиқган ёрдам пули ҳисобига 200 минг ўқувчига то бу кунга қадар текинга газета етказиб бериб турдик.

1 ноябрга келиб, маблағларимиз тугади. Ноширдан қарзимиз ҳам қарийб 2 миллион сўмга етиб қолди.

Ходимларимиз энг паст — ўртача 2 минг сўм ойлик олиб ишламоқдалар. Қалам ҳақи миқдори ҳам чизиқнинг энг паст нуқтасида туриб қолди. Ҳолбуки, бозор иқтисодининг адолатли қонуниятларига кўра, нарх-навонинг кўтарилиб бориши баробарида ойлик ва қалам ҳақининг ҳам миқдори шунга яраша тўхтовсиз ўсиб бориши керак. Жумҳурият Президентининг кетма-кет чиқарган фармонлари шуни назарда тутади.

Шуларнинг барини назарда тутиб, ҳафталик таҳрир ҳайъати газетани 1992 йил 6 ноябр сонидан эътиборан шу йилнинг иккинчи ярмига қўшимча обуна бўлганларгагина етказиб беради.

Чакана савдода эса газетамиз эркин нарх қўйилиб сотилади.

Биз иқтисодий ҳимояланиш ва халқимиз маданий-маърифий, маънавий тарбияси учун беҳад муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳафталикни сақлаб қолиш учунгина бу чорани кўришга мажбурмиз.

Умид қиламизки, азиз ўқувчи, сиз бу чораларимизни тўғри тушунасиз ва газетамизни ҳимоя қилиш юзасидан ўз навбатида саъй-ҳаракатингизни аямайсиз.

«УЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

АДОЛАТ РЎЁБИ

Боши биринчи бетда

АНИҚ БИР ТАСАВВУР ҲОСИЛ қилиш учун, келинг, Ўзбекистоннинг Шароф Рашидов раҳбарлик қилган 60—80-йиллардаги тараққиёт даврини кўз олдимизга келтирайлик. Маълумки, унинг масъул лавозимда иш бошлаган даври шахсга сиғиниш қарши кураш муросасиз тус олган пайт эди. Шундай ҳолатда ҳам ишлар қизғин давом эттирилди. Ўзбекистонда деҳқончилик устун даражада ривожланди. Мирзачўл, Қарши, Марказий Фарғона ҳамда Сурхон-Шеробод чўлларининг бой хазинаси инсон манфаатларига бўйсундирилди. Ўтган 20 йил ичида 1335 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилиб, 662 та совхоз ташкил этилди. Бу хўжаликларда катта ҳажмда қурилиш ишлари бажарилди. Уларда кўплаб посёлкалар, юзлаб маданий-маиший муассасалар бунёд этилди.

Бунда Рашидовнинг хизмати катта, албатта. Бу ютуқлар марказ билан ҳисоблашиш, унинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришдек тазйиқ остида, айни бир пайтда миллий манфаатларни бой бермаслик тамойили асосида қўлга киритилди. Ўзбекистонни доимий хом ашё базасига айлантиришнинг оқибатлари аниқ эди. Ана шундай шароитда турли йўллар билан саноат ва техникалашган ишлаб чиқаришни жорий этишга ҳаракат қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Шароф Рашидовда марказнинг темир иродасига қарши бора олиш салоҳияти ҳам бор эди. Кремль пахта ялпи ҳосилини 6 миллион тоннага етказиш талабини қўйганида у Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга буриш масаласини ўртага ташлаб, лойиҳа ишлари бошлаб юборилишига эришди.

Шароф Рашидов Тошкентни севарди, уни дунёнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш орзуси билан яшарди. Бу туйғу ифодасини 1966 йилги зилзиладан кейин қайта туғилган пойтахтнинг жамолига қараб тўла ҳис этиш мумкин. Эндиликда Мустақиллик, Халқлар дўстлиги, Хадра майдонлари бетимсол меъморчилиги билан кўпчиликни ҳайратга солмоқда. Тошкентнинг бош майдони архитектураси ўша пайтда давлат мукофотини олди. Пойтахтда Чилонзор, Юнусобод, Қорақамиш каби янги даҳаларда кўплаб турар-жойлар бунёд этилди. Тошкент метрополитени қурилиши билан боғлиқ ташвишлар Ш. Рашидов фаолиятининг муҳим қирраларидан бирини ташкил этди. Ҳамма нарса марказнинг рухсати билан ҳал қилинадиган шароитда Ўрта Осиёда ягона замонавий ер ости қатнов воситасини қуришга рухсат ва маблағ олиш учун у озмунча заҳмат чекмади.

Шароф Рашидов Ўзбекистонда илм-маърифатнинг ҳомийси сифатида танилди. Адабиёт ва санъат ўнқуниклари, Тошкент руҳини бутун жаҳонга таратган Осиё ва Африка ёзувчиларининг, шунингдек, ана шу икки қитъа намояндалари конференцияларининг ўтказилиши анъана бўлиб қолди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали обрўли киноанжуманлар қаторида жаҳон маданияти тарихида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Ш. Рашидов муҳим давлат ишлари билан қаттиқ банд бўлишига қарамай, бадиий ижодни тарк этмади. Унинг йирик асарлари кўпгина хорижий тилларга таржима қилинган.

Шароф Рашидов халқаро миқёсда обрў қозонган эди. У Совет Иттифоқи делегациясининг бошлиғи сифатида Куба, Жазоир, Мали, Индонезия, Ҳиндистон, Гвинея, Чили, КХДР, Италия, Австрия, Ирок, Болгария ва бошқа хорижий мамлакатларда бўлди.

Рашидовнинг бутун фаолияти, аввало, она Ўзбекистонни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган эди. Бугунги кунда эришган буюк бахтимиз — мустақиллик асрий орзулар ушалганидан далолатдир. Шубҳасиз, бу кунларни Шароф Рашидов ҳам орзу қилган эди.

Ўзбекистон мустақиллик байроғини баланд кўтарди. Ҳозирда ўзи танлаган йўлда дадил қадам ташламоқда. Қисқа муддатда Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилганини бутун жаҳон эътироф қилмоқда. Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, она юртимизнинг халқаро обрўйи ошиб бораётир. 130 га яқин давлат Ўзбекистонни тан олди. Ҳозир юртимизда 14 давлат элчихонаси ишлаб турибди.

Бизда ўзига хос улкан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жадал суръатлар билан бошланиб кетди. Сўзсиз, бу ислоҳотлар тараққиётга, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилашга хизмат қилади.

Лекин, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатни «Қизил империя»нинг қулаши оқибатида рўй берган, яъни юз бериши муқаррар бўлган бугунги танг аҳволдан олиб чиқиш бевосита ўзимизга боғлиқ. Биз бировлар байроқ қилиб юрган ёт шиорлардан нусха кўчирмадик. Бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор табақаларини ижтимоий ҳимоялашдан, одамларни асраб-авайлаб, етарли шарт-шароитлар яратиб беришдан бошлаяпмиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди! Халқининг ярми болалар, ёшлар бўлган давлатнинг бирданига бозор муносабатларига ўтиши осон эмас. Шуларни инобатга олиб, 1992 йилнинг ўзидагина бешта фармон чиқарилиб, аҳолининг эҳтиёжманд табақалари ва кўп болали оилаларни мустаҳкам ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари белгиланди.

Ушбу фармонларни ижро этиш учун ўтган 9 ой мобайнида республика иқтисодиётининг танг аҳволига қарамай, 22303,8 миллион сўм сарфланди.

Халқимизнинг асосий қисми қишлоқда яшайди. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси шаҳардагига нисбатан паст экани ҳеч кимга сир эмас. Барчани тўйдириб, барчани кийдириб келаётган инсонлар адолат юзасидан тўқроқ яшаши керак эмасми?

Қишлоқ хўжалигини тезроқ оёққа турғазиш учун, энг аввало, деҳқон (фермер) хўжаликларини кўпайтириш, қишлоқларда кичик корхоналар қуриш, шу орқали аҳолини иш билан таъминлашга эришиш зарур. Бу тадбирлар қишлоқни тараққий эттириш, ялпи даромадни кўпайтиришга ҳам ёрдам беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги бор. Уларга 80,6 минг гектар ер ажратилган.

Фермерлар ҳақидаги фармоннинг бажарилишини Давлат назорат қўмитаси мунтазам текшириб турибди. Республика агросаноат банкига деҳқонларга мол сотиб олиш учун 50 минг сўмга қадар нақд пул бериш топширилди.

Ҳозирча биз «рубл»нинг тазйиқида яшашга мажбурмиз. Ахир, қардош республикалар билан шунча йилдан бери давом этиб келаётган иқтисодий алоқаларни узиш шарт эмас. Аммо эндиги иқтисодий алоқалар янгича — тенглик ҳамда ўзаро манфаат асосида амалга оширилиши лозим.

Ушбу ўтиш жараёнида ижтимоий онгни шакллантириш катта аҳамият касб этади. Биз бепул таълим, тиббий ёрдамга ўрганиб қолганмиз. Коммунистик мафкура одамлардаги ташаббусни бўғиб қўйган эди. «Ҳамма нарса — давлат мулки» деган ақида мияга сингдирилиб, кишилар мулкдорлик туйғусидан бегона бўлиб қолган эди. Айни пайтда, давлат ҳамма ишимизни қилиб беради, дея қўл қовуштириб ўтирганлар ҳали анчагина. Шунинг учун ҳам мулкни хусусийлаштириш олдимизда турган катта вазифалардан бири ҳисобланади. Ана шу масъулиятли вазифани ўз вақтида, самарали амалга ошириш мақсадида республикада Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилди. Мулкчиликнинг турли шакллари — ширкат мулки, давлат мулки, акционерлик мулки, шахсий мулк ва бошқаларнинг ривож топиши нафақат рақобатни кучайтиради, балки халқ эҳтиёжларини тезроқ қондириш имкониятини беради. Муайян корхоналарни, аввало, маиший хизмат ва савдо корхоналарини хусусийлаштириш иқтисодни жонлантиришда катта роль ўйнайди.

Иншоолло, эзгулик тантана қилади, маънавиятларимиз батамом тикланади.

Бу борада Ш. Рашидов юбилейини ўтказиш, ҳукумат комиссияси ҳам муайян ишларни амалга оширди. Комиссия республиканинг барча вилоятларида ўтказиладиган юбилей тадбирларига бош-қош бўлаяпти.

ЮБИЛЕЙНИНГ АСОСИЙ ТАДБИРЛАРИНИ Тошкент ва Жиззах шаҳарларида ўтказиш режалаштирилган. Табаррук тўйга атаб адибнинг «Эрк истар кўнгил», «Кашмир қўшиғи» китоблари нашр қилинди. Шунингдек, у билан бирга меҳнат қилган сафдошлари ва юртдошларининг хотиралари ҳам китоб ҳолида чоп этилди. А. Рашидовнинг «Акам ҳақида», И. Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» китоблари шулар жумласидандир. Ўзбекистон киночилари унинг серқирра фаолияти ва ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи «Шароф Рашидов» деган ҳужжатли фильм яратиб, ҳадя этдилар. Газета ва журналларда, телевидение ва радиода Ш. Рашидовга бағишланган суҳбатлар, кўрсатувлар мунтазам бериб бориляпти.

Ишончимиз комилки, юбилей тантаналари нафақат адолатни тиклаш, балки мана шу мураккаб даврда одамларнинг бошини қовуштириш, олдимизда турган машаққатли муаммоларни баҳамжиҳат бир ёқадан бош чиқариб ечишга ҳам муносиб ҳисса қўшади.

Абдураҳмон КАРИМОВ:

АХТАРГАНГА ИМКОН БОР

Ҳозир Жиззах вилоятида иш ҳар қачонгидан ҳам кўра қайнаган пайт: бир томонда деҳқонлар йил бўйи етиштирган ҳосилларини йиғиб олиш билан банд бўлсалар, иккинчи томонда жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги тантаналарига катта тайёргарлик кўрмоқдалар. Хўш, ана шундай шароитда вилоят ижодкорлари қандай ишларни амалга оширмоқдалар, меҳнаткашларга қандай ёрдам кўрсатмоқдалар, бўлажак тантаналарга тайёргарлик ишларини қай даражада олиб бормоқдалар. Мухбиримизнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Жиззах вилоят бўлими масъул котиби Абдураҳмон КАРИМОВ билан суҳбати ана шулар ҳақида борди.

— Бу йил деҳқонлар ҳам табиат, ҳам жамият олдида жиддий синовлардан ўтмоқда. Пахтакорлар кечаси салқин, тонгги қировли, баъзан ёмғирли кунларда хирмон йиғмоқдалар. Шундай шароитда деҳқонга маънавий мададкор бўлмоқ ҳам осон эмас. Лекин биз қўлимиздан келган ёрдамни улардан аямаймиз. Айни кунларда вилоятимиз ижодкорларининг аксарияти далаларда, пахтакорлар ҳузурида. Улар районларда, хўжаликларда турли адабий учрашувлар, мушоиралар ўтказмоқдалар, санъаткорлар билан биргаликда концертлар қўйиб бермоқдалар. Йиғим-терим атоқли давлат арбоби Шароф Рашидовнинг 75 йиллиги тантаналарига тайёргарлик кунларига тўғри келди. Шу сабабли ўтказилаётган анжуманларда Ш. Рашидов ҳаёти, ижоди ва раҳбарлик фаолияти хусусида фикрлар билдирилмоқда, хотираси эсга олинмоқда.

Ҳозиргача жойларда 30 дан ошиқ учрашувлар уюштирган бўлсак, шундан ўн бештасини хайрия йўли билан ўтказдик.

Маълумки, бўлимимиз қошида Ш. Рашидов қадриятини тиклаш комиссияси иш бошлаган эди. Комиссия таклифи билан вилоятда Ш. Рашидов номида жамғарма ташкил этилди. Жамғарма ҳисобидан вилоятдаги 6 ижодкорнинг асарларини ўз ичига олган иккита китоб чиқаришни мўлжаллаяпмиз.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида Шароф Рашидов номида 50 гектарлик боғ ташкил этилди. Шу боғ ичида адиблар учун ижод уйи қурилди. Эндиликда шу бинони тузатиш ишлари шоир Шукур Санаев бошчилигидаги вилоят қишлоқ хўжалик техникаси корхонаси ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Келгусида Ижод уйининг олди адиблар хиёбонига айланади.

Булардан ташқари, вилоят ижодкорларини рағбатлантириб бориш мақсадида Шароф Рашидов номидаги давлат хўжалиги билан бўлимимиз қошидаги тарғибот маркази ҳамкорлигида ёзувчи номида учта йиллик мукофот жорий этилган. Шунга асосан йилнинг энг яхши бадиий асари учун 3000 сўм, Ш. Рашидов қадриятини тиклаш борасида ёзилган энг яхши мақола учун 2000 сўм, Ш. Рашидов қадриятини тиклашда жонбозлик кўрсатган энг яхши ташкилотчи учун 1000 сўм миқдорда пул белгиланган.

Ёзувчилар уюшмасининг асосий вазифаси ижодкорларга яқиндан ёрдам бериш, уларнинг дам олишлари учун ғамхўрлик қилишдан иборат. Шу мақсадда Дўрмондаги Ҳамид Олимжон номидаги ижод уйининг ҳисобига маблағ ўтказдик. Натижада ҳозиргача вилоятимиздан 8 ёш ижодкор бу ижод уйида бепул дам олишди. Бугунги кунда ижодкор олдидаги энг катта муаммолардан бири китоб нашридир. Бу қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиб, Жиззахда матбуот бошқармаси қошида ноширлик-муҳаррирлик бўлими очилди. Бўлим кучи билан шу кунгача Абдуҳалил Сатторов, Меҳринисо Каримова, Ойдин Донишева, Илҳом Ҳамро, Шукур Санаев, Барно Абдураҳмон қизи, Зулфия Бўриева, Гулчеҳра Шаҳобиддинова, Абдулла Аҳмад, Абдулқосим Муҳаммад Расул каби ўндан ортиқ ёшларнинг асарлари китоб ҳолида нашр этилди. Эндиликда бу бўлимни нашриётга айлантириш ва уни «Сангзор» деб аташ ниятимиз бор.

Табийки, бу ишларнинг ҳаммаси моддий маблағ талаб қилади. Шунинг учун Адабиётни тарғиб қилиш маркази қошида «Зуҳал» деб номланган кичик корхона очганмиз. Бу корхонада шарбат тайёрланади. Эндиликда бу корхонада тикувчилик цехи ҳам ишга тушиш арафасида. Ўйлаймизки, бу ишлар тўла амалга ошса, ижодкорларимизнинг кенгроқ фаолият кўрсатишлари учун имкониятлар ҳам янада ошади.

— Эркин ака, Сиз Паркент воқеалари кечган ўша мудҳиш кунларда халқ ишончини қозонган раҳбарлардансиз. Ушандан бери уч йилдан зиёд вақт ўтди. Халқ сизни район ҳокими қилиб танлади. Ушбу давр одамлар тушунчасида ва ўзингизнинг дунёқарашингизда қандай ўзгаришлар ясади!

— Янглишмасам, ер билан осмон қадар... Паркент воқеаси заминдан узилган оёқларни яна жойига олиб тушди десам хато бўлмас. Ўтган воқеалар райондаги социал масалалар узоқ йиллар мобайнида ечимсиз қолганлигини кўрсатди. Паркент йигирма йил мобайнида Коммунистик район тасарруфида бўлиб, «қўл билан берганга қуш тўймас» қабилида кун кечирди ва сира косаси оқармади. Ўтган йиллар давомида одамларга қулайлик яратиш, халқнинг турмушини яхшилаш бўйича деярли иш қилинмади. Ҳар бирорта мактаб, ҳа бирорта касалхона қурилди. Аҳолини сув билан таъминлаш, кўчаларни асфальтлаш, газлаштириш хусусида ҳеч ким бошини қотирмади. Аксинча, ўша районга қўшилмасдан олдин Паркентда қурилган кичкина сув тармоғи ҳам йигирма йил ичида йўқ бўлди. Халқимиз эса худди учар қушлардек, бошқа вилоятлардаги хўжаликларга бориб, ўша ерларда илк баҳордан то кеч кузгача ишлаб, деҳқончилик қилиб ризқини териб келадиган бўлди.

Паркентимиз «рўзғорини бўлак қилиб», ўзи мустақил район бўлиб ажралиб чиққандан сўнг (у асосан чўлга жойлашган сувсиз район ҳисобланади) Паркент канали ишга тушди. Бу каналнинг аҳамияти биз учун жуда катта. Сувсиз тўрт минг гектар ер ўзлаштирилди. Халқ орасида сарсонгарчилик кескин камайди. Тўртта совхоз ташкил қилинди. Боғлар, узумзорлар барпо этила бошланди. Кундалик истеъмол учун зарур бўлган картошка, сабзи, пиёз — полиз маҳсулотлари ниҳоят ўзимизда ҳам етиштирилиб, бугунги кунда ўзининг ғалласи, чорваси, мевалари билан тўлиқ таъминланадиган бўлди. Бироқ ҳозирги иқтисодий танглик шароитида бу маҳсулотларнинг ўзи билан ҳам тирикчилик қилиш, районимизнинг иқтисодиётини бундай йўл билан кўтаришга ҳам кўзимиз етмай қолди. Фақат хомашё етиштириб, уни айирбошлаш йўли билан кун кечириш вақтинчалик йўл эканлиги тўғрисида кўп ўйладик. Маслаҳатлашдик. Режалар туздик. Кейин бир тўхтамга келиб, кейинги икки йил ичида маҳсулотларни шу ернинг ўзида қайта ишлашни бошлаб юбордик. 1991—1992 йилнинг ўзида олтита совхоз узумни қайта ишлаш учун ўзининг вино заводларини қурди. Ҳар биттаси 3 миллион банка тайёрлайдиган консерва заводи ишга тушди. Бир кеча-кундузда қирқ тонна ун янчадиган тегирмонимиз, йўқолиб кетган, ёғ чиқарадиган жувозларимизни тикладик. Кичик корхоналар, фермер хўжаликларини ташкил қилиш, деҳқон хўжаликларини йўлга қўйиш бўйича ҳам анча-мунча ишлар амалга оширилди. Бу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтгим келади, бугун биз Туркия билан ҳамкорликда терини қайта ишлаб, шу ернинг ўзида кийим-кечаклар тикиш бўйича корхона қуриб олишга келишдик. Қадимда халқимиз маза қилиб киядиган пўстинлар, бежирим кийимлар, насиб этса, ҳадемай ўзимизда ишлаб чиқарила бошлайди. Корхона келаси йилнинг охирида битади, деган умиддамиз. Энг муҳими, одамларда ўз ерига ўзи эга бўлиш туйғуси уйғонди. Биласиз, Паркент ҳазрати Бобурнинг қадамлари теккан муборак маскан. Бу ердан катта олимлар, уламолар етишиб чиққан. Халқимиз ҳам жуда андишали, файзли, меҳнаткаш, ўқимишли халқ. Ҳадеб шикоят қилишни, бўлар-бўлмасга тушкунликка тушаверишни ёқтирмайди. Мен кўпинча одамлар орасида бўламан, жумҳуриятимиз бошидан кечираётган иқтисодий тангликни ҳам донишмандлик билан қарши олишиб, «э, болам, биз бундан ҳам оғир кунларни — нон деганимизда, кесак ғириллаган замонларни кўрганмиз» деб кексаларимиз шукур қиладилар. Энг муҳими, кейинги уч йил ичида кўнгилларда катта умид уйғонди.

— Тумандаги хўжаликлар, қурилаётган корхоналарда бўлдим, ҳамма жойда истиқлол нафаси сезилиб турибди. Агар янглишмасам, Паркентдаги ягона вино заводининг ёнига яна еттита қўшилибди. Улар аллақачон иш ҳам бошлаб юборишибди. Вино заводлари қуришга бунча кўп ўрин берилганлигига сабаб нима!

— 1990 йили узум шу даражада яхши бўлдики, 50 минг тонна ҳосил олдик. Шаҳарлар, вилоятлар бошқа республикаларга кўп миқдорда узум чиқардик. Бир қисмидан 25 минг тонна вино ҳам тайёрладик, албатта хом ашё сифатида. Мюнхенда халқаро кўргазмада нишонлар олган шампан виноси маҳсулоти бизда тайёрланиб, Москва заводларида шишаларга қуйиларди. Энди винони ўзимиз тайёр ҳолда чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Москва билан келишдик. Ҳозир заводларимизга ускуналар олиб келиб ўрнатаяпмиз. Мақсадимиз 1993 йилда Паркентнинг шампан виносини ўзимизда чиқарамиз. Район иқтисодиётига бу валюта бўлиб қайтиб келса ажаб эмас.. Исроил билан келишувларимиз бор. Олма, узум ва бошқа мева шарбатларини қуйиш корхонасини қурмоқчимиз. Бу шарбатлар 200 граммлик целлофан пакетчаларда чиқарилади.

— Эркин ака, Паркент халқи сиз синчли иморат қурмаса, тинч ўтиролмайди. Қурилиш материалларининг нархи эса осмон қадар...

— «Сиздан угина, биздан бугина» деган мақол бор. Шу мақолнинг кучи айниқса шу тангликлар кунларида сезилмоқда. Бундан етмиш йил бурун калааанинг учи хўп яхшилаб чийратилган экан. Ҳалигача ечолмай ётибмиз. Демоқчиманки, яна бир қанча йиллар бошқалар билан олди-бердига мажбурмиз. Бу масалада биз Красноярск ўлкаси билан муомаладамиз. Биздан берилаётган картошка, пиёз ва бошқа маҳсулотлар ҳисобига улар ёғоч материаллари билан таъминлаб турибди. Шу йилнинг ўзида минг кубометрдан зиёд ёғоч олиб келиб, халқимизга етказиб бердик. Ундан ташқари, болалар боғчаларига ниҳоятда зарур бўлган жажжи стол-стулчаларни ўзимизда ясасак, деган ниятдамиз. Уларнинг вакиллари билан қарорни қатъий қилиб, жойни ҳам белгилаб қўйдик. Ҳар ҳолда халқимизга харажатлар бирмунча арзонга тушди.

Умуман олганда, вайрон бўлиб ётган иморатни бир-икки кунда тиклаб бўлмаганидек, районнинг иқтисодиётини йўлга қўйиш учун ҳам ҳамма ишни қайтадан бошлашга тўғри келди. Мана, оддий бир мисол. Паркент айни бир пайтда чорвадор район бўлиб ҳам ҳисобланади. Яйловларимизда қирқ беш мингдан зиёд қўйимиз бор. Халқда ҳам шунча. Ундан кам эмас. Шу ернинг ўзида жунни қайта ишлаш корхонасини аллақачонлар қуриш мумкин эмасмиди? Албатта мумкин эди. Бироқ... Совхозларимизнинг ўзи ҳар йили юз тонна жун етиштиради. Халқнинг ўзида ҳам шунча. Бари 200 тоннадан ошади. Биз шуларни ҳисобга олиб, Туркия билан келишган ҳолда жунни қайта ишлаб, ип йигирадиган корхона очишни режалаштирдик.

— Ўзбекистон газга бой бўлса-да яқин-яқингача ҳам Паркентда ўчоқларда таппи-тезак ёқиларди. Одамлар қишлик ўтинни ғамлаш мақсадида саратон қуёшида куйиб далаларда кезарди. Табиий газ халқ учун орзу эди. Бу масалада қандай ўзгаришлар бўлди кейинги уч йил мобайнида!

— 1991 йилнинг ўзида 110 км табиий газ трубалари ўтказилди. Бу минглаб хонадонларнинг иссиқ-совуғи ҳал бўлди деган сўз. Йил охиригача яна 60 кмлик газ трубасини ўтказамиз. Бир-икки йил ичида Паркент тўла табиий газлаштирилади.

«Бировнинг ишига бировнинг елкаси саратонда совқотаркан» деган гап бор. Бизда ҳам то шу пайтгача раҳбарлар фақат четдан келиб, бир-икки йил ишлаб, ўрнини яна бошқасига бўшатиб бераверган. Иқтисодий ривожланиш эса бир жойдан силжимаган. Сиз ҳали мактабларимизнинг аҳволини кўрсангиз. Йигирма йил мобайнида деярли битта ҳам янги мактаб қурилмаган. Борлари ҳам ярим вайрона ҳолда. Касалхоналаримиз, туғуруқхоналаримиз... Гапираман десам гап кўп. Маориф йўлга қўйилмас экан, маънавият ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Шу йилнинг ўзида 11 та мактаб қурилишини бошладик. Гулбоғ ва Бўстон совхозида иккита ажойиб, миллий мактаб қуриб битказилди, болалар ўқишни бошладилар. Биз бўлсак, биринчи навбатда миллий кадрлар тайёрлаш ишини бошлаб юбордик.

— Ўрта Осиё жумҳуриятларида миллий мутахассислар, миллий ишчилар етиштириш масаласи етмиш йил мобайнида атайин юқорининг сиёсати меваси ўлароқ «жиловлаб» келинган. Аммо мен корхоналарда бўлганимда, битта жиҳатни мамнуният билан илғадим. Сиз ҳали айтган миллий кадрларни, ишчиларни тайёрлаш масалалари аллақачон куртак ота бошлабди. 12-совхоздаги корхонада бўлганимда қизларимиз, йигитларимиз хурсандлик билан дастгоҳларда ишлашяпти. Чиқараётган маҳсулотлари ҳам юқори сифатли.

— Бугунги кундаги иқтисодий буҳронларнинг ҳам ҳисоб-китоби худди шу масала билан етмиш йил бурун боғланган. Биз оддий бир соҳада ҳам ўз мутахассисимизга узоқ йиллар мобайнида эга бўлмаганлигимиз жумҳуриятимиз ривожини кескин орқага сурилишига сабаб бўлди. Аммо бахтимизга истиқлол бўлиб, оғриқли масалалар ечими, миллий қадриятларимиз энди ўз ўзанига тушмоқда. Бу ўринда президентимиз Ислом Каримовнинг тутган сиёсати, қилаётган ишлари халқ жароҳатига малҳам бўлаяпти. Яқинда Қўқонга бориб келдим. У ерда ҳам аллақачон катта ўзгаришлар бошланиб кетибди. Кимдир терини қайта ишлаяпти, кимдир пайпоқ тўқиш цехида, кимдир кийим тикиш билан банд. Биз ҳам ўзимиздан бир мунча одамларимизни юбордик. Тажрибаларини ўрганиб келиб, ўзимизда қўллашяпти. Ҳозирги кунда Гулбоғ совхозининг ўзида аёлларимиз, қизларимиз пайпоқ тўқишларни бошлаб юборишди. Районимизда ишсизлар сони ҳам кескин камайиб боряпти. Раҳбар кадрлар хусусида ҳам ўз режаларимиз бор. Қадимда ота-боболаримиз пиллани, жунни қозонда қайнатиб ипини оларди. Биз шу даражага бориб қолган эканмизки, ҳатто ота-боболаримизнинг ақл ғиғирғидан ўтган асрий удумларимизни, иш усулларимизни ҳам аллақачон унутиб юбориш ҳолатига келиб қолган эканмиз, бизда ҳам қайтадан пиллалар қозонда қайнай бошлади.

ЎЗГАРАЁТГАН ЭЛ

ПАРКЕНТ РАЙОН ҲОКИМИ ЭРКИН РЎЗМАТОВ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ҳозир, мана қаранг, битта чинни асбоби фалон пул деб, аёлларимиз чирқиллаб юришади.

Паркентда авваллари атиги битта кулол оиласи идиш-товоқ билан бутун халқимизни таъминларди. Яна у сопол косаларнинг, пиёлаларнинг чиройлилигини айтмайсизми! Сири ҳадеганда кўчавермасди. Сопол косаларда — чамбараклардаги қаймоқни еб одам тўймасди. Унутилаёзган кулолчиликни ҳам йўлга қўйдик.

— Айтишларича, туғилиш бўйича Паркент райони Ҳиндистонинг қайси бир штатидан кейин иккинчи ўринда турар экан. Бугунги кунга келиб, Паркент райони аҳолиси қанчага етди!

— Атрофдаги ўнта қишлоқ шўросини қўшиб ҳисоблаганда ҳозир роппа-роса 95 минг аҳолимиз бор. Ҳали айтганингиздек, туғилиш чиндан ҳам кўп, бироқ болалар орасида ўлим ҳам оз эмас. Туғуруқхоналаримизда сув танқис. Баъзан ҳатто совуқ сув ҳам бўлмай қолади. Эски туғуруқхоналаримиз замонавий талаб даражасида эмас. Янги замонавий қурилишларни бошлаб юбордик.

— Яқинда Паркент район юқумли касалликлар шифохонасининг бош врачи билан гаплашиб қолдим. Кейинги пайтда болалар ўртасида сариқ касаллиги яна қайтадан авж олиб кетаётган экан. Баъзи хонадонларда тўрттадан «сариқ» бўлган болалар бор. Дори ниҳоятда танқис. Ҳатто бош оғриғини қолдирадиган, иситмасини туширадиган дориларни ҳам етказиб беришимиз амри-маҳол бўлиб қолди, деди у киши куюниб. Дори танқислиги — бу жумҳуриятимизнинг оғриқли масалаларидан бирига айланган. Ушбу муаммони сизлар қай йўсинда ҳал қилаяпсизлар!

— Тоғларимизга чиққан бўлсангиз, уларнинг бағрида юзлаб анвойи, шифобахш гиёҳлар гуркираб ётибди. Бизга яқинда Хитой Халқ Республикасидан вакиллар келишди. Улардан бири дори-дармон етиштириш корхонасининг директори экан. Биз улар билан маслаҳатлашиб, шифобахш ўсимликларимиздан намуналар олиб, текширишдан ўтказиб қўйган эдик, ўзимизда табиий дорилар ишлаб чиқишни йўлга қўйишни режалаштирдик. Туманда Гелио корхонаси бор. Ҳозир у бекор ётибди. У дори-дармон тайёрлайдиган корхонага айлантирилади.

Усимликларни эса алоҳида жой ажратиб экамиз. Унгача ҳам иложи борича дориларни сотиб олишни тўғри йўлга қўйишга ҳаракат қиляпмиз.

Бундан ташқари, районимиз иқтисодини йўлга қўйишда ўзимиздан етишиб чиқиб, жумҳуриятимизнинг зарур нуқталарида ишлаётган паркентлик дўстларимиз ёрдамига таянмоқ ниятидамиз. Ўтган йили улардан тўқсон олтитасини йиғиб, «қани сизлар қадрдон Паркент учун нима қила оласизлар!» деган саволни бир пиёла чой устида ўртага ташладик. Халқ хўжалиги олийгоҳи проректори Зокир Йўлдошев шу соҳа бўйича зарур мутахассислар тайёрлаш масаласида ёрдам бермоқчи бўлди. Институт домлалари шу ернинг ўзига келиб имтиҳон олиб, болаларни ўқишга қабул қиладилар. Бу йилнинг ўзида Пединститутга ўн бешта ўқувчимиздан ўнтаси кирди. Область тайёрлов идорасининг мутасаддиси Жасур Эргашхўжаев халқимиз учун келаси йили барча қулайликларга эга бўлган икки қаватли бозор қуриб бермоқчи.

— Эркин ака, ҳалидан бери тилимнинг учида бир савол айланиб юрибди. Назаримда, Паркент яхлит бир вужуд бўлса, боғлари у нафас оладиган «ўпка»га ўхшайди. Мен болалигимни аниқ эслайман: ёқутга ўхшаб товланадиган, ичидаги донларини санаш мумкин бўлган соҳиби деган узум бўларди. Бизнинг чиллакилар, ҳасайни-ҳусайнилар бошқа ҳеч ернинг узумига ўхшамасди. Ширраси жуда баланд бўларди. Ўша узум навлари йўқ бўлиб кетди...

— Тўғри айтасиз. Чиндан ҳам, Паркент боғлари билан машҳур. Хўжаҳ-рор, қизил чиллаки, оқ чиллаки, бувоки, чарос, сояки, бўлиқ ҳасайни, тилладек ҳусайнилар ўзимизга ҳам орзу бўлиб қолди, чоғи. Машҳур боғларимиз узоқ йиллар мобайнида деярли қаровсиз қолди. Уста соҳибкорларимиз қадрланмади. Эскирган, қариган токлар ўрнига янги кўчатлар тайёрланмади. Биз бу соҳада ҳам ҳамма ишни нулдан бошладик. Ер ажратиб, кўчатлар экишни совхозларда бошлаб юбордик. Аралаш навлардан воз кечдик. Битта муҳим жиҳатни айтиб ўтишга тўғри келади, ичкиликбозликка қарши кураш никоби остида боғларимизга қирон келган ўша даврда, Паркентнинг узумлари асраб қолинди. Токлар суғуриб ташланмади. Эски бўлса-да, кам ҳосил бўлса-да, узумзорлар ўз ўрнида қолди. Кўчат навларини биттадан муҳокама қилдик. Районда тўқсон фойиз узумзор янгиланди. Кўчатлар нишона бера бошлади. Шу йилнинг ўзида ўн минг тонна ҳосил олдик. Бу кўрсаткич йил сайин кўтарила боради. Ҳосил мўл бўлса, табиийки ҳадемай, бозорлардаги нархлар ҳам аста-секин тартибга тушиб қолади.

— Шу кунларда сизни қийнаётган муаммолардан энг асосийси қайси бири!

— Ичимлик суви — бизни қийнаётган энг катта жумбоқ. Биз шу пайтгача сувни Коммунистик райондан олиб келардик. Аммо у эҳтиёжимизнинг учдан бирини ҳам қоплямайди. Шу мақсадда биз 1991 йили ҳукуматга мурожаат қилдик. Ҳозир биз Кумушкон атрофидаги булоқ сувларини йиғиб, Паркентга ичимлик сув олиб келмоқчимиз. Лойиҳа тайёр. Бунинг учун айланаси 300 метрлик трубадан 17 километр керак. Ўтган йили шу трубадан беш километрини топиб қўйдик. Сувсиз яшаш жуда оғир. Бизга маблағ ажратилса, ишларимиз юришиб кетади.

Бундан ташқари, Паркентдан сал юқорида Қўтирбулоқ деган шифобахш булоқ бор. Тери касалликлари билан оғриган беморлар, бод ва бошқа касалликларга шу сув шифо бўлиб келган. Эндиги мўлжалимиз ўша сувни шишаларга қуйиб (бир қисмини албатта) ичимлик сув тариқасида истеъмолга чиқарамиз. Чунки унинг таркибида инсон табиати учун зарур бўлган ўн бешдан зиёд шифобахш минерал тузлар мавжуд экан. «Мусулмончилик ҳам аста-секин» деганларидек, ҳаммамиз биргалашиб ҳаракат қиляпмиз. Икки йил давомида тўрт мингдан ортиқ оила томорқали бўлди. Ер масаласи тўлиқ ҳал этилди. Энди аҳолини ичимлик сув билан таъминлашимиз, томорқаларга сув етказиб беришимиз, ердан унумли, тўғри фойдаланишни назорат қила боришимиз керак.

— Бу ишлар барҳ хайрли. Иқтисодий буҳронларга уйғун равишда маънавиятда ҳам қандайдир тушкунлик, лоқайдлик кечаётгандек. Одамлар газеталарга ёзилишдан чўчиқираб туришибди. Обуна ниҳоятда суст.

Туманда аҳвол қандай!

— Энди, Шарифахон, иқтисодий қийинчиликлар деб, маънавий ривожланишни ёддан чиқариб қўядиган бўлсак, бунинг ўрнини кейинчалик ҳеч нима билан тўлдириб бўлмайди. Ҳозир ҳам халқ орасида «хоҳлаган ёзилар, ёзилиш шартмикан» деган фикрлар тез-тез қулоққа чалинади. Аммо шахсан ўзим бутунлай бошқача фикрдаман. Газета-журналларга обуна бўлиш ҳаммамиз учун жуда муҳим. Биз жуда бўлмаса, ўзимизнинг нафасимизни ҳис этиб турмас экан-миз, руҳан қашшоқлигимизча қоламиз. Руҳан қашшоқ миллат эса ҳеч қачон дунё сўрамайди.

— Ўзингиз кўпроқ қайси газеталарни хуш кўрасиз!

— Маънавиятимиз учун жуда катта хизмат қилаётган «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни. Уни жасур газета с

КЕТГАН ВА КЕЛГАН ШЕЪР

Нималардир кетди... Бус-бутун, қайтмас бўлиб. Куюнмайсан. Кетгани чин бўлсин, дейсан пичирлаб. Бироқ борса келмасга равона бўлган нарсалардан тушган соялар ва узоқ туриб қолган соялардан мерос зах-моғорлар босган жойларга нур туша бошлади. Бундан кўнгил қувонади, руҳ ўсади. Хайрият!

Тарих ахлатхонасига супуриб ташланган нарсалар орасида инсониятнинг катта бир қисмини анча вақт тентиратиб, азоб-уқубатларга дучор этиб келган қизил мафкурани шарафлаган ҳамду саноларга тўлиқ шеърлар ҳам бор. Ўша шеърларнинг муаллифи, бугун алданганини сезиб-билиб турган шоирга «хизмати»нинг моҳиятини — бу унинг учун қанчалик оғир бўлмасин — айтган маъқул. Ҳар кимни ҳам чинакам бахтдан — ўз хатосини англаш, покланиш бахтидан бенасиб этмасин.

Биз шоирлар Асқар Маҳкам, Азиз Саид, Мақсуд Бекжон ва Абдували Қутбиддинни суҳбатга таклиф этиб, шеърнинг бугунги аҳволи, вазифаси, эртаси ҳақида мулоқотга чорладик. Улар ўзларини қийнаб юрган фикр-мулоҳазаларини баён этишди. Қайсидир маънода бу гурунг адабиётимизнинг бугунги ҳолатини, ижодий жараёнда кечаётган ўзгаришларни, шеърнинг янгиланиш, покланиш сари юз бураётганини акс эттиради, деб ўйлаймиз.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Иброҳим ҒАФУРОВ: — Ўзингизларга маълум, кейинги икки-уч йил ичида газета ва журналлар сони кўпайиб бораяпти. Лекин адабиёт ҳақида, унинг туб муаммолари ҳақида профессионал гап ниҳоятда камайиб, ҳатто йўқолиб кетаяпти. Ўзимизнинг «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га ўхшаган, бу иш билан бевосита ва ҳар кун, ҳар соат шуғулланиши керак бўлган газета-журналлар ҳам шу масалаларни изчил ўз саҳифаларига олиб чиқолгани йўқ. Бундай муносабат адабиётдан бехабарлик, адабиётдан совиш, адабиётдан четлашиш, бегоналашиш ҳолларини туғдиряпти. Менимча, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Нега деганда, бизнинг бугунги шеъриятда ҳам, прозада ҳам, драматургия, адабий танқид ва публицистикада ҳам етарли кучлар, талантлар бор. Фақат улар бевосита адабиётнинг илдизини, моҳиятини очиб берадиган мақолалар, тақризларни ўртага ташлашмаяпти. Энди, адабиётчиларнинг ўзи адабиёт ҳақида гапиришдан безиб турган маҳалда ўқувчилар бу мураккаб дунёнинг ичига киришга чўчийди, қўрқади, янги китобларни ўқиб, ҳа, бу яхши экан, буниси саёз экан, деб қўя қолади, яратилаётган асарлар ҳақида профессионал адабиётчи даражасида фикрлай олмайди.

Шунинг учун ҳам бугунги шеър ҳақида бир марта, бир йиғинда эмас, тез-тез учрашиб, давра қилиб унинг хилма-хил муаммоларини ўртага ташлаб, муҳокама қилиб туриш бизнинг — адабиётчиларнинг, шоирларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиши керак экан.

Мана, бугун шеърнинг вазифаси ўзгараяпти. Бугунги шеърни кечаги шеър билан, ҳатто 80-йилнинг боши ёки 80-йилнинг ўрталаридаги шеърият билан ҳеч қиёслаб бўлмайди. Бугунги шеър қандай бўлиши керак, деган саволни ҳатто ўртага қўйиб бўлмайди. Чунки шу саволга жавоб топиш қийин. Бугунги шеърнинг вазифаси қандай бўлиши керак, деган саволни ҳам қўйиб бўлмайди, бу саволга ҳам жавоб бериш мушкул... Шу қадар фикрлар, шеъриятга қарашлар хилма-хил бўлиб кетганки, бу хилма-хиллик, ранг-баранглик ичидан марказий, ўқ фикрни топиш амри маҳол, балки топиб ҳам бўлмас. Шунинг учун бугунги шеър қандай бўлиши керак, бугунги шеърнинг ҳаётдаги ўрни қандай, бугунги шеърни ўқувчи ўқияптими, бугунги шеър, масалан, ижтимоий ҳаётга қандай таъсир кўрсатаяпти, умуман, шундай таъсир борми, йўқми, деган саволларга — модомики, танқидчилар шунга жавоб беришмаган экан — шоирларнинг ўзи жавоб беришларига тўғри келади. Чунки ўқувчини бу саволлар қизиқтиради, ўқувчининг бу саволларига жавоб бермасдан қийнашнинг ўзи ҳам уни омилик ботқоғига, билмаслик, билимсизлик ботқоғига, адабиётдан хабарсизлик ботқоғига ташлаб қўйиш ёки ўша ботқоқда ҳаракатсиз қолдириш билан тенг.

Ҳозирги пайтда ўзини шоир деб атайдиган айрим одамлар шеър ёзишади, шеърини ўттиз, қирқ минг тўлаб нашриётларда чиқаришади. Ўша ўттиз, қирқ минг тўлаб чиқарилган шеърларни шеър деб аташ мумкинми? Бирор-бир талабчан муҳаррирнинг, шоирнинг назаридан ўтмаган, унинг фикр чақмоғини кўрмаган бу шеърларни нашриётлар қандай қилиб ўқувчига, айтайлик, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Солиҳ ёки Эшқобил Шукур, Асқар Маҳкам шеърларига тенглаштириб, шеър деб тақдим қилаётир? Фақат пул тўлагани учунми? Пул тўламаган одам энг гўзал шеърлар ёзган тақдирда ҳам бу гўзал шеърлар йиллаб чиқмай ётса, буни қандай қилиб ҳал қилиш мумкин бўлади?

Хуллас, ҳозир шеърнинг олдида ниҳоятда савол кўп. Бу саволларга сизлар биздан ҳам кўра кўпроқ дуч келасиз. Чунки бу сизнинг амалий ҳаётингиз билан, ижодингиз билан боғлиқ. Ҳар қадамда бундан кўра ҳам дардлироқ, бундан кўра ҳам фожиалироқ саволларга юзма-юз келаяпсиз, шуларга жавоб қидириш билан оворасиз. Хўш, бундан буёғи қандай бўлиши керак? Энди шеърнинг олдига қандайдир талаб қўйишнинг маъниси қолмадими ёки барибир биз шеърнинг олдига ўзимизнинг классик талабларимизни қўяверишимиз керакми? Агар талаб қўйиладиган бўлсак, ҳаммасини ўз ҳолига ташлаб қўядиган бўлсак, охир-оқибат бу дидсизлик, фаросатсизлик, ҳар қандай ўлчовларнинг йўқолиб кетишига, ҳар қандай бадиий меъёрнинг тугашича, умуммиқёсий меъёрсизликка сабаб бўлмасмикан. Мана, қанчадан-қанча китоблар чиқаяпти, ҳаммасини кўриб, кузатиб юрибсиз. Бироқ шулар ҳақида бирор умумлаштирувчи гап айтолмаяпмиз. Ҳатто шоирларнинг ўзлари яқин-атрофларидаги ҳамкасбларининг китобларини ўқиб, агар қутлайдиган томонлари бўлса, яхши сўзга арзийдиган жиҳатларини кўрсатиб, суюниб ёзган мақолалар ҳам йўқ ҳисоби. Натижада чиқаётган ўнлаб юзлаб китобларнинг ҳаммаси баҳосиз қолиб кетаяпти. Бундай аҳвол қачонгача давом этиши мумкин. Катта адабиётда шундай бўлиши керакми? Ахир, халқнинг шоирлари доим қизғин фикр муҳитида яшаши керак-ку, деган таъналар ҳам олдимизда йўқ эмас. Мана шулар ҳақида озми-кўпми фикрлашиб олсак, фикрларимизни газета саҳифасига чиқарсак, ҳар ҳолда, ўқувчини қизғатиб турсак, ёмон бўлмас эди. Чунки шеър ўқувчисининг кўпчилик қисми ҳозирги пайтда туртки бўлмаса, фикрий ҳаракатга келмайди. Фақат туртки билан, фақат ундаш билан, тўхтовсиз чақириб туриш билангина ўқувчини жиддий жон қойитишга мажбур қилиш мумкин.

Асқар МАҲКАМ: — Менинг мулоҳазаларим, эҳтимол, бир мунча бошқачароқ бўлар. Бу менинг шахсий фикрларим бўлиб қолади.

Гап шундаки, ҳозир адабиётимизнинг ниҳоятда оғир аҳволи ҳақида узлуксиз айтилаётган гапларда бир маънода жон бор. Ҳақиқатда, бизни минг куйга солган мафкура ўзининг умрини яшаб бўлиб, ҳаётдан, онгимиздан, тасаввуримиздан чиқиб кетиш, илдизлари билан қўпорилиб чиқиб кетиш стихияси кечаётибди. Лекин, минг марта шукрлар бўлсинки, бизнинг олдимизда, кўзларимиз ўнгида ниҳоятда улкан бир дунё юз очаётибди, биз буни пайқашимиз керак, стихия чанглари ичида шуни илғашимиз лозим. Олдимизда юз очаётган олам бу — бизнинг ўзлигимиз, миллатимизнинг миллий онги, маданияти, мафкураси билан боғлиқ бўлган тарихий, миллий, руҳоний адабиётимизнинг бизга асл маънода қайтиши рўй бераётганики, шуни қайд этмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Масалан, мен юқорида айтган мафкура, ниҳоятда аёвсиз мафкура, ялонғоч қиличга ўхшаган мафкура қилич билан кириб келди ва ўша қилич билан чиқиб кетаётибди, юракларимизни зирқиратиб, аччиқ тутундек кўзларимиздан ёшимизни сирқиратиб чиқиб кетаётибди. Лекин, яна айтаманки, бизнинг асл миллий, руҳоний адабиётимиз ёки мафкурамиз, мана, секинлик билан устидан гардларни тозалаяпти ва биз унга қараб бораяпмиз. Бу, иншооллоҳ, яқин-орада кўнгилларимиз тубига чўкса, эски мафкура илдизлари ўрнини тўлдирса, шубҳасиз, бизни юксакка кўтаради, бизни дилгирликдан, бадбинликдан, руҳий тушкунликдан асрайди, она адабиётимиз, она шеъриятимизга йўл очади, ҳозирги пайтда рўй бераётган иқтисодий буҳронлар олдида эсанкираб қолишдан сақлайди, деб умид қиламиз. Ва, алҳамду лиллоҳ, бу жараён барча қийинчиликларга қарамай кун сайин юксалиб бораётибди. Мен ниҳоятда хурсандманки, бизнинг истеъдодли шоирларимиз буни чуқур ҳис қилган ҳолда, ишонч билан ижод қилишмоқда. Уларнинг шеърларида қадриятларимизга жуда катта чанқоқлик билан қайтиш юз бераётибди ва бу жараён шеъриятнинг ҳамма кўринишларида рўй бераётибди.

Бу нарса аслида йўқмиди? Бор эди, албатта. Ўзимизни ўзлигимиздан тўсиб турган коммунистик мафкуранинг ҳукмронлиги даврида ноилож қолган бизнинг ёрқин истеъдодларимиз бошқа бир дунёвий, ўзга миллий қадриятларга мурожаат этиб, ўша йўсинлар, ўша йўналишларда шеърлар ёзиб юришарди. Бу ўша даврнинг тақозоси эди. Энди, бугунга келиб олдимиздаги «хитой девори» олиб ташлангандан кейин шеъриятимизнинг катта-кичик бўғинларида ўзимизнинг руҳоний адабиётимизга қайтиш жараёни чандон бир шиддат билан рўй бераётиб, ўзимиз бунинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Энди баъзи бир қийинчиликлар бу талантларга, истеъдодларга кор қила олмайди.

А. МАҲКАМ А. САИД

Шу ўринда мен бугун қўлига эътиқод қаламини тутиб сўз айтмоққа жазм этган биродарларимизга ҳазрати Алишер Навоийнинг Шайх Абул Ҳасан Ҳаракониийдан келтирган ушбу сўзларини эслатмоқни жоиз деб биламан:

«Сўрдиларки, фано ва бақода сўз айтмоқ (демак, сўз айтмоқ фақат фанога эмас, бақога ҳам хос экан — А. С. М.) кимга тегар? — деди: Ул кишигаки, ани осмондин бир тор ипак билан осмиш бўлғайлар ва еле эсадирмиш бўлғайки, биноларни ва ёғочларни қўнғармиш бўлғай ва дарёларни анбошда қиладирмиш бўлғай ва ани (яъни, сўз айтадурғон кишини — А. С. М.) тебрата олмағай...»

Чин истеъдодлар ҳазрати Шайх айтганларидек, «осмондин бир тор ипак билан осилмиш» кишилардир. Яъни илоҳий иплар билан осиб қўйилган киши. Унга фоний дунёда бўладиган на тўфонлар, на довуллар, на давр ва на мустабидлар тиғи кор қила олар экан. Сўз айтиш қисмати фақат шу кишиларга насиб этаркан.

Қалам аҳлининг, алалхусус, бизнинг — миллий қалам аҳлининг кўнглимизни ўстирадиган, умид қилса бўладиган яна бир воқелик шуки, эндиликда Ўзбекистон, ўзбек халқи кириб борадиган янги замон, бу хоҳ постиндустриал жамият бўлсин, хоҳ ривожланган, маданиятлашган жамият бўлсин, лекин унинг замирида жуда катта бир мафкура бўладики, бу ислом мафкураси бўлади, иншооллоҳ. Шунинг замирида бизда исломий адабиёт шаклланади — худди Навоий замонидагидай ва Темур замонидагидай. Шу асосда бизда, худо хоҳласа, бу таълимот билан боғлиқ ҳолатда бутунлай янги адабиёт, янги шеърият пайдо бўладики, биз бунинг остонасида турибмиз. Иншооллоҳ, тақдиримиз агар бутун бўлиб, келажагимиз чин бўладиган бўлса, биздан кейин келадиган авлодлар буни жуда теран ҳис қилган ҳолда миллий, руҳоний адабиёт намуналарини, шеър намуналарини яратадилар, деб умид қиламиз ва бунга иймонимиз комил.

Азиз САИД: — Ҳозир шеъриятга, нафақат шеъриятга, балки умуман адабиётга бўлган эътибор ўқувчилардагина эмас, шу билан бирга қўлига қалам олган ижод аҳлида ҳам сўниб қолган. Асқар Маҳкам таъкидлаб ўтганидек, бу ҳолатнинг мафкура билан боғлиқ асосий томони бор. Чунки етмиш йилдан кўпроқ вақт ичида ўқувчилар ҳам, ёзувчи, шоирлар ҳам адабиёт ҳақида бошқача юзаки тасаввурга эга бўлиб келдилар. Биз шеъриятдан олдига аллақандай вазифаларни қўйиб келдик. Шеър кимларга нималарнидир даъват этиши, кимларнидир қаёқларгадир бошлаши, қандайдир ишларни бажариши, кимлар ҳақидадир куйлаши лозимдай эди. Оламнинг жавҳари Инсонга, инсоннинг ўз қалбига муносабати иккинчи даражага тушиб қолди. Мана энди ўша кўзга кўринмас занжирлар узилгач, қандайдир бўшлиқ пайдо бўлди. Шоир ўзи кеча айтиб келган сўзлари сўз эмаслигини англаб қолгач, у нимасидандир ажралиб қолганини сезди.

Шеър бу — инсоннинг руҳи, қалби. Руҳ, қалб эса илоҳий нарсаларга ёндош. Биз бугунги кунда буни англай бошладик. Бироқ биз шу пайтгача тақиқлаб келинган гапларни жуда тезликда, шошилиб шеър орқали айтишга киришиб кетаяпмизки, бу намуналар ҳақиқий шеъриятдан йироқ ва афсуски, бу жараён айни пайтда давом этаётир. Бугун, мен юқорида айтган коммунистик мафкура йўқолгани туфайли пайдо бўлган бўшлиқни тўлдиришга уринишлар маълум бир муддат давом этса керак. Чунки руҳ майлининг вужуд майлидан ғолиб келиши осон кечмайди. Пул тўлаб чиқарилаётган китоблар масаласига келсак, бу адабиётнинг мавқеини, обрўсини белгилай олмайдиган ўткинчи жараён. Адабиётимизда кейинги пайтда янгича изланишлар, анъанавий йўллардан чиқишга ҳаракатлар бўлаётган бўлса, буни табриклаш керак. Чунки бу изланишлар адабиётнинг эртанги ривожига ижобий таъсир қилиши мумкин.

Шоир революционер эмас, шеърият ҳам қандайдир ижтимоий ўзгаришлар учун қўлланадиган қурол эмас. Буни биз бугун тан олишимиз керак. Биз ҳамиша бир нарсани — ҳақиқий шеъриятни, инсоннинг ҳақиқий руҳини акс эттирадиган поэзияни назарда тутишимиз даркор.

И. ҒАФУРОВ: — Демак, шеър ижтимоий қурол эмас, деган тезисга келиб тўхтадик. Энди ана шу нуқтадан суҳбатимизни давом эттирамиз.

Мақсуд БЕКЖОН: — Суҳбатимиздан кўринаяптики, адабиётнинг муаммолари ҳаммаси мафкурага бориб тақалаяпти. Шу ўринда бир фактни эсламоқчиман. Бундан икки йилча муқаддам ёш танқидчи Мусурмон Намозовнинг «Янги концепция «зарур» деган мақоласи чиққан эди. Мен ўқиб ўшанда жуда ҳайрон бўлганман. Мақолада эски мафкура кетди, унинг ўрнини нима биландир тўлдириш керак, деган маънода мулоҳаза юритилган.

Социалистик реализм — ҳақиқий «концепция» эди. Менимча, инсоният тарихида ундан мукаммалроқ «концепция» ўйлаб топилмаган бўлса керак. Соцреализм қаҳрамонлари қаерда нима қилишни, нимани гапириб, нимани гапирмасликни беш бармоғидай яхши билишарди. Танқидчиларимиз ҳам соцреализмнинг барча қонун-қоидаларини ёзувчилардан кам билишмас, асарларнинг қуюшқондан (яъни, соцреализмдан) чиққан жойларини астойдил ғайрат билан, маҳв қилишга тутинардилар. Адабиёт фақат ташаббусдан, дунё эса — одамлардан эмас — пролетариат ва буржуйлардан иборат эди. Қизиғи шундаки, ишчилар адабиёти, яъни совет адабиёти бир умр ишчининг яхши ҳаёт учун курашини мадҳ қилди-ю, аммо, яхши ҳаётнинг ўзи нима эканлиги ҳақида ҳеч нарса демади. Агар биронта ёзувчи пролетариат вакилининг барча интилишлари, истакларини батафсил, эринмай санаб чиққанида эди, ишчининг буржуйдан заррача ҳам фарқ қилмаслигини кўриб, ҳамма ҳайрон қолган бўларди. Аммо бу соцреализмга лойиқ иш эмас эди. Соцреализм мавжуд инсонларни тасвирлаш учун эмас, янги типдаги инсонларни яратиш учун дунёга келган эди.

Мана, социалистик реализм деган «ахлоқий кўрсаткич» ўзи яратган жамият билан бирга таназзулга юз тутди. Энди совет ёзувчилари «ахлоқ»сиз қандай кун кечирадилар? Уларга (халққа йўл кўрсатиши лозим бўлган ёзувчи деган мавжудотга) ким йўл кўрсатади?

Қафас бирданига олиб ташланганидан сўнг, узоқ йиллар давомида қафасга суяниб ўрганган вужудимиз гандираклай бошлади, яъни у «қафассизлик» касалига йўлиқди. «Қафассизлик» касали фақат иқтидорсиз ёзувчиларнинг соцреализм қадриятларидан маҳрум бўлиб, саросимага тушганларидагина эмас, балки, истеъдодли ёзилган жуда кўп асарларнинг публицистикага айланиб кетишида ҳам намоён бўла бошлади. Кўпчилик совет ёзувчиларига ўзларининг эришган озодлиги етим қолган боланинг эркинлигидай туюларди. Бу ерда қувончдан кўра, қўрқув кўпроқ эди. Етимлик ҳисси уларни, шубҳасиз, қандайдир бошпана излаб топишга ундайди, чунки, улар БОШПАНОҲсиз яшай олмайдилар. Бундай БОШПАНОҲ эса — янги концепциядир.

Шундай қилиб, ҳозир янги қолип ҳақида мушоҳада юритишмоқда. Албатта, бу қолип соцреализмга мутлақо қарама-қарши (мабодо, қолиплар бир-бирини рад эта олиши мумкин бўлса), прогрессив (соцреализм ҳам прогрессив ҳисобланарди, ҳамма гап бу атаманинг қайси ўринда ишлатилишига боғлиқ) ва анча (қанча?) кенгроқ бўлади. Хуллас, энг аввало адабиётшунослик пайдо бўлади. Кейин — адабиёт. Биз бу йўлдан илгари бир марта ўтмадикми?

Умуман, ёзувчи деганимиз ким ўзи? Ёзувчининг «халққа йўл кўрсатиши» нимадан иборат?

Менинг назаримдаги ёзувчи, энг аввало, эркин қушдир. У бировнинг насиҳатидан қочар экан, ўзи ҳам бировга насиҳат қилмайдиган даражада ақллидир. У ҳар қандай қолипдан, ҳатто яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги анъанавий тасаввурлар қолипига тушиб қолишдан ҳам чўчийди. У ўз асарини ёзар экан, ўзининг «ёзувчи»лигини ҳис қилмайди. Унинг халққа йўл кўрсатиши — дориларнинг фойдали ёки зарарли эканлигини одамларга аниқлаб бериш учун дори ютаётган кишининг фидойилигига ўхшаб кетади. Аммо, унинг ҳатто фидойилиги ҳам анъанавий эмас. Назаримда, атрофда унинг ютилган дориларидан хулоса чиқарадиган ҳеч ким бўлмаган тақдирда ҳам, бу «дори ютувчи» ўз дориларини сидқидилдан ютаверган бўларди. Бундай ёзувчига, албатта, ҳеч қандай концепциянинг кераги йўқ. Аниқроғи, унинг ўзи билан бирга туғилган иқтидори, истеъдоди даражасидаги ўз «концепция»си мавжуд. У бу «концепция»ни ўз асарларидаги ҳар бир сўз, жумла, ҳатто, тиниш белгилари орқали баён қилади.

Асқар Маҳкамнинг фикрларига кичик бир изоҳ бермоқчиман. Гап шундаки, бошқа мафкураларнинг адабиётга қандай алоқаси, таъсири бўлса, ислом мафкурасининг ҳам адабиётга шундай алоқаси ва таъсири бор. Биз бу ерда ислом эътиқоди, яъни Оллоҳнинг ягона эканлигига имон келтириш билан, ислом мафкурасини, яъни, ижтимоий-сиёсий таъсирлар натижасида исломнинг дунёнималашишини чалкаштириб юбормаслигимиз керак. Аслида, биз шеърга нисбатан ишлатадиган «руҳий ҳолат», деган нарсанинг ўзи ўша сиз айтган «руҳоний ҳолат»ини англатади. Ҳолатнинг илдизи бир — руҳ. Инсон руҳининг зулмат-васваса билан мангу кураши. Шу маънода, ҳақиқий шеърият руҳий, яъни сиз айтгандай, «руҳоний» шеъриятдир. Аммо бунинг учун шеърда, диний терминлар бўлиши шарт эмас.

А. МАҲКАМ: — Гап шундаки, мен янги таълимот ҳақида гапирмадим шекилли, лекин руҳоний-исломий мафкура ҳақида гапирдим, тўғри. Мақсуджон сал кескинроқ бир мулоҳазани ўртага ташлашди, — бунинг адабиётга алоқаси йўқ, дегандай фикрни айтишди. Менингча, жудаям алоқаси бор. Нега деганда дунёдаги ҳамма адабиётлар, алалхусус, Оврупадаги уйғониш даври адабиёти бошдан-оёқ руҳоний мавзуда ва биз кўпинча ўқийдиган япон адабиёти энг пешқадам намоёндаларининг асарлари, айтиш мумкинки, том маънода буддавий таълимотга асосланган. Ва энг яхши, энг гўзал асарлар ҳам насроний таълимоти асосларига қурилган. Модомики, бизнинг ўз миллий онгимизга қайтиш ниятимиз бўлса, модомики, биз ота-боболаримиз яшаб ўтган заминда бундан кейин ҳам яшасак, бевосита адабиёт агар ҳаётни акс эттирадиган бўлса, қандай қилиб биз бу мафкурани, яъни руҳоний-исломий мафкурани ислом тарзда қабул қилишимиз керак ва унинг адабиётга алоқаси йўқлигини қандай қилиб исботлаш мумкин. Мен буни тушунмадим. Сиз, афтидан, исломда ҳам конюктура бўлиши мумкин демоқчисиз?

А. МАҲКАМ — Сиз исломда ҳам конюктура бўлиши мумкин демоқчимисиз?

М. БЕКЖОН: — Албатта, ҳар қандай мафкурада бўлганидек, исломда ҳам конюктура бўлиши аниқ.

А. МАҲКАМ: — Тўғри, мен ҳам исломда конюктура бўлишига ишонаман.

Абдували ҚУТБИДДИН: — Мен Сўз Будданики эмас, худоники дейишни яхши кўраман. Чунки сўз Будданики ёки фалончаники бўлолмайди. Ҳақиқий сўз, ҳақиқий шеърият ҳамиша қалб ва худога тааллуқли бўлади, умуман ҳақиқий шеърият қалб ва худо мулки орасида яратилади. Ҳамиша ўйлайманки: шеъриятда мафкура бўлиши мумкинми йўқми? Инқилобий ғояни қабул қилганидан сўнг Артур Рембо шеърий истеъдодини ҳалок қилди, Мансур Халлож худоталаблик қилганда дорга осилди, Машраб дорга осилди, Насимий товонидан сўйилди... Демоқчиманки, у ёки бу шоир ўзини истеъфода этиб бўлгандан кейин, ўзининг қалб ҳасратларини айтиб бўлгандан кейин бирор-бир мафкурага албатта ёпишади. Чунки у мен ҳали шоирман, мен ҳали ёзишга қодирман, деб ўзини асрашга ҳаракат қилади, ахир, у ҳам одам-да, у бечора, худо эмас. Шунинг учун у бирор мафкурани ўйлаб топади. Шу маънода айтмоқчиманки, ҳақиқий шеъриятда мафкура йўқ. Ҳақиқий шеърият ҳамиша қалб ва худо ўртасидаги ҳасратлар, қайғулар, туйғулар, оҳанглар, гирдобида яшайди ва шу гирдоб у ё бу маънода хоҳлаган мафкураларга хизмат қилган бўлиши мумкин. Хусусан, Рембони инқилобий шоир дейишади. Бироқ Рембо қўл кучини берган бўлиши мумкин, қалб кучини эса бергани йўқ. Шунинг учун ҳам бирор-бир шоирни сен фалончи шоир дейиш унга нисбатан ҳурматсизлик бўлади.

М. БЕКЖОН А. ҚУТБИДДИН

Умуман, ўзбек шеърияти тараққиётини жаҳон шеърияти тараққиётидан узиб бўлмайди. Масалан, қандайдир бир мўъжаз ўзбек шеърияти ёки қандайдир мўъжаз форс шеърияти йўқ, балки жаҳон шеърияти бор. Жаҳон шеъриятида Ҳофиз бор, Румий бор, Метерлинк бор, Рембо бор, Навоий, Жомий бор. Шеъриятнинг ҳақиқий мафкураси мана шу шоирлар ижодларининг умумий маҳзидан келиб чиқади.

Бугунги шеъриятга келсак, мен Мақсуд Бекжоннинг бир фикрига қўшиламан, биз ҳам шу шеъриятнинг ичидамиз, демак, биз ҳам қандайдир мафкурага хизмат қилаяпмиз. Айтмоқчиманки, бугунги шеъриятнинг ўзи мафкуравий шеърият. Мустақилликда кунига қадар бир мафкура атрофида — озодлик ғоясини шарафлаб, шеър ёзиб келдик, бугун ўша қафаслар энди йўқ. Энди бизни ислом мафкураси қизиқтиради, демократия қизиқтиради, либераллик қизиқтиради. Биз ҳатто шоир учун социализм афзалми, ёки капитализм афзалми деган фикрлар асоратидамиз. Чунки биз ўзимиз билан ўзимиз эмасмиз. Шунинг учун мафкурага хизмат қилишга мажбурмиз. Бироқ, ҳақиқий шеърият барибир бир кунмас бир кун қалбларни тозалашга, қалб билан самовот ўртасидаги муносабатларни тиклашга хизмат қилади.

Мен яқинда «Московские новости»да Иосиф Бродскийнинг мақоласини ўқиб қолдим. Унда муаллиф Оврупада шеърни деярли ўқишмайди, деб ёзади. Мен ўзимча ўйлайман: шеърий китобларни сигаретга қўшиб сотишса... Назаримда, маънавий таназзул бутун дунё бўйлаб ҳукм сураяпти...

И. ҒАФУРОВ: — Абдували, сизга бир савол бор. Шеър муайян бир ижтимоий шароитда халқни тарбиялашга хизмат қилиши керакми, йўқми? Мана, бизнинг халқимиз истибдод асоратидан энди-энди қутулиб келаяпти. Америкада яшовчи шоир билан истибдод асоратидан қутулаётган, ҳали ўзини тамомила озод деб ҳис этмаган халқнинг ичидаги шоир зиммасидаги вазифаларда фарқ бўлиши керакми? Бизнинг шоир халқни уйғотиши учун, тарбиялаши учун, халқни ҳақиқий мустақилликда озод инсон бўлишга тайёрлаш учун хизмат қилиши лозимми, ёки аксинча бўлиши керакми? Агар шундай бўлса, унинг шеърлари мафкуравий бўладими, йўқми?

А. ҚУТБИДДИН: — Мен ўйлайманки, шеъриятнинг миллати бўлмаслиги мумкин, лекин шоирнинг миллати бор. Шоирнинг миллати бўлгандан кейин шоир ўз миллатига хизмат қилиши керак. У нимани ҳисобига ўз миллатига хизмат қилиши керак? Адабиётнинг ҳисобигами, шеъриятнинг ҳисобигами? Агар зарур бўлса, (мен шу маънода кўпинча ўз дўстларим билан ҳайрихоҳман) албатта, адабиётнинг ҳисобигами, шахсий фидойилик ҳисобигами, миллат тараққиёти учун хизмат қилиши шарт. Бу энг олий бурч. Лекин бу хизмат маълум бир ўтиш жараёнлари ниҳоясига етгандан кейин ҳам давом этаверса, бу жуда кулгили, эскирган ҳаракат бўлиб туюлади.

И. ҒАФУРОВ: — Адабиёт тарбиялаши керакми, йўқми, деган савол асримизнинг бошида ҳам бор эди. Авлоний, Ҳамза шеъриятини, Садриддин Айний ва Чўлпоннинг илк ижодини олиб қарасак, халққа даъват этиш, халқни тарбиялашга улар қаттиқ ҳаракат қилишган. Бироқ ўша чақириқларнинг кучи, таъсири бўлмади. Шеър билан тарбия қиламан, деган вазифани қўйган инсонларнинг мақсади, орзуси саробга айлангани ҳозир равшан бўлди. Адабиёт тарбия қуроли, адабиёт мураббий бўлиши керак, деган концепцияларини ҳаёт чиппакка чиқариб юбораяпти. Ҳозир биз бу концепциялардан бироз бўшандик, тамомила эмас, маълум даражада бу концепциялар йўқ бўлди. Энди унинг ўрнига шеър-ҳолат деган тушунча келаяпти. Қалбнинг ҳолатлари, ҳаётдаги ҳолатлар ва шунинг шеърдаги тасвири. Адабиётга шеърни ҳолат деб тушунадиган ёшлар кириб келяпти. Шеърни ҳолат деб тушуниш натижасида бугунги ҳаётни, ўтиш даврини, истибддан қутулиб чиқиб кетиш жараёнини улар мутлақо қабул қилишмаяпти. Уларнинг шеърлари ва ҳикояларида шу ҳаётдан, шу турмушдан ва шу пайтгача бўлган барча ғоялардан бегоналашиш, четлашиш бор.

А. САИД: — Ижтимоий ўзгаришларнинг ҳаммасини, менимча, Вақт деган бир улуғ ҳакам борки, шу амалга оширади. Халқнинг, миллатнинг адабий тарбияси қандай даражада бўлса, унинг шоирлари ҳам шу савияда шеърлар ёзадилар. Яна шундай бир вақт ҳам бўладики, ижодкор зарур деб билган гапларни айтмай туролмайди. Мана сиз, Иброҳим ака, Авлонийни, Ҳамзани мисол келтирдингиз. Бироқ мен улар ўша чақириқ шеърларини адабиёт деб ҳисоблашганми ёки йўқми — буни айтолмайман. Назаримда, шоир ўз атрофидаги нарса-ҳодисалардан бир образ, тимсол сифатида фойдаланади ва тўғри қилади. Масалан, Шекспир шоҳлар саройида бўлиб ўтган тарихий воқеаларни ҳикоя қилиб беришни, шу орқали кимнидир тарбия қилишни кўзда тутмаган. Шекспир ҳаёт ва ўлим, нафрат ва муҳаббат каби азалий умуминсоний муаммоларга жавоб топишда ўша ҳодисалардан фойдаланган эди.

М. БЕКЖОН: — Менимча, саволни «шеърият халқни тарбиялашга хизмат қилиши керакми, йўқми», деган шаклда эмас, «шеърият халқни тарбия (агар «тарбия» сўзи бу ерда ўринли бўлса) қила оладими?» деган йўсинда қўйсак, тўғрироқ бўлади. Биз «хизмат қилиши керак», десак ҳам, «керак эмас», десак ҳам ўша ёмон-отлиқ мафкура қучоғига бориб тушамиз. Биз мезон яратиш вассасидан воз кечишимиз лозим. Зеро, юқорида айтганимдай, мафкуравийликка қарши курашиш ҳам ўзига хос мафкуравийликка, яъни, сунъийликка олиб келади. Албатта, шеърият баъзан чақириқ вазифасини ҳам ўташи мумкин. Мен бу ерда социалистик реализм меваларини, буюртма шеърларни эмас, балки, сўнгги беш-олти йил ичида пайдо бўлган фуқаролик туйғуси билан йўғрилган оғриқли шеърларни кўзда тутаяпман. Бу икки хил мафкуравийликнинг бир-биридан фарқини биз жуда яхши биламиз. Бу ҳар хил типдаги шеърларни бир хил термин билан аташнинг ўзи бир қадар шаккокликдир. Аммо, адабиётшунослик (адабиёт эмас) шафқатсиз нарса, у асарларни категорияларга бўлар экан, вазиятнинг нозиклиги билан ҳисоблашиб ўтирмайди, натижада, биз «мафкуравийлик» ва «аксилмафкуравийлик» ҳақида гапира бошлаймиз.

Ҳозир ёш ижодкорларнинг орасида (шеъриятда ҳам, прозада ҳам) мистика удум бўлган. Прозада баъзан Лотин Америкаси адабиётидаги фантасмагорияларга дуч келаётган бўлсак, шеъриятда ўзининг китобий тасаввурларини бир қолипга сола олмай, онгидан чиқаётган буғлардан-тумандан лаззатланиб, ижод қилишга уринаётган кимсаларни кўрамиз. Уларга, ясама мистикадан воз кечишлари учун, ўзларига ишонч ҳисси етишмаётганга ўхшайди. Инсон кечинмаларининг туби кўринмас чуқурликлари билан, кўлмакнинг лойқа сув туфайли кўринмаётган туби ўртасида фарқ бор. Лойқалик — чуқурлик белгиси эмас. Бу ҳақда биз шафқатсиз гапиришимиз лозим, токи, фирибгарлар камайсин. Масалан, биронта метафора ёки фикр айтишга қодир бўлмаган, ўзининг — ҳар хил «адабий қарашлар»дан устун турувчи — руҳий тажрибасига эга бўлмаган одамнинг «экзистенциализм» ёки «илоҳийлик» ҳақидаги гапларига ишониб бўлмайди. Адабиётни терминлар ва улар ҳақидаги тасаввурлар эмас, улкан кечинмалар яратади.

А. САИД: — Ҳозир Иброҳим ака ёшлар ижодидаги бегоналашув майлларининг кўриниши ҳақида гапирдилар. Ана шу ҳолатнинг адабиётда акс этиши яхшими ёки ёмонми? Менинг назаримда, яхши. Чунки инсон энди ўзини ёлғиз, занжирсиз ҳис қила бошлади. Унинг қалби энди буткул ўзгача нарсаларни истай бошлади. Бу, қолаверса, XX аср жаҳон адабиётида жуда кучли намоён бўлаётган етакчи туйғу. Инсон ўзининг атрофини, оламни поклик мақомида кўришни истайдики, мана шунинг ҳаётдаги акс таъсирларидан бегоналашув юз беради. Умуман, адабиётимизга турли хил йўсинлар, хилма-хил дунёқарашлар кириб келаётган экан, буни табриклаш керак. Бундан адабиёт фақат ютади ва эртанги янги адабиёт юзага келишига замин яратилади.

А. МАҲКАМ: — Ўтган йили бир воқеанинг гувоҳи бўлган эдим. Бу мени ҳозиргача қийнаб келади. Мен Ўш воқеаси кунлари ўша ерда шоир дўстлар билан бўлдим. Бир хонандонда ўтирдик, йиғи-сиғи,

Илҳом тошар дилда, ўлкам,

Мен кўпдан буён Самарқандда ижод қилган адиб ва санъаткорлар ҳақида китоб ёзиш ниятида материал йиғаяман. «Шарқ юлдузи» журналининг 1945 йил сонларни варақлаётиб «Қаҳрим» тўпламига ёзилган бир тақризда «Ш. Р. Рашидов ҳозир Жиззах қўзғолони ҳақида драма ёзаяпти», деган сўзларни ўқиб қолдим. Изланишлар мени Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номидаги ўзбек драма театри архивига етаклади. Архив материалларни билан танишаётиб тасодифан «Равшан» музикали драма қўлёзмасининг арабча матнини топиб олдим. Драманинг титул варағида «Шароф Рашидов ва Исмоил Акрам асари... 1916 йил қўзғолонига бағишланган 2 парда 7 кўринишли музикали драма. 1945—1946 йил, Самарқанд» сўзлари ёзилган.

Маълум бўлишича, асарни саҳналаштириш жараёнида ўша вақтларда театрда суфлёрлик вазифасида ишлаган артист Абдураззоқ Ҳасанжонов оддий дафтарда чиройли арабча настаълиқ хати билан ўзи учун кўчирган экан. Дарҳақиқат, асарнинг энг сўнгги варағида «4 май 1946 йил. Кўчирдим. Суфлёр Абдураззоқ Ҳасанжонов», деб ёзиб қўйилган. Демак, бу қўлёзма «Равшан» музикали драмасининг саҳна варианти.

«Равшан» музикали драмасида 1916 йил Жиззах қўзғолонининг фожиали воқеалари тарихан тўғри ва ҳаққоний тасвирланган. Асарда ўқувчи — томошабинни ҳаяжонлантирувчи қизиқ, таъсирчан бир бутун сюжет мавжуд. Воқеа бош қаҳрамон — темир йўл ишчиси, қўзғолон бошлиқларидан бири Равшаннинг ҳалокати билан якун топса-да, пьесада ҳаётбахш руҳ етакчилик қилади. Айниқса, Равшан ва унинг маслакдошсафдош дўстлари Шульга, Батов шунингдек, қўзғолончилардан Пўлат, Азимжон, Омон ота, Рухсат хола, Назокат образлари, ҳукмрон синф вакилларидан Ҳоким, Қодир бойвачча, Мирзоёр мингбоши, Глазнов образлари тўлақонли ва ишонарли чизилган.

Хуллас, «Равшан» ғоявий-бадиий жиҳатдан анча етук замонавий жаранглочи асар. У ҳозирги кунда ҳам ўз бадиий кучини йўқотган эмас. Шуни инобатга олиб, мен уни баъзи жузъий таҳрирлар киритиш билан нашрга тайёрладим.

Севимли ёзувчимиз Шароф Рашидоз ва самарқандлик драматург Исмоил Акрамов қаламига мансуб ушбу асар Шароф Рашидовнинг 75 йиллик юбилейи кунларида газетхонларга туҳфа этилса, айни муддао бўлур эди.

Раҳим МУҚИМОВ,
профессор

Шароф РАШИДОВ, Исмоил АКРАМОВ

РАВШАН

ДРАМАДАН БИР КЎРИНИШ

Равшаннинг кичкинагина гўзал боғчаси. Ёз фасли. Мевалар пишиб етишган. Узоқдан темир йўл кўриниб турибди. Супани орасталаётган Назокат дарахт шоҳидан дуторни олиб, созлай бошлайди.

НАЗОКАТ: — Уни чиндан ҳам севаман, дийдорини кўриш учун ҳамма вақт ҳар хил баҳоналар билан мана шу ерга тез-тез келиб тураман. Қани у? Нега дом-даракси? Наҳотки бугун ҳам кўра олмасам! **(Дуторни чалиб қўшиқ айтади).**

Мунча интизор этдинг, жонон, соғиндим сени,
Кўришга кўп зор этдинг, эй жон, соғиндим сени.
Кундуз чиқсанг қуёшим, сен эй, бахтим маёғи,
Севгим боғида сенсан посбон, соғиндим сени.
Тунда ойдек балқисанг, ойдин бўлар кечалар,
Кўрсам сени қолмас ҳеч армон, соғиндим сени,
Сени дерман азиз ёр, ағёрларга йўл бўлсин,
Ишқинг эрур кўксимда қалқон, соғиндим сени.
Зор этма кўп, дилдорим, ишқим ҳаққи келиб тур,
Бутун умрим йўлингда қурбон, соғиндим сени.

Пўлатжон, қандай меҳрибонсан! Қани энди худодан бўлиб ҳар иккимизнинг ширин орзу-ҳавасларимиз рўёбга чиқсаю, тўйимиз бўла қолса эди-я! **(Дуторни дарахтга осади. Ариқ тўла сув келганини сезиб югуради).** Сув! Сув! Ариқ тўла сув келди, бечоралар боғига нур келди! **(Бахтинисо чиқади).**

БАХТИНИСО: — Нима гап, Назокатхон? Бунча ҳам ўзингда йўқ шодсан?

НАЗОКАТ: — Боғимизга нур келди.

БАХТИНИСО: — Нур?

НАЗОКАТ: — Ариқ тўла сув келди. Келинг, ойижон, кўринг, мана, сув!

БАХТИНИСО: — Вой, ўргилиб кетай сендан, ширин тилларингдан! Ростми? **(Бориб ариқни кўради.)** Чиндан, чиндан ҳам сув, бунча кўп?! Югур, Назокатхон, ичкаридан кетмонни олиб чиқ, югур! **(Назокат ичкаридан кетмонни олиб чиқиб беради).** Ундан кейин ўчоқ бошидан хабар олиб тур, ҳозир амакинг ҳам келиб қоладилар. **(Назокат кетади).** Гуллар, экинлар сувга қонсинлар. **(Ариқ бўйлаб чап томонга ўтиб кетади. Жўрақул заргар кириб, орқасидан қараб қолади).**

ЖЎРАҚУЛ: — Дўстимнинг боғи, боғнинг гўзал боғбони. Мен шу гўзал боғбон қўли билан пиширилган лазиз таомларни едим. Аччиқ чойларни ичдим. Бироқ, афсус, худойим шу гўзал боғбоннинг суҳбатига мушаррраф қилмади. Тўғриси, бу жононнинг қўлини тутқурмади. Зиёни йўқ, ноумид бўлма, Жўрақул, умидсизлик яхши гап эмас. Насиб бўлса, ҳаммаси ҳам сен ўйлаганча бўлиб чиқар. **(Бир томонга ишора қилади — бойвачча киради).**

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Хўш?

ЖЎРАҚУЛ: — Равшаннинг хотини ана шу, кўрдингизми? Ҳусни ой билан баҳслашади. Қадду қомат, ақлу фаросат, унинг устига десангиз бойвачча, қўли ҳунар, тили ширин сўз ёки ягона хонишманд, қурбони бўлсанг арзийди!

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Шошма, шу томонга келмоқда, тузукроқ кўрай уни ман.

ЖЎРАҚУЛ: — Кўринг, бойвачча, кўринг! Кўриб, дийдорига тўйинг. Ҳа, айтгандай, мен кетай... Мени кўрмасин, Равшан менга дўст, режаларим бузилмасин.

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Вой, вой! **(Бахтинисодан кўз узмай, қўл ишораси билан)** Майли, сиз кетинг, кўрмасин, режалар бузилмасин, азамат! Юрагингиз ҳам тоғдай одамсиз-да!

ЖЎРАҚУЛ: — Шикорлари серунум бўлсин!

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Ростданам ул оромижон Жўрақулнинг айтганидай... ажойиб гўзал жонон. Мана хотин деб буни айтадилар. Ана қомат, ана рафтор. Юрган эканмиз-да нонни нанна деб. Яна бизни Қодирбойвачча дейдилар. Аслида узумнинг яхшисини одам емаслиги рост. Шошма. **(Бахтинисо шу томонга келади. Қодир эса бекинади).**

БАХТИНИСО: — Қандай яхши бўлди-я! **(Қодирбойвачча ҳозир киргандай бўлиб).**

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Ҳай, ҳай, ҳай! Бу қандай одобсизлик. Шундай ҳам текинхўрлик бўладими?

БАХТИНИСО: — Вой, кимсиз? **(Юзини бекитиб).** Нега бировникига бостириб кирасиз?

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Сиз нима учун бировлар ёқалаб келган сувни сўроқсиз очиб олдингиз?

БАХТИНИСО: — Қизиқ одам экансиз! Худо берган сув, ариқ билан лиммо-лим тўла, буни ичишга ҳаммамнинг ҳам ҳаққи бор.

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Пули кетган бойваччаларга хос сувни очиб олиш гуноҳдир! **(Кетмонни олиб бойламоқчи бўлади)** Бирданига изингизга оёқ қўймай, бир оғиз илтижо қилсангиз, нима қилар эди, жоним.

БАХТИНИСО: — Энди танидим, одамларингиз айтгани рост экан. «Қодирбойвачча бой бўлса ҳам, ўта кетган хасис, очкўз», — дер эдилар.

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Нима? Нима? **(Кетмонни қўйиб, яқин келмоқчи бўлади).** Очкўз деб ҳақорат қилманг.

БАХТИНИСО: — Қўл тегизманг! Кетинг бу ердан, йўқолинг!

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Очкўз деганингиз туҳмат гап, агар одами учрасами, милённи ҳам аямайман, хафа бўлмайсиз, сувим эмас, ўзим ҳам садқа!

БАХТИНИСО: — Кетинг, дейман, йўқолинг!

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Ҳайдаманг, агар билсангиз, кўпдан бери шайдойингизман. Худо нима учун ҳам сизни менга насиб қилмапти-я? Шаҳарингизнинг номдор арзанда бойваччаси сизнинг фироқингизда Мажнун... тўғри гап, Мажнун... Мажнун...

БАХТИНИСО: — Бу одам жинни-пинни бўлганми? Бизда жийда дарахти йўқ, уни тагидан ўтиб ақлдан озди десам. Ҳой, киши, нима деб вайсаяпсан, бу ердан чиқасанми, йўқми? Одам йиғиб обрўйингни ер билан яксон қилайми?

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Ўлдирмайсизми? Сиз учун қурбонман, ўша қора ишчи Равшандан нима кўрдингиз? Ақлу идрок ва ой жамолингизга яраша бой даргоҳининг эгаси бўлмайсизми, тасаддуқ!?

БАХТИНИСО: — Э, бу одам ҳаддидан ошди-ку! Ҳой киши, сенга ўхшаган сакалти бойваччаларнинг юзтасини ўша қора ишчи эримнинг босган изига ҳам олмайман, беор. Йўқоласанми, йўқми? **(Кетмонни олади, бойвачча ҳайиқади).**

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — Барибир, бахтиёр кишиман, сизни ўзимники қилиб олиб муродимга етаман, кўрасиз!

БАХТИНИСО: — Ҳе, ўша муродинг қурсин, худоё ер ютсун сени!

ҚОДИРБОЙВАЧЧА: — **(девордан кўринриб)** Билиб қўйинг! Қодирбойвачча номини унутмасангиз, яна бир

ХАЛҚ ДИЛИДАН ЎЧМАГАН

Боши биринчи бетда

— Ташкилий комиссиянинг таклифида Ш. Рашидов ҳаётига, ижодига, фаолиятига онд янги ҳужжатлар юбилей комиссиясига юборилиши сўралган. Шу маънода комиссияга ҳозиргача халқимиз назаридан четда бўлган қандай ҳужжатлар тавсия этилди? Сиз улардан қайси бири ҳақида муштарийларимизга сўзлаб беришни истардингиз?

— Шароф Рашидов номи билан боғлиқ кўплаб суратлар, мақолалар, хотиралар, ёдномалар олдик. Улар юртимизнинг ва қардош республикаларнинг турли нуқталаридан келган. Булар ҳам у кишига нисбатан халқ меҳрини кўрсатади. Мен суҳбатимиздан фойдаланиб, у киши ҳақидаги эсдаликларни юборган барча кишиларга миннатдорлик билдираман. Ўйлайманки, булар вақти билан турли нашрларда эълон қилинади ва Ш Рашидов уй-музейларидан ўрин олади.

Буларнинг ҳаммаси қизиқарли. Лекин мен бошқа бир воқеа, яъни Ш. Рашидовнинг 1959 йил 11—13 март кунларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Бюросида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланиши хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Мен бу воқеага муносабат этишимнинг сабаби бор. Ш. Рашидовнинг мухолифлари у кишининг ўлимидан кейин «У мансабпараст эди. 1959 йил март ойида бўлган Бюрода уч кун унинг шахси тафтиш қилинганди. Бюро якунида Биринчи котибликка овоз бериш чоғида тарафлар тенг келиб қолганида Бюро аъзоси эканлигидан фойдаланиб, ўзига ўзи овоз бериб, Биринчи котибликка сайланганди», дея туҳмат гапларни ёздилар.

Хўш, аслида ўша Бюрода воқеалар қандай кечган? Мана, менинг қўлимда ўша Бюронинг юзлаб саҳифадан иборат воқеалари шарҳи (стенограммаси). Бюрога Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ўша пайтдаги иккинчи котиби Р. Мельников раислик қилган. Бу яна бир бор ўша вақтда Москванинг барча жабҳада, айниқса, кадрлар масаласида ҳукмрон бўлганини кўрсатади. Ҳақиқатан, Бюро уч кун давом этган. Лекин унда Ш. Рашидовнинг шахси эмас, ундан олдин Биринчи котиб бўлган С. Камоловнинг қилган ишлари кўриб чиқилган. Янги Биринчи котибни сайлаш эса қисқа давом этган. Бюро аъзоларидан З. Раҳимбобоева Ш. Рашидов номзодини Биринчи котибликка кўрсатган. Бюро аъзоларидан аксарияти бу таклифни қўллаб-қувватлашган. Шунда Расул Ғуломов Ш. Рашидов номзодини маъқуллаган ҳолда, унинг соғлиғи бу масъулиятли вазифани бажаришга тўғри келармикан, дея мулоҳаза билдиради ҳамда ушбу лавозим учун бошқа — Ориф Алимов номзодини таклиф қилади. Бу номзод хусусида ҳам ҳар хил мулоҳазалар билдирилган ва табиийки, Ш. Рашидовдан ҳам Ориф Алимов тўғрисидаги фикрлари сўралган. Шароф Рашидов Ориф Алимов номзодини тўла даражада қўллаб-қувватлаган, ўзининг касаллиги туфайли Биринчи котибликка тўғри келмаслигини айтиб, номзодини қайтариб олган. Бироқ Бюро аъзоларининг кўпчилигининг овоз беришига кўра Ш. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Биринчи котиби қилиб сайланган.

Мана, бор гап шу. Эҳтимол, бу қоғозларда битилган сўзлар ўша Бюродаги одамларнинг кўнглидан кечган ҳамма туйғуларни ифодалай олмас, эҳтимол кимлардир мансаб пиллапояларига кўтарилиш учун интилгандир, лекин буларнинг ҳеч қайсиси Ш. Рашидовни мансабпараст деб аташга, унинг фаолияти ҳақда турли уйдирмалар тўқишга имкон бермайди.

Айтмоқчиманки, биз Ш. Рашидов шахси, фаолияти ҳақида гапирганда ҳар хил ўйлаб топилган туҳмат, бўҳтонларни эмас, мана шундай тарихий ҳақиқатларни юзага чиқаришимиз керак. Ана шунда у кўз ўнгимизда бор бўйи билан тўлароқ намоён бўлади.

— Юбилей муносабати билан комиссия белгиланган энг муҳим тадбирлар ва уларнинг қандай амалга оширилаётгани хусусида сўзлаб бersангиз?

— Комиссия меҳнаткашлардан келган талаб ва истакларни инобатга олиб, Тошкентда унинг қабри аввал қўйилган жойда Ш. Рашидов хиёбонини ташкил қилиш ва бу ерга унинг ҳайкалини ўрнатиш таклифини киритди. Шу кунларда бу иш амалга ошди.

Энг катта ишлар Жиззахда амалга оширилмоқда. У ерда Шароф Рашидовнинг уй-музейи очилади, эллик гектарлик боғи барпо этилди. Аввалги Дўстлик майдони Ш. Рашидов майдони деб номланиб, у ерга ҳайкали ўрнатилди. Тўй кунлари уларнинг очилиши маросими бўлиб ўтади.

Тўй муносабати билан Тошкент ва Жиззахда катта халқ сайллари ўтказилади.

Ш. Рашидов номини абадийлаштириш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Деярли ҳар бир вилоятда жамоа хўжаликлари, кўчалар, мактаблар у кишининг номи билан аталди.

Ш. Рашидов хотирасини тиклаш билан боғлиқ ишлар тўйдан кейин ҳам давом этади.

— Тўй муносабати билан белгиланган тадбирлар орасида Шароф Рашидовнинг Тошкентда уй-музейини ташкил қилиш тўғрисида ҳам гап боради. Агар сир бўлмаса, бу уй-музей қаерда ташкил этилади?

— Матбуотда эълон қилинаётган мақолалардан маълумки, Ш. Рашидов Тошкентга ишга келганидан кейин оиласи билан Олой бозори атрофидаги Кренкель кўчасидаги 5-уйда туришган. Бу ерда улар 12 йил яшашган. Эндиликда бу уй ташкилотлардан бирига берилган. Айни пайтда, у эскирганлиги сабабли шаҳарнинг йиқиладиган уйлари сирасига киритилган. Лекин биз ушбу уйни таъмирлаган ҳолда сақлаб қолиш ва бу ерга Ш. Рашидов фонди маҳкамасини жойлаштириш ниятимиз бор. Ўйлаймизки, шаҳар ҳокимияти бу борада биздан ёрдамини аямайди.

Бундан ташқари, Тошкентда Рашидовлар оиласи яшаган яна иккита уй бор. Шулардан биттаси давлат томонидан Шароф Рашидов ва унинг оиласи учун шахсан қуриб берилган. Бу уйда у киши оиласи билан узоқ йиллар яшаган. Лекин, афсуски Ш. Рашидов вафотидан кейин, унинг шахсига нисбатан ноҳақдан ҳар хил маломат тошлари отила бошлагач, оиласи бу уйдан кўчириб юборилган. Эндиликда бу уйда унинг собиқ шогирдларидан бири оиласи билан истиқомат қилмоқда. Комиссиямизнинг шу хонадонни Ш. Рашидов уй-музейига айлантириш тўғрисидаги қароридан ҳам у яхши хабардор. Лекин уйни бўшатиб бермаётибди. Биласиз, комиссиямизнинг эса уйни тортиб олиш учун қонуний ҳақ-ҳуқуқи йўқ. Бу ўринда биз инсоф, виждон ишининг тантана қилишини тилар эдик. Шу сабабларга кўра, ҳозирча бу масканнинг қаердалигини ошкор қилишни истамадик.

Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтишни ўзимнинг виждон ишим деб билардим. Ш. Рашидов оиласи ўз уйидан чиқарилгандан кейин Тошкент вино заводи ёнидаги кичкина, тор хонадонлардан бирига жойлаштирилган. Унинг турмуш ўртоғи Х. Рашидовага эса энг кам миқдордаги кексалик нафақаси белгиланган. Булар, табиийки, Ш. Рашидовдан ўч олувчиларнинг иши. Эндиликда Рашидов ҳақидаги ҳақиқатлар юзага чиқа бошлаган экан, у кишининг вафотидан кейин оиласига берилган аввалги имтиёзлар ҳам қайта кўриб чиқилади, деган умиддамиз.

— Яқинда Шароф Рашидов номида фонд ташкил қилинганидан хабаримиз бор. Бундан баъзилар, Ш. Рашидов юбилейи хайрия йўли билан тўпланган маблағга ўтказилар экан-да, дейишса, айримлар яна фондми, лоақал, бу кишининг номини фондлар, хайриялар, жамғармалар билан боғлашмаса яхши бўларди, деган фикрларни билдиришмоқда. Хўш, аслида бу фондни ташкил қилишдан мақсад нима? У нималарга хизмат қилади?

— Гапнинг очиғи, одамлар айтишаётган фикрлар дастлаб менинг ҳам кўнглимдан кечувди. Комиссия йиғилишларида республикани хайриялар, фондлар, жамғармалар босиб кетган бўлса, Ш. Рашидов фонди ҳам шулардан бирига айланиб қолади, деб фонд очиш керак деган гапларга қўшилмовдим. Ахир, тасаввур қилинг, ҳозирги кунда 50 дан ошиқ фонд мавжуд экан. Уларнинг уставлари, иш ҳаракатлари эгизакдек бирбирига ўхшаш. Аксариятининг нияти маблағ йиғиш. Вақфлар, жамғармалар эса ундан ҳам кўпроқ десам янглишмайман.

Лекин юбилей комиссиясининг раиси И. Жўрабековнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фонд очилди ва эндиликда бу фонднинг зарур эканлигига биз ҳам тўла ишондик. Хўш, фонд нима учун зарур? Аввало, Ш. Рашидов юбилейи ёки унинг номи билан боғлиқ катта анжуманни бирор ташкилот маблағи ҳисобига ўтказиб бўлмайди. Қолаверса, эндиликда бирор ишни ҳар қанча олижаноб бўлганда ҳам маблағсиз ўтказиш қийин. Шунинг учун фонд очилди. Лекин у бошқа фондлардан устави, ҳаракат программаси билан кескин фарқ қилади. У фақат республикамиз доирасидагина эмас, халқаро миқёсда бўлади. Шу сабабли унинг маблағини 100 миллион сўм қилиб белгиладик. Бу фондга давлат, жамоат ташкилотлари, кичик корхоналар, фермерлар ва алоҳида шахслар ҳам маблағ ўтказишлари мумкин. Айни кунларда ана шундай маблағлар фондга келиб турибди. Яқинда Тошкент шаҳар ҳокимияти фондимизга 50 миллион сўм пул ўтказиб берди. Самарқанд вилояти 30 миллион, Фарғона вилояти 20 миллион ва бошқа вилоятларнинг ҳар бири 5—10 миллиондан пул ўтказиш ниятларини билдиришган.

Табиийки, кўпчиликни Ш. Рашидов фондига келаётган бу пулларнинг нималарга сарфланиши қизиқтираётган бўлса керак. Бунинг учун бир неча режалар тузганмиз. Аввало, фондимиз қошида Шароф Рашидов номида халқаро мукофот таъсис этиш ниятимиз бор. Бу мукофот халқаро миқёсда тинчлик, халқлар ўртасида дўстлик ишига муносиб ҳисса қўшаётган инсонларга бериб борилади. Шу билан биз Ш. Рашидов номини нафақат оламаро ёямиз, балки Ўзбекистоннинг доимо тинчлик учун курашчилар сафида эканлигини ҳам намоён қиламиз. Шунингдек, фонд маблағининг бир қисми республикада фан ва маданият тараққиёти учун сарфланади. Халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш учун ҳам маблағлар ажратилади. Айни пайтда, фондимиз иқтидорли, қобилиятли ёшлар хорижда таълим-тарбия олиб келишлари учун ҳам бош қўшади. Бу учун алоҳида маблағлар аратишни режалаштирганмиз.

Ниҳоят, фоннинг асосий вазифаларидан бири Шароф Рашидов тўйларини ўтказиш, асарларини нашр этиш, тарғиб қилиш, ҳар хил анжуманлар уюштириш, хотирасини абадийлаштириш каби ишларни бошқаришдан ва уларни маблағ билан таъминлашдан иборатдир. Буларнинг нечоғлик реал эканини келажак кўрсатади.

— Шароф Рашидов давлат арбоби бўлишдан ташқари журналист ва адиб ҳам эди. Маълумки, у қоралагандан кейин асарлари ҳам кутубхоналардан йиғиб олинди. Нашрлари тақиқланди. Эндиликда-чи? Бу борада қандай тадбирлар белгиланган?

— Адибнинг асарлари собиқ мамлакатимиздаги китоб дўконлари, кутубхоналардан йиғиб олингани билан одамлар қалбидан ўчириб ташлангани йўқ. Зеро, бу мумкин ҳам эмасди. Айни пайтда, улар мамлакатимиз сарҳадларидан четга ҳам кенг тарқалган эди. Эллиқдан ошиқ тилларга ўгирилган бу асарлар қирқдан ортиқ мамлакатда китобхонлар маънавий мулкига айланиб улгурганди.

Эндиликда адиб асарларига хуружлар, тақиқлар ортда қолди. Улар яна нашр этила бошланди. Тўй кунлари арафасида ёзувчининг «Кашмир қўшиғи», «Ғолиблар», «Бўрондан кучли» асарлари турли нашриётматбаа бирлашмаларида қайтадан нашр этилди. Улар фақат ўзбек тилидагина эмас, рус, немис, инглиз тилларида ҳам чоп қилинмоқда. Айни пайтда, тўйга атаб у кишининг акси туширилган кўплаб плакатлар ҳам ишлаб чиқарилди. Булардан ташқари, Ш. Рашидовнинг кўплаб замондошларининг хотира, ёднома китоблари нашр қилинди ва босмадан чиқиш арафасида турибди.

Хуллас, Шароф Рашидов кўчасидаги байрам адабиётимизнинг, маданиятимизнинг, илм-фанимизнинг заҳматкашларининг, ишчи ва деҳқонларимизнинг, умуман, бутун халқимизнинг байрами бўлиб қолади!

К. МАТЕҚУБОВ
суҳбатлашди

ШАРОФ РАШИДОВ ҒАЛАБАСИ

ХАЛҚНИ ЯРАТГАН ХОЛИҚ, дейди донолар. Бу — шаксиз мўъжиза... Холиқ яратган халқнинг ўз ери, ўз юрти бўлади, дейди донишмандлар. Бу — амри қисмат... Қисмат буюрган юртнинг ўз эгаси бўлади, дейди алломалар. Бу энди — ҳикмат...

Мўъжизанинг тагига етиб бўлмайди. Поёнсиз... Тақдирни тақбир этиб бўлмайди. Имконсиз... Аммо ҳикматни бир қадар таҳлил этиб кўриш мумкин.

Кўрамизки, юртбоши, юрт эгаси бўлиш — дунё силсиласида учинчи халқани ташкил этади. Дунё қадар масъулияти, масъулияти қадар машаққати бор. Бир халқнинг маълум вақт оралиғидаги ҳаёт-мамоти, нону насибаси унга топширилган. Бир юртнинг хор бўлиши ёки бор бўлиши ўшанга боғлиқ. Дунё тарихи бунга шоҳид. Бухоро маликаси Туркон хотиндан тортиб то сўнгги хону амирларгача бўлган кечмиш айёмимиз буни яққол исботлаб турибди. «Совет даври» деб аталган машъум замона воқеалари ҳам шунга далилдир...

Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг наинки халқимиз, ҳукмдорларимиз ҳам асоратга тушиб қолишди. Совет даврида бу истибдод янги поғонага кўтарилди. Шароф Рашидов ана шу истибдод муҳитида майдонга чиқди. Ундан олдин Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповлар яшаб, юрт сўраб ўтишди. Табиийки, уларнинг ўз замонаси бўлганидек, ўз қиёфалари ва қисматлари бор... Файзулла Хўжаев Москвага суянди ва жуда қаттиқ алданди. Усмон Юсупов умр бўйи Москвага садоқат ила хизмат этиб, охир-оқибат адашганини англади. Шароф Рашидов ҳам Москвага хизмат қилди, аммо хизмат қиларкан, адашмади ва алданмади, охирида ўкиниб-ўксиниб қолмади. Бошқалар шохида юрса, у баргида юрди. Алал-оқибатда Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповлар эришолмаган натижалар, ғалабаларга эришди.

Хўш, Москвага ишонадию алданмайдими? Мустамлакачига суянадию адашмайдими? Ғанимларга хизмат қиладию ғалаба қозонадими?

Бир қарашда бу гаплар ғоят зиддиятли ва ғалати бўлиб туюлиши мумкин. Аммо синчиклаб қаралса, уларнинг тагида зиддиятмас, ҳаётий замин, мантиқ борлиги кўзга ташланади.

Гап шундаки, ўшанда шундоқ юксак лавозимда туриб, Москвага хизмат қилмаслик мумкин эмасди, Шароф Рашидов буни яхши тушунарди. Лекин олижаноб инсон учун ўшандоқ юксак поэда туриб, ўз халқига хизмат қилмаслик гуноҳи азим эди. Шароф Рашидов буни ҳам чуқур ҳис этарди. Шунинг учун у зиддиятли тушунчаларни туташтирди, қовушмаган қутбларни қовуштирди. У чамаси ўз салафлари — Файзулла Хўжаев ва Усмон Юсуповнинг аччиқ тажрибаларидан изчил сабоқ олди. Мустамлакачилар қўлида ёлғиз қурол, ёлғиз қўғирчоқ бўлиб хизмат қилишни истамади. Натижада бир қўли билан узатса, иккинчи қўли билан қайтариб ола билди. Узгаларни сийларкан, ўзиникиларни сира унутмади. Тоталитар тузум бошида туриб меҳрибон инсон, даҳрий давлат тепасида туриб мўмин-мусулмон бўлиб қола билди. Мустамлака, қарам бир ўлкада чинакам хўжайин, ҳукмдор даражасига кўтарила олди. У инсон боласи ҳар қандай босим, назорат остида ҳам ўз халқига хизмат қила олиши мумкинлигини баралла исбот этди.

Бу — мислсиз жасорат эди...

Маълумки, мустамлакачилик русумига кўра, мустамлака аҳли ҳар ўн йилда бир карра қатлиом қилиниб, қирғин-қабоҳат этилар, кўпинча зиёлиларнинг боши олинарди. Бу — темир қонун эди. Йигирманчи, ўттизинчи, қирқинчи, эллиғинчи йилларда кечган қамаш-қамаш, ур-сурларни эсланг... Шароф Рашидов ҳокимият тепасига келгач, ана шу қабоҳатга чек қўйди. Турли йўллар, воситалар ила унинг дамини кесди. Ўттиз йил давомида зиёлиларимизни бало-офатлардан асраб қолди. Унинг илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига кўрсатган чексиз ғамхўрлиги ҳали-ҳануз тилларда достон.

Бу ҳазилакам хизмат эмасди...

Ҳозир Тошкентга келган хорижий меҳмонлар шаҳримизнинг кўрку салобатига қарашади. Ҳашаматли иморатлар, улуғвор майдонлар, кенг кўчалар, кўркам хиёбонлар, кумуш фавворалар, афсонавий ер ости саройлари... Бир сўз билан айтганда, азамат, замонавий, буюк пойтахт... Хўш, пойтахт-ку шундоқ экан, вилоятларимиз нечук? Уларнинг ободлиги, ўзига хос ҳусниталовати кишини мафтун этади. Ҳар манзилда Шароф Рашидов меҳридан бир ёдгор, ҳар қадамда унинг назаридан бир эътибор... Тарихимизда соҳибқирон Амир Темур, Абдуллахон Амир Олимхондан сўнг ўз юртининг ободонлиги учун узоқ йиллар астойдил жон қуйдириб, кўп ва хўп иморатлар бунёд этган киши — ана шу Шароф Рашидов... Мовий каналлар, минглаб чақиримларга чўзилган, кафтдек текис, равон йўллар, янги шаҳру қишлоқлар, қудратли заводфабрикалар... Гўёки Шароф Рашидов Ўзбекистонни буюк парвозга — Мустақилликка шайлагандек...

Буни ҳам муносиб баҳолаш даркор.

Шароф Рашидов даврида рус тили тарғиботи авжига чиққани ҳали-ҳамон ёдимизда. Ўзбек тили камситилган, аниқроғи, бир чеккага суриб қўйилган эди. Мустамлакачиларнинг бу сиёсатига Шароф Рашидов очиқ-ошкор қарши чиқолмади. Аммо у ўша камситилган ўзбек тилида қалам тебратиб, ўнлаб гўзал китоблар ёзди ва шу билан она тилимизга тоғдек суянчиқ бўлди. Унинг ўлмас мавзуларда битилган, партиявийликдан холи «Кашмир қўшиғи», «Икки дил достони» каби асарлари халқимиз маънавиётининг абадий мулкига айланиб қолди.

Шароф Рашидов ўз халқига садоқатли, асл инсон, чин ватанпарвар эди. Унинг асл қиёфасини ғанимлар кейинчароқ сезиб, пайқаб қолишди. Аммо вақт ўтган, Шароф Рашидов ўз ишини қилиб улгурган эди. У Амир Темур, Мирзо Бобур, Файзулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ҳабиб Абдуллаев, Иброҳим Мўминовларга ўхшаб халқининг ғурурини қўзғарди. Халқнинг ғурурини қўзғаганларга шафқат этилмасди. Бу — мустамлакачилик низоми эди. Ана шу низомга кўра, Шароф Рашидовдан қаттиқ қасос олишди. Сотқинлар, хиёнаткорларни ишга солишди. Ўлгандан сўнг бадном қилишга уринишди, қабрини кўчиришди. «Шароф Рашидовчилик» деган уйдирмалар билан ўн минглаб юртдошларимизни турмаларга тиқиб, ўн йиллар давомида йиғилган аламларнинг хуморидан чиқишди...

Энг ёмони — турли ривоятлар тўқиб, уни ўз юртидан айирмоқчи, ўзбек халқига етти ёт, бегона қилиб кўрсатмоқчи бўлишди... Йўқ, бўлмади!.. Ўзбекистон эгилди, аммо синмади ва бу сафсаталарни қабул қилмади.

Дунё қараб турибди... Ўша сафсаталарга ишонсак ва хизмат қилганнинг хизматини тан олмасак, нечук халқ бўлардик?

«Шароф Рашидов — бизники!» деди халқимиз.

«Шароф Рашидов — бизники!» дейди авлодларимиз.

Бу энди ёлғиз Шароф Рашидовнинг ғанимлар устидан қозонган ғалабаси эмас, балки бутун халқимизнинг ғалабаси, унинг бой тарихий тажрибаси ва юксак маънавиётининг улуғ тантанаси демакдир...

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби

Сен қўшиғу оқ тонгимсан!

ШАРОФ РАШИДОВ

кўришганда кимлигини тоза англаб оласиз!

БАХТИНИСО: — Бойвачча бўлмай ўл! **(Назокат чиқади).**

НАЗОКАТ: — Нима гап, ким эди у келган, аяжон?

БАХТИНИСО: — Ошиқи беқарорман деб қутурган итдай ҳужум қилаяпти, калтакесак.

НАЗОКАТ: — Ким ўзи?

БАХТИНИСО: — Қодирбойваччаман, дейди пес!

НАЗОКАТ: — Кетмон билан бошига солмадингизми?

БАХТИНИСО: — Қочиб кетди, лаънати! **(Равшанларнинг келгани сезилди).** Келдилар шекилли, ичкарига кир! **(Назокат кетар).**

РАВШАН: — Ўҳ-ҳу, ҳаммаёқ олижаноб-ку. Хўш, кайфингиз бузуқроқ, хоним?

БАХТИНИСО: — Йўқ, шундай.

РАВШАН: — Меҳмонлар келяптилар, чой-пой бер-сангиз эди.

БАХТИНИСО: — Келсинлар, чой тайёр. **(Ичкарига кираётганда Шулга, Батов, Жўрақул заргар, Омон ота, Жамол ака кириб келадилар).**

РАВШАН: — Марҳамат!

ОМОН ОТА: — Қадам етти, бало етмасин!

ЖЎРАҚУЛ: — Оллоҳу акбар!

ОМОН ОТА: — Қалайсиз, келин, яхшимисиз?

БАХТИНИСО: — Омон бўлинг, хуш кўрдик!

ШУЛГА: — Раҳмат.

ЖЎРАҚУЛ: — Хушвақт бўлинг! **(ўтирадилар).**

ОМОН ОТА: — Омин облоҳу акбар!

РАВШАН: — Чой!

БАХТИНИСО: — Ҳозир!

ШУЛГА: — Бу ерда кўп ўтиролмаймиз, кетиш керак. Ҳа, айтгандай, ҳали қишлоққа ким чиқадиган бўлди?

РАВШАН: — Аввал, менимча, Омон ота, сиздан эшитайлик!

БАТОВ: — Хўш, қани ота, аҳволдан гапириб беринг.

ОМОН ОТА: — Қишлоқ аҳли ҳалводай пишган, ҳамма ҳам бир имогагина маҳтал холос. Агар у ёғини сўрасангиз, кечанинг ўзида Мирзоёр ва у билан келганларни уриб ўлдиришига сал қолди.

БАТОВ: — Ҳамма гап ана шу ўзбошимчаликнинг олдини олишда. Сабр қилиб, ўйлаброқ иш бошлашдан бошқа чорамиз йўқ.

РАВШАН: — Тўғри. **(Чой чиқади, ичиб туриб суҳбатни давом эттирадилар).**

ОМОН ОТА: — Сабр дейсиз, қачонгача сабр? Ростини айтсам халойиқнинг сабри битган, сабр деган гапнинг ўзи орўсини йўқотиб қўйган.

РАВШАН: — Қараб туринг, ака.

ОМОН ОТА: — Ука, ахир ничоқ бориб суякка тегди. Аввал бориб халойиқнинг ҳолини кўр, ундан кейин гапир!

БАТОВ: — У бизга маълум!

РАВШАН: — Гапларингиз тўғри, аммо ҳеч қандай тайёргарлик кўрмай туриб қўзғолон кўтаролмаймиз.

ОМОН ОТА: — Ахир, устқирма солиқлар, зўрлик, муттаҳамлик деҳқоннинг тинкасини қуритди, жонига тегди, ўлимига ташна бўлди. Қўйинг халқ ғазот кўтарсин, билганини қилсин!

ЖАМОЛ ОТА: — Жуда тўғри, ҳақ гапни гапирди Омонқул, жонимизданҳам безор бўлдик. Агар менга қолса, ўша қамчинидан қон томадиган Мирзоёрни биратўла ўлдириш керагу, халойиқ озод бўлсин-да.

ЖЎРАҚУЛ: — Тўғри, тўғри гапни гапирдилар!

ШУЛГА: — Йўқ!

РАВШАН: — Ундай эмас, биз халқни ўз ҳолига қўйиб беролмаймиз. Модомики, биз халқни ғазотга чақирар эканмиз, унга бошчилик ҳам қилишимиз керак. Агар ҳар кимни ўз ҳолига қўйиб берсак, беҳуда бўлган қурбонлар учун ҳам биз гуноҳкор бўламиз.

БАТОВ: — Гап Мирзоёрни ўлдиришда эмас, Мирзоёр ўлса, қишлоғингизда зулмат тамом бўлади, деб ўйламанг.

ЖАМОЛ ОТА: — Э, ҳаммани хонасаллот қилаётган ўша муттаҳам-ку!

ОМОН ОТА: — Деҳқонлар батамом таланди.

РАВШАН: — Мирзоёрдан каттаси бор, бу каттанинг ҳам катталари бор. Ана ўшаларнинг ҳаммасини ўлдириш, йўқотиш керак. Бунинг учун барча бир ёқадан бош чиқарсин.

ЖЎРАҚУЛ: — Тўғри, сабр ҳам керак!

ОМОН ОТА: — Ер кимники, бойники. Сувни ким ичсин, бойбобо, устқирма солиқни ким тўласин, деҳқон, меҳнатни ким қилсин, деҳқон. Оқиб турган сувдан ичмасин деҳқон, ахир, ундан кўра ўл деҳқон деб кўя қолишсин.

ЖАМОЛ ОТА: — Кеча мингбоши гапирган гапни гапиринг.

ОМОН ОТА: — Ҳа, айтгандай, шул бахти қора деҳқон мардикорга одам берармиш, мамлакат учун мардикор керак эмиш.

БАТОВ: — Ана энди муҳокамага муҳтож зарур гап тўғрисида сўз очдингиз. Билишингиз керакки, ҳаммани ўлим гирдобига тортаётган жаҳон уруши уч йилдан бери давом этмоқда. Бу уруш русга ҳам керак эмас, ўзбекка ҳам, ҳеч қандай халққа ҳам керак эмас...

РАВШАН: — Тўғри, ҳамма гацинг тўғри, шунинг учун биз ҳам зўр тайёрлик кўрайлик, дейман.

ЖАМОЛ ОТА: — Шу гап қачон бўлади? Қачонгача тайёрлик кўрамиз.

БАТОВ: — Фурсат яқинлашмоқда! Шунинг учун ҳам сизларни чақирдик. Ҳалводай пишган қишлоқда халқ билан яна ишлаш сизнинг зиммангизга тушади.

ОМОН ОТА: — Тайёрмиз ука, менга десанг, қўзғолонингни эртагаёқ бошлаб юбор.

ШУЛГА: — Раҳмат, ғайратингиз зўр! Айтгандай Пўлатдан нега ҳалигача дарак йўқ?

РАВШАН: — Ҳайронман, хавотирдаман.

БАТОВ: — Уч кун бўлди ахир... **(Назокат чойнакда чой чиқара туриб гапни эшитади).**

ОМОН ОТА: — Бир гап-ҳол бўлмаса эди...

ЖАМОЛ ОТА: — Ўзи ҳам ажойиб ўткир йигит! Фарзандим дейишга арзийди.

РАВШАН: — **(жойидан туриб).** Фарзандим мани у. Юрак таскин топсин учун уни гўдаклигида олиб тарбияладим. Унинг отаси темирйўлчи ишчи, онаси эса чўри эди. Икки ой мобайнида иккаласи ҳам ўлди. Отасидан икки ёшида етим қолгач, мен тарбиямга олдим, бора-бора улғайди, кундан кун унга муҳаббатим ошиб-тошди. Пўлат — у менинг жигарим, фарзандим у, ўша билан ҳаётман, ҳаёт! Нега дом-дараксиз у?

НАЗОКАТ: — Эй, худо! Пўлатжонни гапиряптилар, унга нима гап бўлди экан? Агар, худо кўрсатмасин, бир ҳодиса бўлса-чи, шўрим қурийди, менинг шўрим. **(Чойнак қопқоғини урар).**

ШУЛГА: — Кетайлик, демак... **(Ҳовлиқиб Азимжон кирар).**

АЗИМЖОН: — Шундамисизлар-а, ассалому алайкўм.

БАТОВ: — Хўш, Азимжон?

АЗИМЖОН: — Юк ташийдиган оташ аравадан иккитаси ўтиб кетди, одам ташийдиган ҳам ўтди. Пўлатдан эса ҳали ҳам дарак йўқ.

ШУЛГА: — Келиб қолар, хўш, бошқа хотиржамликми?

АЗИМЖОН: — Ана у қора пес Мирзоёрни қандайдир зўр ташвиш босган. Тўрт томонга ўз одамлари билан от чоптириб юрибти. Ўтиб кетаётган бир камбағал эшагидан тушиб салом бермагани учун: «Йўлни тўсма, тентак!» — деб бошига қамчи солди. Қоқ миясига тош билан туширай дедиму, яна ўзимни босдим. Биргалашиб Бешқувур томонга кетишди.

(Пўлат кириб келди).

РАВШАН: — **Ўғлим, келдингми?..**

«ЭЛ ОТАСИ ЭДИ»

Тўйга энг қутлуғ совға қаторига ёрқин хотиралар абадий муҳрланган саҳифалардир. Ўзбекистон нашриёти Исмоил Сулаймоновнинг «Эл отаси эди» деб номланган Шароф Рашидов ҳақидаги хотиралар китобини чоп этиб, таниқли давлат арбоби ва адиб тўйига ана шундай муносиб совға туҳфа қилди.

Исмоил Сулаймонов республика матбуоти ташкилотчиларидан бири шу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли журналист. У хизмат юзасидан республикамизнинг кўпгина раҳбарлари, жумладан, йирик давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов билан ҳам кўп марта учрашиб мулоқотда бўлган. У киши иштирок этган турли йиғинларда қатнашган.

«Инсоният ва унинг кўп минг йиллик маданияти тарихи шундан далолат берадики, — деб ёзган эди Шароф Рашидов 1979 йили Алишер Навоийга бағишланган «Шоир, мутафаккир, инсонпарвар» номли мақоласида, — ўз тақдирини... халқ тақдири билан чамбарчас боғлаган кишилар асрлар бўйи авлодларнинг қалбларида барҳаёт яшайдилар». Бу сўзларни бугунги мақола муаллифининг ўзига нисбатан ҳам айнан қайтариш мумкин».

Исмоил Сулаймоновнинг мазкур фикри «Эл отаси эди» китобининг ўзак мағзини ташкил этади.

Китоб 8 қисмдан иборат бўлиб, унда Шароф Рашидовнинг инсоний фазилатлари, маданият аҳли, ижодкор зиёлиларга, оддий одамларга эътибори, ғамхўрлиги ҳаётий ва таъсирчан лавҳаларда очиб берилган.

Китобга ёзувчи Расул Раҳмонов сўзбоши ёзган. Шароф Рашидовнинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилувчи турли йилларда олинган суратлар билан безатилган. 10 минг нусхада чоп этилган.

МАДАНИЯТИМИЗ ҲОМИЙСИ

Қадимдан Шарқда ботирнинг иши-ю, дононинг сўзи мангудир деган нақл бор. Дастлаб шу нарсани зўр хурсандлик билан қайд этиш лозимки, халқимизнинг асл фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, машҳур ёзувчи Шароф Рашидовнинг номи республикамизнинг мустақиллиги шарофати, ҳурматли президентимиз Ислом Каримовнинг астойдил саъй-ҳаракати, сиёсий жасорати билан покланиб, халқимиз бағрига қайтди. Ҳақиқат тикланди ва адолат тантана қилди. Энг муҳими ва қувончлиси — халқимизнинг юзи ёруғ ва тили узун бўлди. Чунки, Шароф Рашидовга отилган қора тошлар, айни бир пайтда ўзбек халқи шаънига отилган тошлар эди.

Яхшиликнинг қаноти бор, дейди халқимиз. Жумҳуриятимиз миқёсида Шароф Рашидов хотираси учун ажойиб тадбирлар ва қатор савобли ишлар қилинди. Шароф Рашидов олиб борган фаолият ўзининг ҳақли ва адолатли баҳосини топмоқда. Ҳа, Шароф Рашидов нафақат ёзувчи ва раҳбар, айни пайтда теран ақлу-заковати, ҳалоллиги ва поклиги билан шуҳрат қозонган, ўз халқига муҳаббати чексиз сиёсий арбоб эди.

У кишининг инсоний фазилатларининг ўзи бир олам. Биз у мўътабар зот билан роппа-роса 20 йил давомида бевосита мулоқатда бўлганлигимиз учун ҳам бу фикрни дадил ва ишонч билан айтмоқдамиз. Гап шундаки, 6 йил (1964—1970 йиллар) собиқ Ўзбекистон Компартиясининг марказий комитетида фан ва маданият бўлимларида мудир муовини ва мудир бўлиб, 14 йил (1970—1984 йиллар) жумҳурият Маориф вазири лавозимида ишлаш жараёнида Шароф Рашидовнинг иш услубини, инсонларга бўлган самимий муносабати, муомала маданиятини синчковлик билан кузатиб бориб, жуда кўп нарсаларни ўрганишга муяссар бўлган эдик. Шуларга асосланиб, Шароф Рашидовнинг ниҳоятда бой ва баракали фаолиятининг фақат бир қирраси ҳақида, яъни у кишининг илм-маърифат ва маънавий маданиятга раҳбарлиги, ғамхўрлиги ва ҳомийлиги ҳақида фикр юритмоқчиман.

Шароф Рашидов республикамизга раҳбарлик қилган даврда саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа барча соҳалари ривож топди. У киши ҳамма жабҳада ҳам ишни чуқур тушунган, билган ва уларнинг равнақини кўра олган ҳолда раҳбарлик қилди. Гарчанд у кишининг эгаллаб турган лавозими ҳамма соҳага умумий раҳбарликни тақозо этсада, илм-маърифат, маданият соҳалари билан ўзлари шахсан ва бевосита шуғулланар эдилар. Ҳали-ҳали эсимда 1970 йил 31 августида Ўзкомпартия Марказқўми бюросининг навбатдаги мажлисида маориф масалалари муҳокама бўлаётганлиги учун мен ҳам иштирок этган эдим. Мажлис давомида Шароф Рашидовга мактубча йўллаб, унда эртага 1 сентябр — мактаб ва ўқув юртларида ўқишнинг бошланиши куни, шу муносабат билан, у кишини, республика раҳбариятини ва барча вазирларни мактаб ва ўқув юртларига бориб, ўқувчилар ва талабалар билан учрашишларини илтимос қилган эдик.

Мажлис ниҳоясида мактубчани ўзлари баланд овоз билан ўқиб, унинг мазмуни билан мажлис аҳлини таништиргач; «Яхши таклиф ва маъқул. Мен Октябрь (ҳозирги Шайхонтаур) райони мактабларига бораман. Бюро аъзоларидан ким қайси районга бориши масаласини ишлаб чиқиш фан ва ўқув юртлари бўлимига топширилсин», дедилар. Шу-шу Шароф Рашидов 1970 йилдан то ҳаётининг охиригача ҳар йили 1 сентябрь куни мактаб ўқувчилари ва ўқув юртлари талабаларининг, маорифчиларнинг азиз меҳмони бўлар эдилар. Шароф Рашидовдан намуна олиб, республика, область, шаҳар ва район раҳбарлари ҳам мактаб ва ўқув юртларида бўлиб, ўқитувчилар ва ўқувчилар билан учрашиб туришлари жуда ажойиб анъанага айланди. Бу ҳол республикамизда мактаб-маориф ишлари умумхалқ ишига айланишида катта туртки бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Одатда у киши тез-тез вилоятларда, туманларда бўлиб турар эдилар. Шу дамларда, албатта, маориф ва мактаб ишлари билан қизиқиб, жойлардаги раҳбарлардан бу борада ахборотлар олар ва мактабларга бориб ўқувчилар ва ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказар, Тошкентга қайтиб келганларидан кейин бизга керакли топшириқларни берар эдилар. Масалан, Тошкент вилоятининг Бекобод районига борганларида мактабларда янги ўқув йилига тайёргарлик масаласини район фаоллари йиғилиши муҳокамасига киритган эканлар. Йиғилишда давлат ва жамоат хўжаликлари, саноат-қурилиш ва бошқа ташкилотларининг мактаб ва мактабгача, мактабдан ташқари муассасаларга таъмирлаш, моддий ўқув базасини мустаҳкамлашда махсус оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича мажбуриятлари тасдиқланган ва у кўп нусхада чоп этилган экан. Шу мажбуриятнинг бир нусхасини олиб келиб, шахсан менга бериб, худди шундай тадбирларни жумҳуриятнинг барча вилоят ва туманларида ўтказишни маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан ташкил этишни топширган эдилар. Бу ҳаракат туфайли мактаб ва маорифга оталиқ ёрдами бериш маълум даражада расмий тус олган ва кенг тарқалган эди.

Бундан ташқари, яқинда Тошкент шаҳрининг қоқ марказида ишга тушган республика Ўқитувчилар уйининг қурилиши бевосита у кишининг ташаббуси ва раҳбарлигида бошланган. Республикада алоҳида Педагогика жамиятини ташкил этиш тўғрисидаги Маориф вазирлигининг таклифига кўпчилик маҳкамалар қаршилик қилишларига қарамай, бевосита Шароф Рашидовнинг қўллаб-қувватлаши билан бу жамият таъсис этилди ва жамиятнинг биринчи раиси, академик, жумҳуриятимиз педагогларининг отахони Сиддиқ Ражабов раҳбарлигида оёққа турди ва ҳозир фаол ишламоқда.

Республика ўқитувчиларининг қурултойларини тайёрлашда ва уларда бевосита иштирок этиб, нутқ сўзлаб, ҳар гал маорифчилар олдидаги долзарб масалаларга диққат-эътиборни жалб қилишлари ҳам мактаб ва маорифга самарали таъсир қилар эди.

Шароф Рашидовнинг ўзлари ёзувчи бўлганлари туфайли буюк адиб тарқасида адабиётга, адабиёт ва санъат тараққиётига қанчалик эътиборли бўлганлигини алоҳида қайд қилиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ёзувчиларга, санъат аҳлига, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётини яхшилашга, фаровонлигини кўтаришга доимий равишда ғамхўрлик қилганлигига жуда кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Бир куни Шароф Рашидов менга қўнғироқ қилиб «Ҳозир менинг олдимда Абдулла Қаҳҳорнинг рафиқаси Кибриёхон опа ўтирибдилар. Абдулла Қаҳҳор ўзингизга маълум оз ва соз ёзадиган, фавқулодда истеъдодли отахон ёзувчилардан, шунинг учун сиздан илтимос у кишининг сайланма асарларини Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида нашр қилиш масаласини ўз оталиғингизга олинг ва буни бажарилиши ҳақида мени хабардор қилиб туринг» деб айтдилар. Бу топшириқ ўз вақтида амалга оширилган эди.

Жумҳуриятимиз жамоатчилигига шу нарса маълумки, узоқ йиллар давомида Мирзо Бобурга нисбатан адолатсизлик муносабати ҳукм сурди. Жиззах вилоятига хизмат сафарига борганимизда Рашидов ҳам ўша ерда эканлар. Меҳмонхонада эрталабки нонушта пайтида у киши куюниб Бобурга бўлган салбий муносабатни қораладилар ва «...Биргалашиб Бобурга бўлган адолатли муносабатни тиклайлик», дедилар. Шу-шу бўлди-ю, Мирзо Бобур ижодига ёндашишнинг ижобий йўналишига мустаҳкам замин яратилди.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, жамоатчиликнинг эътиборини бир ҳақиқатга қаратиш лозимдир. Гап 20-йиллар адабиёти ҳақида боради. Бу давр адабиётшунослигимизда ўзига хос мураккабликлар туфайли ўша паллада жуда кам ўрганилган эди. Шу боис «Тирик сатрлар» номи билан адабий тўплам тайёрланган ва қайта босмадан ҳам чиққан эди. Шахсан Шароф Рашидов ҳам, биз ҳам у тўпламнинг чиқиши тарафдори бўлган эдик. Аммо афсуслар бўлсинким, у тўплам ўша давр ижтимоий-сиёсий муҳитининг зарбига дуч келди.

Яна бир нарсани эслаш мумкин. Дастлаб Шароф Рашидов ташаббуси ва Ёзувчилар уюшмаси таклифи билан адабиёт ва санъат соҳасида Ўзбекистон Давлат мукофотини Алишер Навоий номи билан таъсис этиш мўлжалланган эди. У пайтларда (60-йилларда) шу масалани ҳам собиқ КПСС Марказий Комитети билан келишиб амалга ошириш одат тусига кирган эди. Шунда маслаҳат учун мурожаат қилинганда марказдагилар бундай мукофотни замонавийроқ арбоб номи билан аташни маслаҳат беришган эди... Ҳақиқат юзага чиқиб кейинчалик ҳазрати Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти ҳам таъсис этилди ва у кишининг орзу-умиди ушалди.

Биз юқорида айтганимиздек Шароф Рашидов санъатнинг ҳамма турларини — музика, тасвирий санъат, кино санъати, халқ амалий санъати, меъморлик ва бошқа турлари, шаклларини бутун қалби билан севган. Уларнинг равнақи учун фидокорлик қилган буюк инсон эди.

Тошкентдаги 1966 йилги зилзиладан кейин жуда кўп ташкилотлар, ижодий уюшмалар биносиз қолдилар. Уларни бино билан таъминлаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Шунда ҳар хил таклифлар ўртага қўйилди, шулардан бири ҳамма ижодий уюшмалар учун ягона, янги ва замонавий бино қуриш ғояси эди. Унинг тархи ҳам тайёрланган эди. Лекин уни амалга ошириш учун жуда катта сармоя зарур эди. Уша пайтда бу ишга маблағ топиш имкони бўлмади. Шу сабабга кўра ғоя амалга ошмай қолди. Шундан кейин ҳар бир ижодий уюшма учун алоҳида-алоҳида бинолар қуришга киришилди. Шунда Рассомлар уюшмаси учун қуриладиган бинода махсус кўргазма зали лойиҳалаш ҳам кўзда тутилган эди. Унинг лойиҳасини яратиш ва қуриш бўйича Тошкент шаҳрида жой танлаш катта баҳсга айланиб кетди. Ҳозирги Рассомлар уюшмаси президенти, халқ рассоми Р. Аҳмедов уюшма раиси эди. У киши билан бирга биз кўргазма шаҳар марказида бўлгани мақбул деб ҳозирги Шароф Рашидов кўчаси билан Ўзбекистон проспекти қаршисидаги чорраҳани мўлжаллаган эдик. Аммо бу таклифимиз ён-атрофдан катта қаршиликка учради. Шу муаммони ҳал қилишда ҳам Шароф Рашидовнинг бевосита иштироки ва қўллаб-қувватлаши туфайли бино ва кўргазма зали белгиланган жойга қурилиб, ҳозирги пайтда гўзал Тошкентнинг ажойиб кўрки бўлиб қолди.

Театр санъатига келганда у кишининг синчковлик билан театр санъати тараққиётини кузатиб бориши ва ҳар бир театрда, айниқса пойтахт театрларида қўйилган янги спектакларни бориб кўриши, бизнинг назаримизда, таҳсинга сазовор иш эди. Ҳамза театри эски «Ватан» кинотеатри биносини қайта мослаштириб, шу янги бинога кўчганидан кейин унинг эски биносини олишга интилувчилар кўп бўлди, аммо ўша бино асосида ёшлар драма театри ташкил этиш ғояси пайдо бўлган эди. Шароф Рашидов бу таклифни жон-дили билан қўллаб-қувватладилар ва бизга бу санъат масканига чиройли бир исм топишни топширдилар.

Биз уни «Ёш гвардия» деб аташ ҳақидаги мулоҳазани айтганимизда «Бундан кўра чиройлироқ ном топилса яхши бўларди, вақт зиқ, бино қўлдан кетмаслиги учун тезда бу масалага яна қайтамиз», — деган гапни айтдилар. Шундай қилиб, «Ёш гвардия» номли ёшлар драма театри ташкил топди.

Иккинчи бир хотира, Самарқанд шаҳрида янги ўзбек музика ва драма театри биноси қурилиб битказилиши билан боғлиқ. Театр биноси тайёр бўлгач, Шароф Рашидов шу бинода янги театр — жумҳуриятда иккинчи опера ва балет театри ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлашни бизга маданият бўлимига топширар экан, «Шу баҳона билан яна бир янги театр ташкил қилиб, республикамизда театрлар тармоғини кенгайтиришга муяссар бўламиз»,— деган эдилар.

Дарҳақиқат, худди шундай ҳам бўлди. Ҳозир Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида фақат Ўзбекистонда икки опера ва балет театри ишламоқда.

Мусиқа санъати борасида ҳам у киши шахси билан бевосита боғлиқ бўлган қатор воқеа ва ҳодисалар кўп. Илгари Ўзбекистон Композиторлар уюшмасига фақат ҳозирги замон музика ижодкорлари — композиторлар аъзоликка қабул қилинар эди. Шароф Рашидов ўзбек миллий музикаси тараққиётида халқ бастакорларининг ўрни ниҳоятда катта эканлигини айтиб, уюшма раҳбарлари билан гаплашиб, халқ бастакорларини ҳам уюшма аъзолигига қабул қилиш масаласини ҳал этишни бизга топширдилар. Шундан кейин бу уюшмага халқ бастакорлари ҳам қабул қилинадиган ва кейинчалик бу уюшма композиторлар ва бастакорлар уюшмаси деб аталадиган бўлди.

Тарихда ғалати воқеалар ҳам бўлиб туради. Ҳозир Тошкент Давлат Консерваторияси ҳаққоний равишда Мухтор Ашрафий номи билан аталади. Айтиш мумкинки, исми жисмига мос. Аммо 60-йиллар ўрталарида Композиторлар уюшмасида гуруҳбозлик кучайиб, Москвадаги иттифоқ Композиторлар уюшмаси тазйиқи билан келиб-келиб атоқли композитор Мухтор Ашрафий уюшма аъзолигидан чиқарилган эди. Шароф Рашидов у кишини уюшмага тиклаш ҳақидаги илтимоси бўйича Композиторлар уюшмаси пленуми аъзолари билан суҳбатлашиш ва уюшма аъзолигига тиклашни бизга топширдилар.

Шу ғамхўрлик шарофати билан Мухтор Ашрафий қатор-қатор йирик мусиқа асарларини, опера ва балетларни яратди. Буни ҳам Шароф Рашидовнинг мусиқа санъати ва композиторлар, бастакорларга бўлган ажойиб ғамхўрлиги тимсоли деб билиш ўринлидир.

Киносанъатига келганда шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, Шароф Рашидов «Ўзбекфильм»да яратилган ҳар бир фильмни кўрар, ижодий ютуқларидан хурсанд бўлар эдилар. Ҳаттоки, ўзлари ҳам киносценарийлар ёзишда фаол иштирок этар эдилар. Айниқса, Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романлари асосидаги фильмларнинг яратилиши жараёнини шахсан кузатиб борган, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берган эдилар.

Шароф Рашидов ўзбек маданияти тарихини ва тарихий ёдгорликларни яхши билган ва уларнинг қадрига етган буюк маданият арбоби эди. Бу борада бир воқеа менинг назаримда диққатга сазовордир. 1968—1969-йилларда бўлса керак, ўзбек археология фанининг асосчиси ва археология фанида ажойиб мактаб яратган академик Яҳё Ғуломов — Шароф Рашидов номига устма-уст ташвишли телеграммалар йўллади. Телеграмма мазмуни — Самарқанд вилояти раҳбарияти қарори бўйича тарихий манбаларга кўра Афросиёб ёдгорлиги бор деб тахмин қилинган жойдан йўл ўтказиш ишлари бошлаб юборилган. У пайтда ҳали Афросиёб ёдгорлиги тўла топилмаган, гап тарихий манбаларда тахмин қилинган жой ҳақида борар, бу жой ЮНЕСКО рўйхатига киритилиб, унинг муҳофазасига олинган эди.

Шароф Рашидов мени ўз ҳузурига чақирдилар. Телеграммаларни қўлимга тутқазиб:

— Ука, қандай зарур ишингиз бўлишига қарамай дарҳол Самарқандга, домла Яҳё Ғуломовни олиб учиб кетасиз. Маҳаллий ҳокимият раҳбарлари билан учрашиб, шу масалани ҳал қилиб келасиз, — дедилар.

Сафарга отланиб, Самарқандга етиб боргунча домла Яҳё Ғуломов билан суҳбатлашиб бордик. Суҳбатда маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам тарихий манбаларга кўра Афросиёб ёдгорлиги йўл қурилаётган жойда бўлиши тахмин қилинади. Яҳё Ғуломов ва машҳур археолог Шишкин раҳбарлигида археологик қазишлар олиб борилаётган пайт экан. Мен у кишига бир савол бердим:

— Домла, Фанлар академияси сизларга ажратган сармоя археологик қазишлар учун етарлими, ишнинг шу боришида сизлар қачон мақсадга етасизлар? Шу ёдгорликни топиш мумкин?

У киши шундай жавоб қилдилар:

— Ажратилаётган маблағ зарур мўлжалланган ишимизнинг ўндан бирига ҳам етмайди. Шу зайлда қилинадиган бўлса, ҳисоб-китобларимиз бўйича кўп йиллар ўтади.

Ўша пайтда Самарқанд вилоят ижроқўмининг раиси Асадулла Ашрапович Хўжаев эдилар. Шу киши ва бошқа йўлсоғлар, шаҳар раҳбарлари иштирокида бу масалани муҳокама қилдик. Муҳокамада бу йўл қурилиши шаҳар ва вилоят учун ҳаётий зарурият эканлиги маълум бўлди. Транспорт қатновини бехатар қилиш учун йўл зарур экан.

Биз томонларнинг фикрини билиб, мажлисни 1—2 соат тўхтатишни лозим кўрдик ва меҳмонхонага бориб домла Яҳё Ғуломов билан келишдик. Домлага шундай дедим.

— Домла, мана самарқандлик раҳбарларнинг фикрини эшитдик. Ҳақиқатан ҳам йўл зарур экан. Шахсан мен ёдгорликни топиш, халқимизнинг бебаҳо маданий мероси ва бойлиги йўлдан муҳимроқ эканлигини тушуниб турибман. Агар сиз кўнсангиз менда бир таклиф бор: археологик қазишлар имкониятлари чегаралангани ҳисобга олиб шаҳар йўл қурилиши ташкилотлари маблағи ва техникаси ҳисобига сизларни бевосита назоратларингизда йўл қурилиш ишлари давом эттирилса, иш жараёнида агар Афросиёб ёдгорлигининг бирон-бир нишонаси кўринса, ўша заҳотиёқ қурилишни тақа-тақ тўхтатиш, бу ёғига археологик қазишларни давом эттиришга қарор қилинса. Бу билан биз қурилиш ташкилотлари ҳисобига археологик қазиш ишлари суръатини ҳам, ноёб Афросиёб шаҳарчаси ёдгорлигининг топишдек шарафли бурчингизни адо этишни ҳам шу билан тезлаштирган бўлардик.

Бу таклифимиз домлани анча ўйлантириб қўйди, ниҳоят домла шу таклифга розилик бердилар. Мажлиснинг иккинчи қисмида масала шу таҳлитда қўйилди ва ҳар иккала томон розилиги тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Мен Тошкентга келиб Шароф Рашидовга шу ҳужжатни бердим, у киши танишиб чиқиб, табассум билан масала шу зайлда ҳал қилинганидан хурсанд ва мамнун эканлигини билдирдилар. Натижа худди биз ўйлагандек бўлди: йўл қурилиши давом эттирилди, ёдгорликнинг кўҳна ғиштлари кўриниши билан қурилиш тўхтатилди, ишнинг давоми домла Яҳё Ғуломов раҳбарлигидаги гуруҳга ўтди, тез фурсатда бутун дунёга машҳур бўлган Афросиёб шаҳарчаси топилди.

Биз юқорида баён қилганимиздек Шароф Рашидов нафақат адабиёт, санъат, балки илм-фан равнақига ҳам катта аҳамият берган, унинг иқтисодиёт фаровонлигини яхшилашдаги ўрнини чуқур англаган инсон эди. Айниқса, халқимизнинг асл фарзандлари, истеъдодли илм-фан ташкилотчилари, атоқли олимларимиз, узоқ йиллар Ўзбекистон Фанлар академиясига раҳбарлик қилган Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев ва Иброҳим Мўминович Мўминовлардек алломаларимизнинг ҳар қандай ташаббусларини қўллаб-қувватлар эдилар. Шароф Рашидовичнинг, Фанлар академиясида янги-янги илмий тадқиқот институтларини ташкил қилиш борасида, янги тармоқ ва илмий йўналишларни такомиллаштиришда ва ниҳоят Ўзбек Қомусини ташкил этишда жуда катта ғамхўрлик қилганига биз гувоҳмиз. Ўша кезлар республикамизда илм-фан ривожини рағбатлантириш мақсадида фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги мукофотнинг таъсис этилишига ҳам Шароф ака шахсан бош-қош бўлган эдилар.

Бу баён этилган воқеалар Шароф Рашидовнинг халқимизнинг илм-маърифати ва маданияти равнақи йўлидаги ғамхўрлиги ва буюк ҳомийлигидан айрим лавҳалардир, холос.

Шунинг учун ҳам Шароф Рашидов — адабиёт, санъат аҳли, олимларимиз, маорифчиларимиз ва барча зиёлиларимиз, халқимиз қалбининг тўридан жой олди ва асрлар оша шундай бўлиб қолажак.

Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ

ТАНБУРНИ САЙРАТГАН СОЗАНДА

«ТУРҒУНБОИДАҚА ТАНБУР ЧЕРТАДИГАН НЕКАЛАИ ВАҚТИДА ҲАМ ИУҚ ЭДИ, ҲОЗИР ҲАМ ИУҚ».
(АКАДЕМИК ЮНУС РАЖАБИЙ СУҲБАТЛАРИДАН)

ХУРМАТЛИ ЮНУС АКА БИР ИИЛИ касалхонада ётиб, тузалиб чиққанларидан кейин дўстимиз Ҳибзиддин, Ҳаким Назир ва мен учаламиз кўргани бордик. Суҳбатимиз қизигандан қизиди. Ниҳоят, узр айтиб, турдик, Юнус ака: «Бемалол ўтирадиган бўлиб бошқа бир келинглар. Мен думғаза олдириб келаман, ўзим бир меҳмон қиламан сизларни», дедилар. Шунда мен: «Турғун акани ҳам айтсангиз, бир маза қилиб ўтирардик», деган эдим. «Бўпти, Турғунбойни олдирамиз» дедилар. Шу суҳбат давомида Юнус акадан «Турғун акадай танбурчи илгари бормиди?» — деб сўраганимда юқоридаги гапни айтгандилар.

50-йилларнинг бошлари бўлса керак, қўшнимиз, машҳур бастакор Набижон Ҳасанов уйидан танбур овози эшитилди... Бу шу вақтгача менга сира таниш бўлмаган жуда ғаройиб танбур овози эди. Куй эса, ёшлигимиздан таниш «Билагузук», «Фабриканинг йўлидан» деб айтиладиган оддий халқ қўшиғининг куйи. Мен бу куйни ҳам, унинг сўзларини ҳам яхши билардим-у, аммо унинг ҳозирги ижроси эшитиб юрганларимиздан тамоман бошқача усулда эди. Куй ўта нозик қочиримлар билан бутунлай янгича янграрди. Орадан кўп ўтмай худди шу куй ўша ижрода радиодан эшитилди ва унинг ижрочиси номини радиодан билиб олдим... Худди шу йилларда радиодаги миллий мусиқа ансамблига қаттиқ ҳужум бошланиб, ансамбл тарқатиб юборилган. Оврўпа чолғу асбоблари радионинг мусиқа қисмини батамом эгаллаганди. Яқинда берилган телекўрсатувлардан бирида миллий чолғулар театрлардан ҳам сиқиб чиқарилгани ҳақида кекса артистлардан Машраб Юнусов, Фароғат Раҳматова ва бир қатор кишилар ёниб гапирганларини, айни шу сабабдан театрлар ўз томошабинларидан айрилиб қолишгача бориб қолганларини кўпчилик эшитди... Турғун акани ҳикоя қилишларича, ўша йиллари миллий мусиқачилар кўчаларда саргардон бўлиб, тўйма-тўй юришдан бошқа иложлари қолмаган. Ниҳоят, республикамизга Нуриддин Муҳиддинов биринчи котиб бўлганларидан кейин Юнус Ражабийни ҳузурларига чақирганлар, тарқалиб кетган созандалар, ашулачиларни йиғиб келишни, ҳатто уларга чекланмаган ҳолда штат ажратиб беришни ваъда қилганлар. Юнус ака санъаткорларни бирма-бир қидириб топиб, ансамблни тўплаганлар ва миллий мусиқачилар янгидан ҳаёт бошлаганлар... Шу вақтда Турғун ака ҳам радиога келиб қоладилар....

Энди Турғун акани танбур, дутор, сато чалишларига келсак, — бунинг ўзи бир дунё. Мен ўзим мусиқага ишқибозлигим туфайли Турғун ака ижросида «Танбур навоси», «Гиря», «Ажам», «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Роҳат», бир неча хил «Тановар» ва бошқа куйларни тинглаганимдан кейин у кишига қаттиқ ихлос қўйдим. Қидириб топиб ошно бўлдим. Мана, 30 йиллардан буён борди-келди қиламиз-у, лекин куйларига ҳеч тўймаймиз.

Кўпинча Турғун акани бу қадар жозибали ижроси сирлари ҳақида ўйлайман. Очиғи, бу санъаткор куйларини тинглагандаги ҳиссиётларимни ифода этишга сўз тополмайман. Албатта, мусиқашунос эмаслигим туфайли дурустроқ бир фикр айтолмаслигим мумкин. Аммо, ўзимча шундай ўйлайман: Турғун ака аввало ўзбек классик миллий куйларини ўз қалби—ҳиссиётида идрок этиб, жуда чуқур тушуниб, ундаги миллий руҳни бор жилоси билан ижро этадилар. Ҳар бирининг аслини сақлаган ҳолда қайта ишлаб ҳам чиқадилар. Бу «қайта ишлаш» баъзи бир халқ куйларини «замонавийлаштириш» шиори остида бузиб ижро этаётганлардан батамом фарқ қилади. Турғун ака қайта ишлаган асли халқ куйи янада гўзаллашади, юрак-юрагингизга ҳузур-бахш сингиб боради. Улар куй ижро этаётганларида юзларида кўзга ярқ этиб ташланадиган бирор ҳаракат, ифодани кўрмайсиз. Вармоқлар пардалар устида ҳадеб тез-тез югурмайди. Гоҳо биргина парда устида билинар-билинмас қимирлаб, куйларни товлантириб тараталаверади. Сизга санъаткорнинг бутун қалби, вужуди, диққат-эътибори ижро этилаётган куйга сингиб кетаётгандай туюлади. Худди шунинг учун бўлса керак, тингловчи ҳам борлиқни унутади. Кундалик иш, уй-рўзғор, сергалва ҳаёт ташвишларидан тамоман фориғ бўлади. Ана шунда куйлар секин оқадиган дарё сувидек тиниқ, текис силжиб, кўнглимизга тобора чуқур кириб боради. Бу ҳолат Турғун ака чолғусининг ғоят нозик, завқли жозиба қудрати, мўъжизаси бўлса керак.

Турғун ака сингари истеъдодлар ҳамиша ҳам туғилавермайди. Илоҳий истеъдодга эга бу сиймо ўзига хос мактаб яратди.

Турғун ака шу кунларда муборак 70 ёшларини нишонламоқдалар. У кишига Ўзбекистон халқ артисти унвони берилганидан барча ихлосмандлари бағоят мамнун бўлдилар. Кези келганда шуни айтиб ўтиш керакки, Турғун Алиматов унвону мукофотлар олмасдан илгариёқ халқ назарига тушган эди. У киши табиатан жиддий одам. Куйларни ҳам ғоят жиддий ва ўта маҳорат билан ижро этадилар. Шунинг учун бу куйлар халқимиз орасидаги энг жиддий, ўша куйлар мағзини тушуна оладиган қатламларга бағишланган. Бу гапни мусиқамиз бўйича катта мутахассислар — Ғанижон Тошматов, Муҳаммаджон Каримов ва бошқалар бир неча бор айтиб келаётганларини жамоатчилик яхши билади.

ХУЛЛАС, ТУРҒУН АКА ўзбек мусиқа санъати тарихига такрорланмас, алоҳида бир сиймо бўлиб кирди. Биз санъаткорга узоқ умр, бахт-саодат, ижодий завқ-шавқ тилаймиз. Муҳлислари бахтига кўп йиллар омон бўлсинлар.

Аҳмад АЛИЕВ

ТАНГРИ ГЎЗАЛЛИКНИ ЯХШИ КЎРАДИ

РИВОЯТ ҚИЛИШЛАРИЧА, узоқ юртдан Бухорои шариф зиёратига келаётган таниқли шайх бир мўйсафид деҳқонга дуч келибди. Мўйсафид даладаги пиёзни бегона ўтдан тозалаётган экан. Салом-аликдан сўнг шайх: «Тақсир, жуда чанқадим, бир коса сув бергайсизми», — деб илтимос қилибди. То бухоролик деҳқон чою дастурхон олиб келгунича каттагина ердаги бегона ўтдан ном-нишон ҳам қолмаган экан. «Не сабабдан сиз ерни покизалаб, мени ўз машғулотимдан қолдирдингиз?» — деб сўрабди деҳқон. «Сизни оғир меҳнатдан халос қилмоқ мақсадида дуо ўқиб бегона ўтларни бир жойга йиғдим. Офтобнинг тиғида кун бўйи ишлаш азобидан қутулдингиз!» — дебди шайх мамнуният билан, лекин кўнглидан: «Бухорои шариф уламоларини бу дуо билан лол этиб қўяман, ҳаммаси менинг илмимга, иншооллоҳ, тан берур», — деган фикр ўтибди. Бухоролик чол эътироз билдириб: «Биз ҳам бунақа дуоларни биламиз, тақсир. Лекин бегона ўтни юлаётганда Аллоҳ номини зикр қиламиз. Бу биринчидан. Иккинчидан, ўтни юлиш меҳнатдир. Ахир нонни ҳалоллаб енг деб пиримиз ҳазрати Нақшбанд таълим берганлар-ку! Илтимос, ердаги ўтларни жой-жойига қўйиб чиқинг!» дебди. Шайх мулзам бўлиб бундай дуони билмаслигини маълум қилибди. Бухоролик мўйсафид деҳқон дуо ўқибди, натижада бир дақиқадаёқ бегона ўтлар ўз ўрнида қайтадан ўсиб чиққан экан.

Ҳар гал Бухорои шарифдаги машҳур Гавкушон обидаси ичида жойлашган уста Салим Ҳамидов номидаги кандакорлик устахонасига кириб, кандакорлар ишини томоша қилаётганимда, юқорида зикр қилинган ривоят беихтиёр хотирамга келади. Битта мис ё биринжи лаълига нақш солиш учун неча минг марталаб «тиқ-тиқ» этиб асбоб билан уришга тўғри келади. Ҳар бир «тиқ-тиқ» этганда қадимий усталар «Аллоҳ» номини юракларида зикр қилганлар. Дарвоқе, ояту ҳадис, байтлар дарж қилинган патнисларни кўрганда бу фикр асосли эканлигига яна бир бор имон келтирасан киши.

«Тангри гўзалдир, у гўзалликни яхши кўради», «Бирор ишни пухта ва чиройли қилган одамни Тангри яхши кўради» каби ҳадиси шарифлар гўё Бухоро кандакорлиги учун айтилгандай. Нақадар зебо, нақадар пухта яратилган бу асарлар! «Бодом», «занжира», «гандум», «чашми булбул», «зебу зебиш», «муғжа», «мажнун», «шашбар», «қўш бодом» ва бошқа юзлаб номдаги нақшлар ўйилган асарларни кўрганда кўз яйрайди. Ҳатто оддий дастшўларига нақшу нигор, аниқроғи, улкан санъатни жо қила олган усталари бор халқни маданият даражасини белгилай олувчи ҳад бормикан?! Бундай буюк маданиятни дунёнинг яна қай буржидан топса бўлади?..

Ҳалокатга маҳкум этилган кандакорлик санъатини Бухорои шарифда қайта тиклаш учун уста Салимжон Ҳамидов хизмати беқиёсдир. Уста 1929 йили Бухорои шарифда туғилган. Бухоро кандакорлик мактаби уста Салимжоннинг саъй-ҳаракати, машаққатли меҳнати, маҳаллий тўра ва саводсиз раҳбарларга қарши тенгсиз кураши туфайли тирик қолди. Уста 1968 йили Бухоро кандакорлик мактабини қайта йўлга қўйиш учун иш бошлади. Унинг биринчи шогирдлари Анвар Ҳамидов, Раҳматулло Қулиев, Аҳмад Ҳамроев, Содиқ Муҳсинов каби ўнлаб истеъдод эгалари ҳисобланади. Ҳозирги кунда нафақат вилоятимизда, балки жумҳуриятимизда ҳам машҳур бўлган, бир неча кўргазмалар совриндорлари Умид Алиев, Раҳимжон Самадов, Раҳматжон Фатиллоев, Маҳбуба Жалилова етук уста даражасига етганлар.

Кандакорлик ширкати раиси Раҳматулло Қулиев суҳбатда шундай дейди:

— Устамиз Салимжон ака 1973 йили вафот қилдилар. У киши устазода бўлиб, бу ҳунарни оталари уста Абдусаломдан ўрганган. Кандакорлик санъати Бухорода жуда қадим замонлардан бери ривожланиб, камолга етган. Тарихчи О. Сухареванинг ёзишича, ХХ аср бошида ўн беш мингдан зиёд халқ усталари Бухоро шаҳрида бўлган. Инқилобдан сўнг эса халқ усталарига ҳаддан ташқари кўп солиқ солинганлиги сабаб кандакорлик ҳам ўлимга маҳкум этилди. Устамиз вафотларидан сўнг маҳаллий ҳукумат бизга умуман эътибор бермай қўйди. Ишнинг сифати эмас, балки сон кетидан қувиш бошланди. Натижада турли хил чайқов нарсалар, ҳар хил муваққат «доҳий»лар симосини лаълида акс эттириш расм бўлди. Ҳатто 1988 йили устахонамизни тугатиш масаласи кун тартибига қўйилди. Худога шукур, замонлар ўзгариб, биз мустақил ширкат туздик. Ишимиз юришиб кетди. Ҳар бир уста учун ижодий иш қилишга имконият бор. Юқоридан режа тиқиштиришлар йўқолди. Шунинг учун хўжакўрсинга ёки фирибу найранг билан бажариладиган ишга мутлақо барҳам берилди. Ҳар бир уста ўз асари устида жиддий меҳнат қилмаса, демак, унинг бозори касоддир...

Ширкатчилар учун энг катта муаммо молия солиғи ҳисобланади. Халқ амалий санъати усталари бошини мана шу тутуруқсиз солиқлар еган эди-ку! Дарвоқе, хом ашё топиш муаммоси ҳам бор. Мис, биринжи, ранг излаб турли шаҳарларга бориб келишга тўғри келади. Шунингдек, М. Ғуломов, Р. Фатиллоев, Н. Тўев ва яна ўнлаб етук усталарни мусаввирлар уюшмасига аъзо этиш масаласини ҳам ҳал этиш керак. Тошкентда жойлашган мусаввирлар уюшмаси ўзи билан ўзи ўралашиб, вилоятлардаги нодир истеъдод эгаларига сўнгги вақтларда эътибор бермай қўйди.

Ширкатчилар Ҳиндистон, Эрон, Миср, Туркия ва бошқа мамлакатларга бориб, улар билан ҳамкорлик қилиш ниятлари бор.

Гавкушон обидаси ичида йўрмадўзлик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги санъатини намойиш этиш учун усталар тайёргарлик кўрмоқда. Ширкатчилар фикрича, сайёҳлар иш жараёни билан бемалол танишиб, шундан сўнг ўзларига маъқул бўлган асарни шу ернинг ўзидан сотиб оладилар. Шу сабаб сурмадон, билагузук, ўсмадон ва бошқа тақинчоқлар ясаш йўлга қўйилди.

Гавкушон обидаси ичида кандакорлик музейи ҳам ташкил қилинган. Кўргазмада Р. Фатиллоевнинг «Бухоро — музей шаҳри», Ф. Ғуломовнинг «Товус», шунингдек, уста Зайнаб, уста Нуриддин, уста Анвар асарлари ўзига хослиги, ихчамлиги, гўзаллиги билан ажралиб турибди. Уста Раҳматжоннинг янги асари айниқса диққатга сазовордир. У лаълида уста Салимжон Ҳамидов симосини меҳр билан нақш этган. Кўргазма тўрида уста Салимжоннинг ярим ҳайкали гулларга бурканиб турибди. Бу шогирдларнинг устозга бўлган меҳри, садоқати, ихлоси нишонаси.

Ҳозирги кунда усталар етук шогирдлар тайёрлаш устида ҳам бош қотиришмоқда. Бухоро шаҳридаги 2-сон ўқув ишлаб чиқариш мактабида кандакорлик сирлари ўргатилади.

Уста Содиқ, уста Шокир, уста Миржон ҳам кандакор сифатида машҳур. Содиқ Муҳсинов Бухоро давлат дорилфунунида халқ амалий санъатининг нозик сирларидан дарс беради. Ҳозирги кунда дорилфунун толиби илмлари миллий санъат, миллий ҳунармандчиликни ҳам ўрганмоқда. Уста Шокир эса темирчиликда устоз даражасига етган. Лекин у кандакорликда ҳам катта ютуқларга эришди. Уста Миржон, уста Шокир қадимий офтобаларни тайёрлаб, халқ таҳсинига сазовор бўлдилар.

ЯҚИНДА БУХОРО ВИЛОЯТИ халқ депутатлари кенгаши ҳузуридаги «Тил, маданий меросни асраш, миллатлараро муносабатлар» доимий комиссиясида (раис А. Музаффаров) халқ амалий санъатини ривожлантириш масаласи кўриб чиқилди. Уста Салимжон Ҳамидов, уста Ширин Муродов, Ҳамробиби Раҳимова номида мукофотлар таъсис этиш, шунингдек, таниқли усталарни мукофотларга тавсия қилиш, халқ усталарини хом ашё билан таъминлаш, уларнинг номини абадийлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Етмиш йил бадалида бу масаланинг кун тартибига илк бор қўйилиши неклик ва умид нишонаси ҳисобланади.

Садриддин САЛИМ
БУХОРИЙ

ЯНГИ ТОМОША

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»

Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик Катта театрида Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги республика давлат мукофоти лауреати Зайнаб Садриеванинг хотира кечасига бағишланган «Келинлар қўзғолони» комедиясининг янги томошаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган томошада Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган, Гулистон, Жиззах театрларининг санъаткорлари қатнашдилар. Кечани асар муаллифи Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таниқли санъаткор Зайнаб Садриева ҳақидаги хотиралари билан очди. Спектаклни саҳналаштирувчи режиссёр Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Баҳодир Йўлдошев. Саҳна безакларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Георгий Брим ишлаган.

Асосий ролларни Ўзбекистон халқ артистлари Ф. Раҳматова, Т. Орипов, Т. Мамедова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар О. Ёқубов, А. Рафиқов, Ҳ. Ғофуров, Л. Саъдуллаев, М. Юсупов, М. Тошкенбоева, Д. Исмоилова, артистлардан Ф. Аҳмедов, Х. Арслонов, Д. Бобохонова, С. Раметова, Н. Юсупова, Қ. Шокиров ва бошқалар маҳорат билан ижро этдилар.

Кечада Ўзбекистондаги бир қатор давлатларнинг элчилари ва дипломатия бўйича хизматчилари қатнашдилар.

Хотира кечасида Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосари Э. Самандаров иштирок этди.

ҚИЛИЧ ЮТИШ МЎЪЖИЗАСИ



Ҳаёт турфа мўъжизаларга бой. Бу ажойиб мўъжизаларни кўпроқ инсон яратади. Инсон эса ўз иқтидори туфайли ҳамиша қизиқарли мўъжизалар сирини очиб, атрофдагиларни ҳайратга солиб келади. Ана шундай мўъжиза санъати усталаридан бири Йўлдош Жўраев бўлади. У кўзбойлоғичлик билан бирга 65 см ва 82 см қиличларни бемалол юта олади.

— Онамнинг айтишларича, 3—4 ёшимда қошиқ, капгир дасталарини бемалол ютарканман, — дейди Йўлдош ака. — Сўнг рўзғорда ишлатиладиган пичоқларни «машқ» қила бошладим. Бунинг оқибатида уйдагилардан роса дашном эшитганман. Кези келганда, калтак ҳам еганман. Томоғим кўп марта кесилиб, яраланган. Лекин барибир танлаган йўлимдан қайтмадим. Мактабда ўқиб юрган даврларимда ҳам, механизаторлар тайёрлайдиган билим юрти ва ҳарбий хизматда юрганимда ҳам севимли машғулотимни давом эттирдим... Бир даврада одамлар 35 см пичоқни ютганимда ишонишмади. Ўша ерда иккита капгир ва битта чўмич дастасини бирга-ликда ютдим. Қиличга келсак, уни асосан 20 йилдан буён ютиб келаман. Дастлаб 40 см қилични ютган эдим. Ҳозир уни 82 см га етказдим. Ниятим бир метрлик қилични ютиш.

Аслида Йўлдош ака болалигидан учувчи бўлишни орзу қиларди. Осмонда самолётни кўрса, узоқ вақт тикилиб қоларди. Ҳаёлан самоларда учиб юрарди. Лекин тақдирида мўъжиза яратиш битилган экан. Ундан қутулишнинг иложи бўлмади. Онаси Райҳон бувининг дуоси, одамларнинг олқишлари унинг иродасини чархлади. Ҳар кунги машқлар давомида 30—40 мартадан қилич ютишнинг ўзи бўлади, дейсизми? Бу учун жасоратли юрак, букилмас ирода эгаси ва ботир инсон бўлиш керак. Бир тўйда уни кўролмайдиган қитмир кимсалар қиличининг учини қайраб қўйишган. Буни билмаган Йўлдош ака катта даврада қилични ютган. Қилич эса ошқозонни тилиб юборган. Бу жароҳат туфайли кўп қон йўқотган. Лекин танлаган йўлдан қайтмасдан мустаҳкам ирода билан ўз машғулотини давом эттирди. 34 йилдирки, одамларни ана шундай мўъжиза билан ҳайрат ва ҳаяжонга солиб келаётир.

Қилични ютаётганида бутун фикри-ёди унда бўлади. Руҳан ўзини шунга тайёрлайди. Атрофида бўладиган шовқин-сурон унга халақит беради. Шу боис Йўлдош ака мўъжизасини тинч ва осойишта томоша қилишга тўғри келади. У ўз санъатини намойиш этаётганда ўзига ўта бераҳм кўрингани билан аслида раҳмдил ва тез ишонувчан инсон. Баъзан ана шу ишонувчанлиги ўзига кўп панд беради...

Йўлдош ака сиёсий адабиётларни севиб ўқийди. Бироз сиёсатга қизиқади. Михаил Горбачёвни тоталитар зулмни парчалагани учун ёқтиради. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбоев олиб бораётган сиёсатнинг тарафдори.

— Бугунги мураккаб даврда, соҳасидан қатъий назар, ҳар бир одам сиёсатга қизиқади ва унга боғланиб қолган, — дейди Йўлдош ака суҳбат орасида. — Фақат республикалар эмас, аслида инсон ҳам ҳар жиҳатдан мустақил бўлиши керак. Шундагина кўп ютуқларга эришиш мумкин. Ўзбекистоннинг эртанги куни яхши ва ёруғ бўлиб кетишига ишонаман...

Йўлдош акани бешта фарзанди бор. 12 ёшли катта ўғли Жамшид ота изидан бориб, ҳозир 40 см қилични ютишни машқ қилмоқда. Демак, мўъжиза давом этади.

А. ЖУРАЕВ

Икки оғиз дил сўзи

БЕРЛИНГАЧА БОРГАН ШОИР

Умрининг гоҳ қоронғу, гоҳ ёруғ лаҳзаларида ҳам қаламидан айро тушмаган шоир дўстимиз Назармат 75 ёшга тўлди.

Назармат Эгамназаров Тожикистон жумҳуриятининг Нов туманида таваллуд топган. Улуғ Ватан уруши бошланган ўша 1941 йилда унинг «Ёшлик қувончи» деган илк тўплами босмадан чиққан эди. Шеър қувончини уруш қаршилади, Назармат 1942 йил март ойида Қизил Армия сафига чақирилди. Бироз тайёргарликдан сўнг ўша йили ноябр ойида кимё қисмининг командири сифатида фронтга йўл олди. Орадан кўп ўтмай Брянск фронтида ўзбек тилида чиқадиган «Душманни тор-мор келтиришга» газетаси муҳарририятида адабий ходим сифатида фаолият кўрсатди. 1944 йил 1 августда «Қизил юлдуз» ордени билан мукофотланди.

Сўнгроқ «Фронт ҳақиқати» газетасида ташкилотчи мухбир бўлиб хизмат қилди.

Волга дарёси соҳилидан то Берлингача бўлган масофани ўз ичига олган жанговар йўлни босиб ўтган Назармат Эгамназаров ҳақида ҳар қанча юрак сўзларини айтса арзийди. 1947—1954 йилларда «Совет Ўзбекистони» газетасида бўлим мудири, кейинчалик 1955 йилдан 1986 йилгача «Тошкент ҳақиқати» газетасида адабиёт ва санъат бўлимини бошқарган, йигирмадан зиёд шеърлар ва очерклар тўпламларининг муаллифи Назармат бугунги кунда ҳам қадрдон қалами билан ҳамкор. Ўзбек китобхонлари уни Фирдавсий, Жомий, Бедил, Хусрав Деҳлавий ва бошқаларнинг асарлари таржимони сифатида ҳам билишади.

Рўзи таваллудингиз қутлуғ бўлсин, Назармат ака! Дилдаги эҳтиромим ва табригим сизга!

Мажид САМАДОВ,
Улуғ Ватан уруши фахрийси

ҚУРЪОННИНГ «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» НАШРИ

«Шарқ юлдузи» ойномасининг 8- ва 9-қўшма сони босмадан чиқди. Аввал ваъда қилганимиздек, унда Қуръони карим маъно таржимасининг тўлиқ матни чоп этилган. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Китобга қадимий услубдаги нафис безаклар ишланган. Муқованинг охирги бетида шундай изоҳ бор:

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Азиз биродарлар! Маълумингизким, «Шарқ юлдузи» ойномасида икки йил давомида (1990 йилнинг март ойидан 1992 йилнинг февраль ойигача) Қуръони каримнинг маъно таржимаси чоп этилди. Таҳририятга келган кўплаб хатларда ойнома мухлислари муқаддас Китобни жамлаб, яхлит ҳолда нашр этишимизни сўрагаклар. Кўпминг сонли ўқувчиларнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, «Шарқ юлдузи»нинг 8 ва 9-сонларини жамлаб, Қуръони каримнинг аввалги нашрларида йўл қўйилган айрим камчиликлари тузатилган тўлиқ маъно таржимасини чоп этдик. Ушбу эзгу ният рўёбга чиққани учун Оллоҳга шукроналар қиламиз.

Хабарингиз бор, қоғоз, босмахона ва бошқа харажатлар ўнлаб, йигирмалаб марта ошди. Очиғини айтсак, харажатларни қопламаслик оқибатида «Шарқ юлдузи» ёпилиш даражасига тушиб қолди. Шундай оғир шароитни ҳисобга олиб, мазкур нашр нархини обуначига 60 сўм, чакана савдода шартнома баҳосида, деб белгилашга мажбур бўлдик. Муқаддас Китобни чоп этишдан мурод — бир томондан кўплаб ўқувчилар талабини қондириш, иккинчи томондан севимли ойномангизни мушкул аҳволдан чиқариш учун оз бўлса ҳам кўмаклашиш. Бундан дилингиз ранжимайди, деб умид қиламиз. «Шарқ юлдузи»нинг Қуръони карим маъно таржимаси чоп этилган ушбу сонни олиш учун ўзингизга хизмат қиладиган алоқа бўлимига учраб, қуйидаги манзилга 60 сўмдан маблағ ўтказишингизни сўраймиз.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПРОМСТРОЙБАНК ОКТЯБРЬ БЎЛИМИНИНГ Ғ. ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ ҲИСОБ РАҚАМИ 000363413. МФО 172682301. «Шарқ юлдузи» ойномаси учун деб ёзилсин. Сизларнинг иймон ва инсофингизга ишонамиз. Омин!».

Гарчи бу сўзларга қўшимча қилиш ўринсиз кўринса-да, баъзи андишаларни айтишга мажбурмиз. Жумҳуриятдаги ҳамма алоқа бўлимлари «Шарқ юлдузи»нинг ушбу қўшма сонини топширишдан олдин обуначидан 60 сўм олиб, юқоридаги манзилга ўтказиш лозимлиги огоҳлантирилган ва бу ҳақда жумҳурият Матбуот тарқатиш маркази билан шартнома ҳам имзоланган эди.

Шунга қарамай, бир қанча алоқа бўлимларининг ходимлари 8 ва 9-қўшма сонни обуначиларга эски нархда етказиб бердилар. Албатта, биз муҳтарам муштарийларимизнинг виждонига ишонамиз. Шунга қарамай, ойномани қўлга олганидан кейин алоқа бўлимига учрашиб, пул ўтказишни унутадиган ёки ҳафсала қилмайдиганлар ҳам бўлиши мумкин. Биз шундай дўстларимизга қарата мурожаат қиламиз. Агар шундай қилсангиз, биз одамларга яхшилик қилиб эвазига ёмонлик кўрган бўламиз. Қўлингиздаги муқаддас китоб таннархининг ўзи 60 сўмдан тушган. Биз уни 2 сўмдан беролмаймиз. Шунча маблағни жўнатмасангиз, амалда «Шарқ юлдузи»нинг танг моддий аҳволини янада оғирлаштирасиз ва журналнинг ёпилиб қолишига сабабчи бўласиз. Бу аччиқ ҳақиқатни очиқ-ойдин айтишга мажбурмиз.

МУҚАДДАС КИТОБНИ ҚЎЛГА ОЛГАН ЗАҲОТИ ЮҚОРИДА ЗИКР ЭТИЛГАН ҲИСОБ РАҚАМИГА 60 СЎМДАН ЮБОРИШЛАРИНГИЗНИ ҚАТТИҚ ИЛТИМОС ҚИЛАМИЗ. ТАКРОР АЙТАМИЗ, БИЗ СИЗЛАРНИНГ ИЙМОН ВА ИНСОФИНГИЗГА ИШОНАМИЗ.

Ойнома таҳририяти номидан,

Бош муҳаррир
Уткир ҲОШИМОВ

НОЁБ ЁДГОРЛИКЛАР ЖОНКУЯРЛАРИ

Юртимиз бой тарихий-маданий меросга эга. Ўлкамизда ибтидоий, қадимий, ўрта аср маданиятининг антиқа ёдгорликлари сақланиб қолган. Ўн мингдан зиёд археология, меъморчилик, шаҳарсозлик ва халқ санъати ёдгорликлари давлат ҳисобига олинган. Улуғ бобокалонларимиздан боқий мерос бўлиб қолган бу бебаҳо бойликларни эҳтиёткорлик билан сақлаш энг муқаддас вазифалардан биридир.

Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти, мана, 25 йилдирки, тарихий-маданий меросни сақлаш, илмий ўрганиш, тиклаш, ҳимоя қилиш ва оммалаштириш бўйича иш олиб бормоқда. Чунончи, сўнгги беш йил ичида тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ишларига 1 миллион 300 минг сўм харажат қилинди. Ёдгорликларга туташган майдонларни ободонлаштириш, ёдгорликларни ўрганиш ва ҳисобга олиш, хотира тахтачалари ясаш ва ўрнатишга 1 миллион 972 минг сўм сарфланди. Бенанта-Шоҳрухия шаҳарчасини тадқиқ қилиш харажатларини ҳам жамият ўз зиммасига олди. Археологик тадқиқотлар олиб борилмоқда. Вилоятлардаги ишлар кўлами ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қатор йиллардан буён жамиятга Нуриддин Акрамович Муҳиддинов саркорлик қилмоқда. Бу масъул вазифага таниқли давлат арбоби ва тарихимизнинг чуқур билимдони келиши натижасида жамият фаолият доираси янада кенгайди, нуфузи ошди.

Аммо шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Жамият аъзолари уюшган ҳолда саъй-ҳаракат кўрсатаётганликларига қарамай, айрим ёдгорликларнинг ҳозирги ҳолати ташвишга солади. Ёдгорликлар ғоят нозик маданий мерос эканлигини унутмаслигимиз лозим. Уларга эрозия, атроф муҳит ифлосланиши, ер ости сувларининг кўтарилиши каби турли хавфлар мунтазам таҳдид солиб туради. Аммо энг хавфли таҳдид нодонлик ва маданиятсизликдир. Бинобарин, тарихий бойликларимизни эҳтиёт қилишга аҳоли барча қатламларини жалб этиш, ҳар бир фуқаро қалбида ватанпарварлик туйғусини камол топтириш, тарихга ҳурмат ҳиссини тарбиялаш билан боғлиқ ишларни жамият янада фаоллаштириши зарур. Гап шундаги ёдгорликларни сақлаш анча кўп харажат талаб қилади. Давлат шу мақсадлар учун эса етарли эмас. Кун тартибида жамият қошида хайрия жамғармаси ташкил этиш вазифаси ҳам турибди.

Қисқа қилиб айтганда, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти аъзоларининг 10 ноябрда бўлиб ўтадиган Қурултойи қизғин ва амалий ўтиши учун асослар етарлича. Энг муҳими, у жамият аъзоларининг жумҳуриятимиз мустақилликка эришгандан кейинги биринчи қурултойи. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар миллий бойлигимиз — тарихий обидаларга бўлган муносабатларга ҳам жиддий ўзгартишлар киритиши шубҳасиздир!

ЎзАО ахбороти

«ГУЛЛА, ЯШНА, ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ!»

Акмал Икромов туманида жойлашган Карим Расулов номидаги 298-мактабда «Гулла, яшна, она тилим — жону дилим!» мавзуида адабий-илмий анжуман бўлиб ўтди. Кеча жажжи қизалоқларнинг шеър ва қўшиқлари, мактаб ўқувчиларининг саҳна кўринишлари билан очилди. Йиғилишда олимлардан Низомиддин Маҳмудов, Йўлдош Абдуллаев, Улуғбек Долимов, Раъно Абдулаҳадова, 298-мактаб директори Шуҳратжон Азимов, шаҳар малака ошириш институти йўриқчиси Феруза Муҳамедова ва бошқалар қатнашдилар.

Кечада жумладан қуйидаги фикрлар билдирилди.

«Тилимзнинг равнақи бизнинг баркамоллигимизга боғлиқ. Тил билимидан хабардор, мустақил тафаккур қила оладиган, саводхон, кенг дунёқарашли авлодгина миллат қайғуси билан яшай олади. Миллатнинг ўзлиги бўлган тилимизни муқаддас ва бокира сақлаш орзуси билан яшайлик, курашайлик».

«Онг мустақил бўлмаса, миллат мустақил бўлмаса, тил мустақил бўлмаса — мустақиллик кемтикдир. 3 йил бурин тайёрланган қонун ҳозирги давр учун жуда мукаммал бўлмаса-да, ўз даври учун катта бир воқеа эди. Мустақиллик шу қонундан бошланган эди.

Ўзга миллат вакилларининг ўзбек тилини ўрганиши кўнгилли даражада эмас. Ўзбекистонда ҳамма ўзбек тилида гаплаша олиши, бу тилни билиши шарт. Аввало биз ўзимиз тоза, соф гапирайлик, иш юритишни ҳужжатларни тўлиқ ўзбек тилига ўтказайлик. Тилимизнинг ички имкониятларини тўлиқ ўрганишга ҳаракат қилайлик».

Шарофат ТОШМИРЗАЕВА,
ўқитувчи

●

Йўлдош Охунбобоев номидаги Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳининг енгил саноат факультетида шоира Нодирабегим таваллудининг 200 йиллигига бағишланган шеърият кечаси бўлиб ўтди. Кечада Тошкент давлат университетининг профессори, филология фанлари доктори Бегали Қосимов, шу институт чет тиллар факультети ўқитувчиси Феруза Умарова, шоира Фароғат Камолова Нодира ижоди тўғрисида сўз юритдилар, унга бағишланган шеърларидан ўқидилар. Талабалардан Р. Назаров, С. Асқархўжаева, М. Ғафурова, В. Аминова, А. Илюхина, З. Ершова, Н. Ан, Д. Аккужина ва бошқалар шоира ғазаллари билан айтиладиган қўшиқларни ижро этдилар.

Кечада шоира асарларини мактабларда, олий ўқув юртларида кўпроқ ўқиб-ўрганиш учун имкониятлар яратиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

●

Самарқанд давлат дорилфунунида адабиётшунос олим, академик Воҳид Абдуллаев таваллудининг 80 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Кечада шаҳар ҳокими Азиз Носиров сўзга чиқиб, бутун умри дорилфунун билан боғлиқ бўлган фидойи олим ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Кейин алломанинг севимли шогирдларидан профессорлар Б. Валихўжаев ваЖ. Ҳожиматов сўз олишиб, В. Абдуллаевнинг адабий-бадиий мероси ҳақида тўхталдилар. Ўзбек филологияси факультетининг ғазалхон қизлар В. Абдуллаев назмидан намуналар, устоз хотирасига битилган марсия ва шеърларидан ўқиб, унинг руҳини шод этдилар.

Кечада шоирнинг қариндошуруғлари ҳам иштирок этишди.

Кимё фанлари доктори Ш. Абдуллаев ўз падари бузрукворининг ҳаёти ҳақида тўлқинланиб гапирди.

Адабий анжуманда вилоят ҳокими П. М. Абдураҳмонов қатнашди. Кеча сўнггида дорилфунун қошидаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари қўшиқ ва куйлар ижро этдилар.

А. ЙЎЛДОШЕВ

Доимий ҳамроҳ

«ЎЗБЕГИМ»

Биз миллий туйғуларимизни яширишга, миллату иймон-эътиқодимиз, динимиз ҳақида қўрқа-писа гапиришга мажбур эдик. Чин Ватанимиз туриб, зўрма-зўраки тузилган бир ватанни куйлашга, юртим деб аташга, ўзни унинг фуқароси саналиш маҳкум эдик. Бу дунёга келиб топган энг аявли нарсаларимиз — Ватанимиз, миллатимиз, миллий туйғуларимизу иймон-эътиқодимиз, тилимиз тўғрисида эркин, озод, баралла айтишга қийналар, қўрқар, ҳадиксирар эдик.

Мустақиллик шарофати ила бунга эрк берилдики, бу бизга инъом этилган энг катта бойликдир. Шу эрк туфайли биз ўз халқимизнинг чин тарихини ўрганиш, ўзлигимизни таниш, миллий қадриятларимизни тиклаб, ўз халқимизга хос минг йиллик турмуш тарзимизга қайтиш ҳақ-ҳуқуқини олдик. Онгимизда, қонимизда яшаб келаётган миллий давлатчилик ғояси ҳақида баралла гапиришга журъат топдик, бир бутун давлат тузиб, тақдир шамоллари дунёга сочиб юборган ватандошларимизга қучоқ очиш ва улар билан қардошлик ипларини боғлаш ҳақида режалар тузмоқдамиз. Булар ҳаммаси руҳимизга кучқувват беради, эртанги кунимизга ишонч уйғотади.

Сиз бир гуруҳ ижодкорлар тайёрлаб, «Шарқ» концерни босмадан чиқарган «Ватан» сериясидаги «Ўзбегим» китобини варақлар экансиз, беихтиёр ана шундай тоза ҳисларни туясиз, бир бутун миллатга мансублик, узун тарих, бой мерос ва қадриятларга эга халққа томир-томирлари билан туташлик, муҳаббат ҳисларини англаб кўнглингиз товланади, миллий ғурур, ҳисларингиз уйғонади. Ўз ўтмишу-кечмишингизни билишга, Ватанимизнинг рост тарихини ўқишга бир чанқоқлик туғиладики, мажмуани тузувчилар ҳам шундай ният билан бу ишга қўл урганларини ва уни яхши уддалаганларини сезасиз.

Аввало, мажмуага материаллар жуда саралаб танланган. Унда кейинги йилларда Ватан мавзуида ёзилган бадиий бақувват шеърий туркумлардан қиссагача, эсседан дардли монологу суҳбатларгача, тарихий материаллардан ҳали номаълум ҳужжатларгача борки, барчаси бир-бирини тўлдиради, руҳий-маънавий бутунлик касб этади. Айниқса, мажмуанинг шакли-шамойили, рукнлари яхши топилган. Ҳар рукн, ҳар бўлимга машҳур «Ўзбегим»дан қўйилган эпиграфлар ўзига хос кавшар вазифасини ўтаганки, мажмуанинг руҳи, нияти, мусиқаси, оҳангини уйғунлаштириб турибди. Йўқ, китоб эркка, мустақиллика қасида эмас, биз бир бутун миллат ва давлат бўлиб бирлашувимиз учун курашлар тарихи, дарду армонларимиз, ватан, миллат дея жон фидо қилган буюк кишилар ҳақидадир. У Ватаннинг ўзига хос рост тарихини яратиш йўлидаги биринчи қадамдир, ортимиздан келаётган авлод билиши керак бўлган, титкилаб-титкилаб ўқиши лозим бўлган тарихлар, ҳужжатлар, материаллару манбалардир.

«Ўзбегим»да йигирманчи йиллардаги миллий озодлик ҳаракатига дахлдор энг сўнгги топилган ҳужжатлар билан бирга, шу ҳаракатнинг фаол қаҳрамони, мураккаб тақдирли ва характерли шахс Иброҳимбек ҳақидаги қиссани зўр қизиқиш билан ўқишингиз мумкин. Мажмуадаги «Юртим десам», «Ҳур фикр», «Мозийдан нур», «Миллат мунавварлари», «Армоним маним», «Чет нигоҳ» ва «Насабнома» рукнларида ҳам кўп дардли, қиммат-ли материаллар босилган.

«Ўзбегим» ўзини билган ва ўзлигини таниб бораётган, шу юрти ва халқини деб яшаётган ҳар бир ўзбекнинг хонадонига бир ёруғ нурдек кириб боришига ишончимиз комил.

Ҳилола ОЛИМОВА

«НУР УЛ-ЯҚИН»

Илк бора диний китоб ўқиганимда шоирнинг «Салла-ю тўнли куфр» деган сатрига дуч келганимда эсанкираб қолганман. Шу пайтгача шарқона кийинган, соқол-мўйловли, дўппи кийиб, намоз ўқийдиган ҳар қандай одамни мусулмон деб қисоблардим. Йиллар ўтиб англадимки, мени эсанкиратиб қўйган шоир ҳақ экан. Араб тилини сув қилиб ичиб юборган, Қуръонни ёд биладиган, ҳар бир ҳодисага битта ҳадис келтира оладиган, намозу рўзани канда қилмайдиган, гапга уста, бироқ ваъдасида турмайдиган, бировнинг ҳақидан ўнчалик қўрқавермайдиган, кибр ва ҳасадга қул бўлганлар ҳам кўп экан. Мавлоно Машраб бежиз: «Ботини фиръавну зоҳир авлиёларни кўринг», деб юбормаганлигига қайта-қайта амин бўлаяпман. Фақат овқат ейишни бошлаётганда «Бисмиллоҳ» дейдиган, қорни тўйгандагина «Алҳамдулиллоҳ» деб, кекирганда ё эснагандагина «Астағфируллоҳ» дейдиган одам ҳолатини кузатиш ўнчалик ёқимли иш эмас. Тўғри, ҳатто шуниям бажармайдиганлар бор. Бундайлар диннинг биронта шартига амал қилмайдилар, буни яширимайдилар, лекин «мусулмонман» деб даъво қилишдан ҳам тоймайдилар. Ҳар ҳолда гуноҳкор кимсанинг ўз қилмишидан сиқилиб пинҳона оҳ чеккани айбсиз одамнинг хўжакўрсинга қилган ибодатидан яхшироқдир.

Шундай хаёллар билан юрганимда дилга таскин берадиган ажойиб бир иш юз берди: Муҳаммад Ҳузарийнинг «Нур ул-яқин» («Чўлпон» нашриёти, 1992) номли машҳур асари китоб ҳолида чоп этилди. Таниқли адиб Эмин Усмон бу асарни диндорлар қувғин ва таъқиб қилинаётган, қамалаётган, ёппасига худосизлаштириш сиёсати юргизилаётган бир пайтда таржима қилди. Даврнинг кетишига қаралса, бу ишдан ҳеч қандай натижа чиқмаслигини биладиган, аксинча, Оллоҳдан мадад сўралса, яхши кунлар келишига ишонган ҳолда бу ишга қўл урди. Холис дуолар ижобат бўлди, бир иймонли ижодкорнинг — тақволи умматнинг расулуллоҳга бўлган муҳаббати сунъий тўсиқлар, балоларни даф қилди — «Нур ул-яқин» ўзбек тилида чиқди.

Диёримизда Қуръони каримнинг туркий тилимизга таржимаси ҳаётимизда жуда катта воқеа бўлди. «Нур ул-яқин»нинг пайдо бўлиши эса иккинчи улкан воқеадир.

Бу оддий солнома, чиройли таърифу тавсиф эмас, балки даъватдир. Пайғамбаримизнинг қилган ишлари, айтган сўзлари, феъл-атворлари баён этиларкан, ҳар бир маърифатли инсон ул муборак зотдан ўрнак олишга даъват қилинади. Расулуллоҳни яқиндан билмай туриб, у кишига муносиб уммат бўлиш мумкин эмас. Зеро, ўзинг танимаган одамга қандай қилиб эргашасан?

«Нур ул-яқин»ни ўқиб ўтириб, хаёлимдан шу фикрлар кечди. Мутолаани тугатган чоғимда ичимда бир нима узилгандек бўлди. Ўйлаб кўрсам, бу узилиш эмас, балки мудроқ ётган қалб кўзининг катта очилиб кетгандаги ҳолати экан.

Сўз сўнгида беҳад меҳрибон ва раҳмлилиги учун Оллоҳга ҳамду сано айтаман, Муҳаммад алайҳиссаломга салавотлар ўқийман, асар муаллифи Муҳаммад Ҳузарий домлани, таржимон ҳожи Эмин Усмонни дуо қиламан.

Аъзам ЎКТАМ,
нашриёт бўлим мудири

БАРДОШ ВА ИШОНЧ

Китобингизни ўқидим

Барот Исроилнинг «Настарин» номли шеърлар ва достонлар китобини ўқиркансиз, шоирнинг ишонч билан яшаб, она тупроғининг обод бўлиши учун умри ва меҳрини бахшида этмоққа шайлигига ишонасиз. У Ватаннинг ҳар бир гиёҳидан гўзаллик қидиради. Даштларини кўриб, бўзтўрғайдек бўзлайди. Далаларини кезади. Заҳматкаш ўзбек деҳқонининг бир умр ишлаб «Битмас ишлар»ни ниҳоясига етказолмаганидан, «Эллик йил пахта экиб» косаси оқармаганидан, «Андиша» қилиб, кўп нарса ютқазганидан ачинади. Бироқ шоир бардош билан:

Бу дунё марҳаматни ҳеч кутмагайман,
Озорини, заҳматини унутмагайман.
Фақат чеккалаб қўйманг, қўрқоққа йўйманг,
Ишим битмай, дунёдан мен кетмагайман —

дейишга ҳақли сезади ўзини.

Сен, сен! Қодирийни жувонмарг этдинг,
Қон қусди дастингдан Усмон Носир ҳам.
Файзуллони сотдинг, Акмални сотдинг,
Ҳамон орамизда юрибсан мубҳам.

Инсонларга инсонларча муомалада бўлишни шоир ўзининг энг олий бурчи ҳисоблаб, илтимосларни ерда қолдирса, нажот кутиб интиқ бўлганларга ёрдам қўлини чўзмаса, қора тортиб келганларга ён босмаса, кўнгли сиёҳ бўлиб, дили эзилиб, азоб чекади:

Инсонлигим, олий бурчим бу,
Одамларга ҳамдардман токи —
Ҳаётдурмен, кўз юмсам мангу,
Ҳамдард бўлгай шеърим ҳаттоки.

Бугунги кунда мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон Республикасини қандай бўлмасин оёққа туриб олишига, ҳар бир аҳлоди ўз улушини қўшиш учун бел боғлаши зарурлигини шоир ўзининг «Кўнгиллар тоғдай бугун» шеърида шундай ифодалайди:

Дахлсиз Ватан учун, ўзбегим, ўзни чоғла,
Кўп эрур машаққатлар, курашга белни боғла,
Тайсаллаш вақти эмас, тарафдорнинг сўроқла,
Армонли кўнгиллар ҳам тоғ қадар ўсар бугун,
Боболар босган изин фарзандлар босар бугун.

Ҳа, бугунги мураккаб давримизда барча мушкул ишлар фарзандлар елкасида. Улар улуғ боболарнинг йўлини тутишга — от изини той босишига шоир ишонади. Мустақил Республикамизнинг навқирон авлодлари орасидан Широқ, Тўмарис, Муқанна, Амир Темур, Торобий, Улуғбек, Навоий, Чўлпон, Қодирий, Файзулла сингари буюк сиймолар етишган шу она тупроқда улуғ ишлар қилинишига умид боғлайди.

Ижодкорнинг биз фикр юритаётган «Настарин» номли китоби мўъжазгина бўлса ҳам уни кичик бир сайланма дейиш мумкин. Дастлабки «Гўзалликни кўзим соғинар» бўлимида она юртига, халқига, табиатига қарата ўз меҳр туйғусини изҳор этган шоир Туркистон халқларини беш оғайни ботирга ўхшатади, уларнинг қадимда бир отанинг боласидай иноқ бўлганлигини эслатади. Яна тотув бўлиб бирлашишига ишониб, Туркистонда ажойиб бир тонг отаётганини мадҳ этади.

Камолот зинапоясига қадам қўйган ижодкорнинг етилиши унинг туркум асарлар ёзиши билан изоҳланади. Дарҳақиқат «Ёшлик хотиралари» туркумида Б. Исроил ўз болалигини эсларкан, болалигида ўйинчоққа ҳам ёлчимаганлигини афсус билан сатрларга жойлайди. Уруш йилларида қорни нонга тўймай, очарчиликни бошидан кечирган бола:

Кафтим тўлса қўғирмочга,
Ярим кўнглим тўлар эди,
Дўппим тўлса қўғирмочга,
Дея орзу қилар эдим —

деганда иккинчи жаҳон уруши машаққатлари, озиқ-овқат, дон-дун вагонларга юкланиб, жангга жўнатилиб, хирмонда чангу гард ютиб қолаверган одамларнинг аччиқ тақдири хотирланади. «Ютавериб чанг, гардни, орттирдик ушбу дардни», дейди чошни тайёрлаган деҳқонлар.

Ҳеч бир қалам аҳли йўққи, муҳаббат мавзуини чеккалаб ўтган бўлсин. Худди шундай Барот Исроил ҳам: «Тушунтирай сенга қай тилда, қайси тилда сўзлайин ишқни» дейдию, «Нилуфардек яна кулди ой, мен уни узмоқчи бўламан» дея, ойдин кечалари бедор юриб, тўлин ойни нилуфар гулидек ўз севгилисига тақдим этишни хоҳлайди.

Барот Исроил ижоди ҳақида фикр юритганда унинг қўшиқлари ҳақида сўз айтмаслик адолатдан эмас. Шоирнинг жуда кўп шеърлари қўшиқ бўлиб аллақачон санъат мухлисларининг маънавий мулкига айланган Улар «Тулпорларим», «Настарин», «Менинг айтганларим», «Эй, она юрт», «Тингла диёр» ва бошқа ажойиб тароналардир. «Алёрларим» бўлимини мутоала қиларкансиз:

Боғларда сернаво сайроқи қушлар,
Деманг фақат гулни севиб олқишлар,
Улар гулга муштоқ кўнглимни хушлар,
Демакки улар ҳам
Менинг қўшиғим, —

дейишга шоир тамоман ҳақли эканига ишонасиз. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, шоирнинг бундан ўн йил бурун «Ҳарна мушкул бўлса буюр, Баротинг ёнингдадир. Эй, онаюрт, бир ишоранг кутади муштоқларинг» деб ёзганида Ватанининг мустақиллигини орзу қилмаганмикан... Дарҳақиқат, даврмиз яшин тезлигида олға қараб кетмоқда. Биров замон билан юзма-юз бораётган бўлса, бировлар ҳамон орқада судралиб қолиб, давр ғилдирагини ортга айлантирмоққа жазм этар...

Юқорида айтганимдек, шоирнинг яна бир туркуми борки, у «Қрим афсоналари» деб номланган. «Достонлар» бўлимига кирган «Йиғлаётган тош» ва «Илон каромати» афсоналари қрим татар халқининг аянчли тақдирига, ватандан жудолигига, ҳатто, тарихий обидалари ҳам оёқ остига қилинаётганига ҳамдардлик асосида ёзилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, «Настарин» китобини ўқиб, ижодкорнинг ютуқлари тўғрисида фикр юритдим. Зеро, яхши ниятли киши ҳамиша хайрли ишнинг тўкис томонига қараб қувонади. Ундан завқланади. Ўша кўзини, дилини қувонтирган жиҳатини гапиради. Мен ҳам бир китобхон сифатида шундай йўл тутдим. Албатта, китоб нуқсонсиз ҳолат эмас. Айрим шеърлар ўз хизматини ўтаб бўлганлигини айтиш кифоя.

Раҳимберди УМАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги аспирантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— маданий-маърифий ишлар назарияси, услубияти ва уни ташкил этиш;

— кутубхонашунослик ва библиографияшунослик.

Ҳужжатлар 1992 йилнинг 30 ноябригача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: 7000164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 3-сектор, 127 а-уй.

Телефонлар: 62-88-52, 62-04-63, 62-03-23.

«ЭРК» ГАЗЕТАСИ МУШТАРИЙЛАРИГА!

Газетага 1993 йил учун обуна бўлиш 25 ноябргача чўзилди. Севган газетангизда ўзингиз ўқитирган ва қизиқкан мақолаларни ўқимоқчи, «Эрк»ни энг яқин ҳамсуҳбатингизга айлантирмоқчи бўлсангиз, газетага обуна бўлинг. «Эрк» сизга самимий суҳбатдош бўлишга ҳаракат қилади. Газетани келгуси йил фақат обунада мунтазам ўқишингиз мумкин.

Бир йиллик обуна баҳоси 156 сўм, олти ойга — 78 сўм.

ОБУНА КЎРСАТКИЧИ: 64573.

«ЭРК» ҲАФТАЛИГИ МУҲАРРИРИЯТИ

ЯНГИ УЮШМА

Аёлларнинг «Адолат» уюшмаси ташкил топганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. — Уюшманинг асосий мақсади хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, меҳр-оқибатга муҳтож шиқаста қалбларга маънавий кўмак бериш, ногиронлар учун маданий ҳордиқ имкониятларини вужудга келтириш каби қатор савобли ишлардан иборат, — дейди уюшма раиси Раъно Йўлдошева.

Уюшма фаолият дастурида шунингдек яслн-боғча ва мактаблардаги ўғил-қизларимизнинг солиҳ ва солиҳаларлар бўлиб етишишларида тарбиячи ва муаллималарга яқиндан кўмаклашиш тадбирлари ҳам кўзда тутилган.

Уюшма азалдан меҳри дарё ва саховатпеша фуқаролару корхоналар раҳбарларига мурожаат қилиб, моддий-маънавий мурувватга муҳтож аёлларимиз турмушини яхшилаш, оғирларини енгил қилишда мадад кўрсатишларига умид билдиради.

УЮШМАНИНГ БАНКА ҲИСОБИ: 608015.

Ўзбекистон қурилиш-саноат банки.

Код 172682310

АБДУРАЗЗОҚ ОБРУЕВ
ЧОЙХОНАМИЗ МЕҲМОНИ

БОЗОРОВЛАР СУЛОЛАСИ

Бундай ҳамалаб кўрсак, сулола аъзоларининг кабобпазликдаги умумий фаолияти 156 йилни ташкил этар экан. Бу бир ярим асрдан ҳам кўп деган гап. Афсуски, ана шу йилларда тайёрланган кабоблар сонини санаб чиқишга чўтки чўт, ҳисоблаш техникаси ҳам қодир эмас. Барибир улар ҳам янглишади. Ўтган вақт мобайнида қанчадан-қанча одамлар гўштидан нони кўп кабобларни тановул қилишиб мамнун бўлишди. Бу ердаги кабобдан еб шифохоналарда ётиб чиққанлар ҳам йўқ эмас. Албатта, бу тўғрисида ҳужжатлардан аниқ маълумотлар олишимиз мумкин эди. Аммо бунинг зарурати йўққа ўхшайди. Чунки ҳозирги ўта иштаҳали хўрандаларнинг ўзлари ҳамма нарсадан воқиф.

Бердибой Бозоров умр йўлдоши Хонпошшаой билан ҳам шу кабобхонада танишди. Хонпошшаой пиёз тўғраш цехида ишлар эди. Улар ўртасидаги самимий дўстлик бора-бора кўмир чўғидек аланга олди. Узоқ муддат товланди, сўнг пишиб етилди. Кейин эса кабоб... э, узр, оила пайдо бўлди. Ҳозир уларнинг фарзандлари Теша, Болта ва қизлари Қўзинисолар ҳам ота-оналари билан ёнма-ён тер тўкишмоқда.

— Яқинда ўғлим Болтабой чандир кабоб тайёрлашни кашф этди, — дейди сулола бошлиғи Бердибой Бозоров. — Ҳадемай хўрандаларимиз ана шу чандир кабобдан баҳраманд бўладилар. Яна битта сирни айтиб қўяй: чандир кабоб фақат валютага сотилади.

Кимки Бозоровлар сулоласи тайёрлаган кабобдан емаган бўлса, демак, ҳали дунёга келмабди. Ярмаркадан ўтаётганингизда қулоғингизга:

— Кеп қолинг, еб қолинг, қўлбола кабоб, тандир кабоб! — деган сўзлар чалинса, сира бепарво ўтманг! Бу жой Бозоровлар сулоласининг кабобхонаси. Бир кириб ўтинг! Кабоб егандай бўлмасангиз ҳам, унинг ёқимли ҳиди димоғингизда қолади. Бунга нима етсин!

Кабобхўрлар Бозоровлар сулоласини чин дилдан ҳурмат қилишади. Сулола бошлиғи Бердибой Бозоров дастлаб ишга келганига ҳам ўттиз йил бўлди. У кабобхона остонасига қадам қўйганида эндигина 17 ёшли йигитча эди. Ёш кабобпаз учун орадан ўтган йиллар чинакам камолот даври бўлди. Тиришқоқ ва меҳнаткаш йигит кўп ўтмай пазандаликка оид барча сирларни ўзлаштирди. Оддий шогирдликдан бош кабобпазликка кўтарилди. Шу ерда обрў топди, қорин қўйди. Кабобпазлар анжуманига делегат бўлди. Ҳозир Бозоров бошқараётган кабобпазларга тенг келадиган жамоа шаҳри азимда бошқа топилмаса керак. Уларнинг 15 аъзоси аллақачон вақтдан ўзиб кетишган. Биров мушугини пишт демаган. Пазандалар шу кунларда 1995 йил ҳисобига кабоб пиширишмоқда. Агар гўшт мўл бўлганида бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришган бўлишармиди? Афсус...

— Сулоламиз орасида акам Халил ва укам Жалилнинг ҳам ўғил-қизлари бор, — дейди Бердибой Бозоров фахр билан.

МУАММОШУНОС

Биз Мирали акани домулла деб атаймиз. Домулла деганимизча бор ўзиям. Бизнинг камчиликларимизни айтиб, йўл-йўриқ кўрсатиб туради. Айниқса, адабиётни яхши тушунади. Менимча, у жуда кўп ўқийди. Кўп ўқиган кўп билади-да, ахир! Баъзан тушунмаган нарсаларимизнинг маъзини чақишда у кишидан маслаҳат олиб турамиз.

Яқинда бир шоирнинг бир шеърини ўқиб, очиғи, маъносига унчалик тушунмадим. Ёрдам сўраб домуллага бордим. Шеърни ўқиб берганимдан сўнг у киши тушунтиришга тушди:

— Беайб парвардигор деганлар. Ҳаммамизнинг ҳам айбимиз, хатомиз бор, укам. Ўқиган шеърингизда шоир хато қилибди. Мен ўзим бир вақтлар қарқуноқ боққанман. Яхши биламан, у ўз тухумини емайди. Қайси қуш экан ўз тухумини ейдиган? Ҳм... Ҳалиги... Бир қуш бор эди, сабил қолгур эсдан чиқди. Шунақа, укам, қарқуноқ ўз тухумини емайди. Бунинг устига шеърдаги гаплар — бор гаплар. Ҳозир одамларга тўғри гап ёқадими? Шоирга ҳам ҳайронман, нима қилади унақа деб ёзиб?

Укам, сиз йўқ гапли шеърлардан кўпроқ ўқинг. Шунда фойда қиласиз. Бу туришда узоққа бормайсиз. Менинг бир одатим бор: кишининг камчилигини шартта юзига айтаман, хафа бўлмайсиз. Шу кунларда шеър ўқиб қорнимни тўйғазаман десангиз, очингиздан ўласиз. Бу иқтисодга каллангиз етмаслиги ёмон экан-да.

Шундан сўнг бошқа гапингиз бўлмаса, сизга жавоб, дегандек домулла менга қаради.

— Вақтингиз бўлса, тоза ҳавода бир айланиб келсак, — деб таклиф қилдим.

— Айланишдан кўра, укам, бир варақ ўқиган фойда. Ўқишим лозим бўлган китоблар анчагина, — деб домулла истули устида юзинчи бети очиқ турган «Сиёсий иқтисод» дарслигига ишора қилди.

Хайрлашиб чиқиб кетдим.

Бир куни шунчаки суҳбатлашиш учун домулланинг хонасига кирдим.

— Э, келинг, укам, келинг, — деб қарши олди домулла.

— Келдик, ака.

— Яхши қилибсиз, укам, яхши. Ўзимнинг ҳам кимдир келади, деб кўзим учиб турувди, — дея домулла гапга тушиб кетди. — Мановиларни ўқиб, бошим қотиб кетди, — у даста-даста китобларга ишора қилди. — Бирортасида ҳам мени қизиқтирган муаммоларга жавоб йўқ. Муаммолар эса ачиб ётибди. Эшитинг.

Ҳар куни ишга кеч қоламан. Сабаби, одам кўп, оёқ улов кам. Бошлиғимиз: «Маданиятли кийи ишга вақтида келиши керак», дейди. Мен: «Маданиятли кишида улов бўлиши керак», дейман. Бошлиғимиз навбатда биринчи ўринда турганимга ишора қилиб, «Ўрисия мошин бермаётган бўлса, мен сизга қайси гўрдан топиб берай?» деб тепа сочи тикка бўлади.

Шу муаммога бошлиғимизнинг боши етмаяпти, китобларда эса жавоб йўқ. Калламга бир фикр келди. Бизда нима кўп, эшак кўп, арава кўп. Арава бўлганда ҳам қуруқ арава. Шундан улов сифатида фойдаланиш керак. Аравага эшакни қўшиб, бир аравакашга топширилса, бас! Уч-тўрт киши чордона қуриб ўтириб олиб, манзилга тезда етиб олишади. Бензин деб бош қотиришнинг кераги йўқ, чиптанинг ҳам нархи кўтарилмас эди. Агар бошқа жойлардан ҳам эшаклар топиб келишнинг иложи бўлса, зўр бўларди-да. Аравачинг ҳам йўлини қилиш мумкин. Ўзимиздаги ишсизларга ҳам юмуш топиларди — улар аравакаш бўлишарди.

Биласизми, укам, бизда ер қимирлаш одат тусига кириб қолди. Ер ўзи нимага қимирлаяпти? Билмайсизми? Бу ҳақида китобларда ҳам аниқ ёзилмаган экан. Аммо мен тагига етдим. Газлида газ бор деб, Мурунтовда нималарнидир қидиришиб кимлардир еримизнинг тагини кавлашди. Ҳадеб кавлашавергач, қимирлайди-да!

Булар иқтисодга оид гаплар. Энди икки оғиз ижтимоий муаммолар тўғрисида.

Илгарилари эр-хотин ажрашса, олдин уришарди, жанжаллашарди. Хуллас, бирор сабаб бўлар эди. Энди бўлса фарзандларини «Болалар уйи»га бериб, бир-бири билан уришмай, аҳил-иноқ ажрашиб кетишяпти. Бундай ажрашишнинг қизиғи йўқ. Биттаси ана шу муаммо атрофида айланиб, нималардир ёзибди. Бироқ, тагига етолмабди...

Муаммолар тўлиб ётибди, китобларда эса жавоб йўқ.

Шу пайт домулланинг истўли устидаги «Сиёсий иқтисод» дарслигига кўзим тушиб қолди. Ҳамон унинг юзинчи бети очиқ турар эди...

ЎЗИНГИЗ УЙҒОТИНГ

Эй, донолар, зеболар,
Еримни уйғотинглар.
Н. Нарзуллаевнинг
«Еримни уйғотинглар»
шеъридан.

Ишлари кўп уларнинг,
Вақтин олманг гап отиб.
Ерингизни ўзингиз
Ола қолинг уйғотиб.

ТЕГИБ КЕТАЙ ЖОНИНГГА

Боравериб ёнингга, тегиб
кетай жонингга.
(Қўшиқдан).

Ёқаманми, ёқмайман,
Деразангни қоқмай ман
Киролмасам эшикдан,
Кириб боргум тешикдан.
Ё девордан ошаман,
Сенга томон шошаман.
Бир пас кутинг десанг ҳам,
Ўлинг, кетинг, десанг ҳам,
Пашша бўлиб ошингга,
Учиб боргум қошингга.
Ташна қилиб қонингга,
Тегиб кетай жонингга.
Атрофингда хираман,
Уйларингга кираман.
Майли, аканг урса ҳам,
Кимдир лабин бурса ҳам.
Эшигингда пайдоман,
Шилқим дема, шайдо ман.
Ёқаманми, ёқмайман,
Деразангни қоқмай ман.
Киролмасам эшикдан,
Кириб боргум тешикдан.

ҲОҲЛАСАМ

Агар хоҳласам ҳозир
катта кўчадаги таниш қизларни музқаймоқ билан сийлайман.

Ҳайитбой Абдусодиқнинг
«Мажбурий эркинлик»
шеъридан.

Агар хоҳласам, ҳозир
товуғимни сўйиб ейман.
Чой ичиб, қорним силаб,
Яшаш қандай яхши
дейман.

Агар хоҳласам, ҳозир
иштон билан югураман.
Қўлга олиб ўзимни
ҳар нарсага улгураман...

БАРИБИР ТАНИЙМАН

Аъзамнинг ҳикояси

Бир куни Яшар Қосимов билан Самарқанд вилоятига сафар қилдик. Тошкент автошоҳбекатида автобусга миндик. Автобусда Яшар Қосимов:

— Аъзамжон, Баҳодир Мурод Али деган йигитни танийсизми? — деб сўраб қолди. Мен:

— Танийман, андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади, — деб жавоб қилдим.

Орадан бир пас ўтгач, у кўзини юмиб олди. Уйқуга кетди. Жиззахга етгач, уйғонди. У ёқ-бу ёққа қараб сўради:

— Аъзамжон, Баҳодир Мурод Али деган йигитни танийсизми?

— Танийман, андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади.

Шу билан Самарқандгача гаплашмадик, у яна мудраб кетди. Самарқандга етгач, яна шу саволни берди. Жавоб қилдим. Хуллас, Қатқўрғонга етгунча яна бирнкки марта сўради. Манзилимизга етиб бориб жиндак дам олдик. Уйнинг эгаси билан қиттак-қиттак отишгач, Яшар чайқалиб сўради:

— Аъзамжон, Баҳодир Мурод Али деган йигитни танийсизми?

Роса жаҳлим чиқди. Елкасидан олдим:

— Яшар, — дедим, йигирма марта сўрайсанми, юз марта сўрайсанми, барибир танийман: андижонлик, дўппи кийиб юради, ҳикоялар ёзади...

САЛОМ ГАДОСИ

Соҳиб Қодирович бир куни мени хоналарига чақириб қолди. Тўрдаги курсида бир парча қоғозга тикилганича ўтирган экан.

— Чақиртирган экансиз, — дедим кирганимни билдириш учун.

У киши секин бошини кўтариб, кўзойнагининг остидан менга қаради.

— Нима ишлар қилиб юрибсиз?

— Шу, зиммамдаги ишларни бажариб юрибман.

— Мен сиздан буни сўраётганим йўқ. Нега, эрталаблари кириб салом бермайсиз? Раҳматли Тўхташ акага салом берардингиз. Ҳамма бошлиқларга бир кўз билан қараш керак-да!

Нима дейишимни билмай бошим қотди.

— Боринг, бошқа такрорланмасин.

Эртасига автобус тиқилинч бўлгани учун бир оз кечикиб қолдим. Соҳиб Қодировичнинг хоналари олдида ўринбосарлари турган эканлар. Бошлиқнинг эшиги киёл очиқ. Бошлиқ ўринбосарига:

— Ассалому алайкум! — дедим. Ҳали у киши алик олишга улгурмай ичкаридан:

— Ваалайкум ассалом, — деган овоз келди.

Рассом Ю. ШОКИРОВ

МЕНИНГ ДАДАМ...

— Менинг дадам шаҳарга томошага олиб борадилар, — деб мақтанди Зоҳид Ойбекка,

— Менинг дадам кеча ҳайвонот боғига олиб бордилар, — деди Ойбек.

— Менинг дадам катта бўлсам мошин олиб берадилар, — деб бўш келмади Зоҳид.

— Менинг дадам велосипед олиб бердилар, — деди Ойбек ҳам.

— Менинг дадамлар биласанми ким? — деб сўраб қолди Зоҳид тўсатдан.

— Йўқ, билмайман, — деди Ойбек.

— Билмасанг, билиб қўй, менинг дадам депутат...

«ЧЎНТАК ШЕЪРЛАР» ШИРКАТИ

ХАБАР

Бозорда совин, бетон деворга қоқиладиган мих сотиб кун кўриб юрган Ашир Очарчи яқинда «Чўнтак шеърлар» ширкати очди.

Энди унинг ўзи маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлди. Савдода ўзбекча ёзув машинкалари пайдо бўлгач, ишлаб... сотиб топган жамғармасидан кўз юмма қилиб битта машинка олди-да, ижод қилишга шўнғиди. Кўчага қараган деразаси тепасига ўзбек ва ўрис тилларида «Чўнтак шеърлар дўкони», «Киоска карманних стихов» деб каттакатта ҳарфлар билан ёзиб қўйди.

Ширкатга ўзи раҳбарлик қилмоқда. Хотини Холпошша Очарчи шахсий котибаси. Харидорлар турли мавзуларда шеърлар буюртма қилишлари мумкин. Бунинг учун Холпошшога учраб, қандай, қанча, қачон шеър кераклиги тўғрисида ёзма равишда буюртма берадилар. Ашур Очарчи буюртма ўз вақтида сифатли бажарилишига кафолат беради.

«Чўнтак шеърлар» ширкатига марҳамат қилинг!

ШАҲАР

Ён қўшнингни таниш йўқ,
Ўзинг севган хониш йўқ,
Таъсирланиш, ёниш йўқ,
Қандай макон бу макон?

Ҳар қадамда рестарон,
Кўз қисиб турар жонон,
Чўнтаклилар бунда хон,
Қандай макон бу макон?

Меҳмон сиғмай уйингга,
Жой топилмас тўйингга,
Бола тўймас ўйинга,
Қандай макон бу макон?

Ён қўшнингни таниш йўқ,
Ўзинг севган хониш йўқ,
Таъсирланиш, ёниш йўқ,
Қандай макон бу макон?

НАҲОТКИ, АЙБДОРЛАР ЙЎҚ?

Ҳафталикнинг шу йил 16 октябр сонида босилган «Айбдорлар йўқ» деб номланган мақолани қизиқиш билан ўқидим. Кейин эса негадир менда нохуш кайфият уйғонди. Ва ўйлай-ўйлай шу хатни ёзишга қарор қилдим. Мақолада учта воқеа келтирилади, лекин жавобгарлар йўқлиги айтилади. Наҳотки бир аёлнинг ўлимининг бош сабабчиси бўлган дўкон мудири, уйида фоҳишахона очган аёл, ўз оиласи ва М. лар оиласининг бузилишига сабабчи бўлган С. жавобгар бўлмаса?

С. ҚОДИРОВА,
Самарқанд вилояти, Каттақўрғон тумани

●

Ҳурматли муҳарририят!

Сизларга ушбу мактубни «Айбдорлар йўқ» мақоласининг «қаҳрамон»ларидан бири М. йўллаяпти. Гап шундаки, мен мақола чиқса, бироз аҳволнинг яхшиланишига ёрдам берар, эрим ўз хатоларини тушуниб болалар ҳамда менга бўлган муносабатини ўзгартирар ва энг асосийси мутасадди ташкилотлар менинг ҳаётимга бунчалик бефарқ қарамас деган ўйда эдим. Афсуски, нотўғри ўйлаган эканман. Мақола чиққандан сўнг ҳам ҳеч нарса ўзгармади. Балки аҳвол яна ҳам ёмонлашди. Эрим ва С. ўз уйимда яшашимга ҳам йўл қўйишмаяпти. Бундан ташқари уйда яшаш учун умуман шароит йўқ. Чунки зарур бўлган энг оддий нарсалар — қозон, коса-товоқ, музлатгич, телевизор ва бошқа майда-чуйдаларни ҳам эрим С.нинг уйига олиб кетиб қолган. Ҳатто болаларимнинг (болаларини) велосипедини ҳам. Мутасадди идоралар эса буна бефарқ томошабин бўлиб қараб турибди. Судга, ички ишлар бўлимига мурожаат қилавериб чарчадим. Улар бу воқеанинг фожиа билан тугашини кутаяпти, шекилли. Умуман, тумандаги айрим ташкилотларда инсон ҳаётига муносабат жуда ёмон аҳволда. Масалан, мени С. уриб оғир тан жароҳати етказган эди. Лекин туман касалхонасидагилар енгил тан жароҳати олган деган диагноз қўйишди. Ваҳоланки, мана икки ойдан ошиб кетдию, мен ўша «енгил тан жароҳат»дан қутула олмайман. Мен кейин даволанган Сирдарё вилояти, Оқ олтин туманидаги «Фарғона» давлат хўжалиги касалхонасидаги врачлар эса миям чалқиганини айтишди. Ва ҳозиргача ҳам касаллигим туфайли ишга туша олмаяпман.

Менга ёрдам беринглар. Тумандаги мутасадди ташкилотлар, ҳеч бўлмаса, ўз уйимда тинчгина яшашим учун шароит яратиб беришсин.

●

МУҲАРРИРИЯТДАН: мақола эълон қилингандан сўнг кўплаб газетхонлардан мактублар келди. Уларнинг асосий қисмида биринчи хатдаги С. Қодированинг саволи қўйилган. Наҳотки айбдорлар йўқ бўлса, деган фикр билдирилган.

Кўрининг турибдики, айрим газетхонлар мақолада қўйилган масалани чуқур тушуниб етмаганлар. Айбдорлар йўқ дейилганда юқорида тилга олинган кишилар айбдор эмас деган фикр билдирилмаган, балки бугунги қонунларимизнинг номукаммаллиги айтилган. Улар жиноят қилган бўлса-да жавобгарликка тортиб бўлмаслиги тилга олинган. Бир аёлнинг ўлими сабабчиси бўлган дўкон мудири ҳам, фоҳишахона очган аёл ҳам, С. ҳам айбдор. Фақат қонун уларни айбламайди. Лекин виждон азобида яшашга мажбур улар.

Ушбу мактубларни эълон қилишдан мақсад Комсомолобод туман ҳокимияти, суди ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг эътиборини яна бир бор можорога қаратиш. Ўйлаймизки, бу онлавий жанжал тезроқ ижобий ҳал этилади.



Рассом И. ЗОИРОВ

ЙИҒЛАМАНГ, МАРИАННАХОН!

Оҳ, Марианна! Юрак-бағримни қон қилдинг-ку! Намунча йиғлайсан! Ахир шунча бойлик билан мазза қилиб яшасанг бўлмайдими? Атрофингда хизматкорлар, оёғинг остида машина, иккита ҳовлинг бор. Эринг топармон. Қайнана, қайнатанг 18 йиллаб саёҳатда юришади, сенга ғиди-биди қилишмайди. Сен таққан тақинчоқларни биз тушимизда ҳам кўрмаймиз.

Яна кўз ёши тўкканинг тўккан. Эҳ, Марианна, сенинг ҳусни-жамолингга, пардозандозингга қараб ҳавасим келади. Упа-эликка ҳам катта пул сарфласанг керак. Биз эса ҳатто қўл ювишга кир совун тополмаймиз.

Марианна, сен қанчалик бахтиёрлигингни ўзинг ҳам билмас экансан. Бирор кун туриб уй супурганингни, кир ювганингни, хамир қорганингни кўрганимиз йўқ. Бизга ўхшаб таппи ёқиб, ўчоқда дудга сасиб овқат пиширмайсан. Эрталаб турсанг ошпазинг нонушта тайёрлаб қўяди. Яна ноз-фироқ... Шундай ширин овқатларни емайсизлар-а. Кофе, шарбатлар шундайгина қолиб кетади. Эсиз, эсиз. Бизга ўхшаб ойлаб шакарга зор бўлганингизда бунчалик исрофгар бўлмас эдингизку-я. Ҳатто ошпазинг Мария ҳам биз қилган ишнинг мингдан бирини қилмас экан. Овқат пиширади, холос. Биз-чи, эрта биландан югур-югурга тушамиз, то кун ботгунча. Қиладиган ишларимизни айтсам, ҳушингдан кетиб қоласан ёки яна жиннихонага тушишинг мумкин. Хуллас, саккиз соат ишлаб келиб сени ҳамма хизматкорларинг қиладиган ишни қиламиз. Бунинг устига томорқага қараймиз, мол боқамиз, сиғир соғамиз. Айниқса, пахта териб келганингдан кейин қўл ювишга юрагинг безиллайди. Чунки қўлларинг тилиниб, ёрилиб кетган бўлади. Аммо парво қилмайсан. Чунки вақт йўқ. «Меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат». Сен, бекорчиликдан кўп ўйлайсан, ўзингни азобга қўясан. Ундан кўра ишла. Шу битта болангни совға қилиб юборганингга шунча куйиб ўтирибсанми? Э, мен нечтасини биламан «боламдан воз кечаман», деб, тилхат ёзиб чақалоғини ташлаб кетганларни. Бирортаси жинни бўлгани йўқ. Яна уларнинг ҳеч кимга гап бермаганига ўласанми?

Агар мен сенинг жойингда бўлсам, ўнта туғардим. Болани кўп бўлгани яхшида. Қимматчилик бўлмасайди-ку ўзим билардим...

Марианна, сан кўп ношукур бўлма. Ношукурлик ёмон. Бизга ўхшаб ҳар куни газ пойламаганингга, магазинга ун, ёғ учун навбатда турмаганингга, пирмисда чой қайнатмаганингга шукур қил. 40 даража иссиқда далада кетмон чопиб, қайтишда бир елкангда кетмон, бирида молингга ўт кўтариб келиб, тандирда нон ёпсанг, билмадим, нима қилар экансан?!

Аслида ўзингдан ҳам айб ўтди. Ёш келин, ётоқхонангга Леонардони киргизиб нима қилардинг? Яна унинг қучоғига йиқилганингга ўлайми? Йиқиладиган бошқа жой қурувдими? Урф-одатларимиздан айланай, мусулмончиликда ёлғиз аёл олдига эркак киши кирмайди! Ана ундан кейин эринг сенга ишонмай қўйди. Булар нима қилиб ётибди, деб ўйлади-да...

Энди сен Луис Албертога айт. «Бето икковимизнинг ўғлимиз, билмай совға қилиб юборганман», де. У сени яхши кўради, албатта кечиради, Падарлаънат Сараям кейин тинчийди. Тезроқ айта қол, йиғлайверіб жигар-бағримни хун қилдинг-ку!

Бўлди-да энди, Марианна, сендай бойлар йиғласа камбағаллар нима қилсин?

Маҳбуба ХОЛОВА

ЁМҒИР

Бувим агар ёмғир ёғса,
«Оби раҳмат», дейдилар.
Ойим эса: «Отанг тоғда,
қолди,— Аҳмад», дейдилар.

Ёмғир чалиб ноғора
Савалайди ҳовлини.
Ариқ тошиб тобора
Қоплаб олар овулни.
Ҳайронман-ей, ҳайронман,
Шундай баланд осмонда
Ёмғир қандай турарким,
Ақлим етмас, ёшман-да.
Дадам қайтар чопони
Жиққа сувга ботганча.
Ойим қойиб турарлар,
Эшитаман ётганча.
Ёмғир бўлса эринмай
Ёғаверар шар-шар.
Энди ҳовлимиз, тавба,
Катта қозонга ўхшар.

ОМОН-ОМОНЛИК БЎЛДИ

Сув юзида барг оқар
Барг юзида чумоли.
Бечора ҳайрон боқар:
Не кечар энди ҳоли?
Оғзида нон ушоғи
Маҳкам тишлаб олган у.
Парвойи палак бўлиб
Ўз йўлидан оқар сув.
Югурар ўнг, чап томон
Тўлқин тўш урган чоғи.
Қандай қутулиб қолсин —
Оғзида нон ушоғи.
Барг ёнида бир осмон,
Оқар эди ёнма-ён.
Илайниб олгач унга
Қолди чумоли омон.
Сомон чиқди қирғоққа,
Бир учида чумоли.
Омон-омонлик бўлди
Хатардан, хавфдан холи.

ИСМИ САНЖАР ЎШАЛ БОЛАНИНГ

Тишлари оқ гуруч донаси,
Кулгиси — гул дурдонаси.
Икки юзи қирнинг лоласи,
Исми Санжар ўшал боланинг
Ингисидан дурлар думалар,
Қиқир-қиқир булоқдай кулар.
Ухламасдан онасин қийнар,
Исми Санжар ўшал боланинг.
Беланчакда ётар эрталаб,
Алла айтар буви эркалаб,
Умри узоқ бўлсин — бир талаб,
Исми Санжар ўшал боланинг.

Муҳаббат ТУРОВ.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА»
Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо ҚЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Камол МАТЕҚУБОВ
Босмахонага топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г-461 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12